

ЎЗБЕКИСТОН РЕСУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 371.126

Душабоев Хусниддин Ачиловичнинг

МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИСИ КАСБИЙ
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДЛАРИ
мавзусидаги

Магистрлик диссертацияси

ДАКда ҳимояга рухсат
берилган Магистратура бўлими
бошлиғи _____

“ ____ ” июнь 2011 йил

“Касб таълими методикаси”
кафедраси мудири п.ф.н., доц.
в/б. О.А.Қўйсенов

Илмий раҳбар:

п.ф.н., доц. Ш.С.Шарипов

Тошкент - 2011

МУНДАРИЖА

КИРИШ 3

ИБОБ. МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ҶЎҚИТУВЧИСИНИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИ ИЛМИЙ МУАММО СИФАТИДА

1.1. Меҳнат таълими ўқитувчиси касбий компетентлигини шакллантиришнинг назарий-методик асослари.....	11
1.2. Касбий компетентликни шакллантиришнинг психофизиологик масалалари	27
1.3. Меҳнат таълими ўқитувчиси касбий компетентлигини шаклланиш тузилмаси	44
Биринчи боб бўйича хулоса.....	58

ИБОБ. МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ҶЎҚИТУВЧИСИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

2.1. Меҳнат таълими ўқитувчиси касбий компетентлигини шакллантириш методларини танлаш мезонлари	60
2.2. Меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигини шакллантириш методларини лойиҳалаш.....	62
2.3. Меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий фаолиятини моделлаштириш.....	79
2.4. Меҳнат таълими ўқитувчиси касбий компетентлигини шакллантиришда мустақил таълимнинг тутган ўрни.....	93

III БОБ. ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИНГ ҚЎЙИЛИШИ ВА УЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ

3.1. Тажриба-синов ишларининг қўйилиши.....	104
3.2. Тажриба-синов ишларини баҳолаш ва унинг натижалари.....	105
Учинчи боб бўйича хулоса	118
Умумий хулоса ва тавсиялар.....	119
Адабиётлар рўйхати	122

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган туб ислохотлар, жамиятда ўзига хос ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланиш йўлининг танлаб олиниши, шунингдек, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ғояси ва талаблари асосида жаҳон талабларига мувофиқ келувчи, узлуксиз таълим тизимини шакллантириш учун қулай шарт-шароит яратди. Таълим соҳасида олиб борилаётган ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган давлат сиёсати ижтимоий жамият тараққиётини таъминловчи устувор йўналишлардан бири сифатида эътироф этилди.

Бу йўналишда амалга ошириладиган муҳим тадбирлар қаторида мутахассисларнинг янги авлодини шакллантириш, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, мустақил дунёқарашга эга, ижодий фикрловчи, бой миллий мерос, шунингдек, умуминсоний ва миллий қадриятларга садоқатли баркамол шахсни тарбиялаб, вояга етказиш вазифалари белгиланган.

Жамиятда амалга оширилаётган ислохотлар талабларига тўла жавоб берувчи, ишлаб чиқариш соҳасида юзага келган рақобатга бардошли, кескин ўзгаришларга мослаша олувчи, шунингдек, меҳнат бозорида мутахассислар малакасига қўйилаётган талаблар даражасида самарали фаолият юритувчи шахсни шакллантириш долзарб муаммо ҳисобланади.

Меҳнат таълими йўналишида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёни, шунингдек, мутахассисларни касбий тайёргарлигига қўйилаётган талаблар бу борада қуйидаги зиддиятларнинг мавжудлигини кўрсатади:

- касбий фаолиятнинг турли йўналишларида талабаларнинг фаол таълим олиш шакллариغا бўлган эҳтиёжи ва ижтимоий заруриятнинг тўла қондирилмаётганлиги, шунингдек, касб таълими ўқитувчиларининг мазкур йўналишдаги ўқув-тарбиявий ишларни ташкиллаштириш учун етарли даражада касбий-педагогик тайёргарликка эга эмасликлари;

- меҳнат таълими ўқитувчиларини касбий шакллантиришда талабалар томонидан таълим тамойиллари, мазмуни, методи ва замонавий

воситаларини мустақил танлашлари учун зарур шарт-шароит яратилмаганлиги ҳамда билим ва кўникмаларнинг шакллантирилмаганлиги;

- олий таълим тизимида бакалавр ўқитувчиларни тайёрлаш ўқув режалари фанларни блоклараро, блокнинг ичида ва предмет доирасида интеграциялаш касбий педагогик таълимнинг асосий мақсадларига мувофиқ ижтимоий ва шахсий тажрибанинг моҳияти, ижтимоий жамиятда касбий фаолиятни ташкил этиш жараёнида ҳаётий кўникмаларни эгаллашга имкон берувчи асосий турлари етарлича амалга оширилмаганлиги.

Дастурни татбиқ этишнинг учинчи мураккаб томони махсус билим юртлирида дарс беришга яроқли ўқитувчиларни тайёрлаш масаласидир. Шу муносабат билан ҳукуматимиз томонидан кейинги вақтларда таълим соҳаларини ривожлантиришга оид қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Мазкур ҳужжатларда узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, юксак касбий, маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи, юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш вазифаси кўзда тутилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2001 йил 4 октябрда қабул қилинган «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 400-сонли қарори ҳам мазкур муаммонинг долзарблигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси олий педагогик таълим давлат таълим стандартларининг касб таълими ўқитувчиларига қўйиладиган янги ва янада юқори талаблари билан касб таълими ўқитувчиларини амалий касбий билим ҳамда кўникмаларни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, механизми, методлари ва технологияларининг ишланмаганлиги, талаба касбий шаклланиш жараёнининг субъекти сифатида иштирок этишининг таъминланмаганлиги орасида номутаносиблик мавжуд. Бу каби номутаносибликнинг асосий манбаи ва сабаби – касбий-педагогик компетентликни таъминловчи мавжуд тизимнинг етарлича мукамал

эмаслигидир. Ана шу номутаносибликларнинг ечимини топиш диссертация ишининг муаммосини ташкил этади ва унинг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Олий таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий мазмундаги фаолияти жараёнининг умумий қонуниятлари ва меҳнат таълими ўқитувчиларнинг касбий етуклигини таъминлаш самарали технологияларининг моҳиятини ўрганишда Н.Н.Азизхўжаева, Н.М.Боритко, С.С.Булатов, М.Г.Давлетшин, Э.Рўзиев, Н.К.Сергеев, Ў.Қ.Толипов, Ф.Р.Юзликаевларнинг, шахс фаолиятининг мотивацион муҳитини яратиш ҳамда такомиллаштиришнинг назарий масалалари борасида В.К.Вилюнас, Р.З.Гайнутдинов, М.Г.Давлетшин, М.Г.Дзукоева, Ю.М.Забродин, Э.Ф.Зеер, Е.М.Иванова, Е.А.Климов, С.Л.Рубинштейн, П.А.Рудик ҳамда Н.Ф.Тализина томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг аҳамияти беқиёс бўлди.

Меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашни такомиллаштириш муаммолари А.И.Воробьев, К.А.Дуйсенбаев, Р.Х.Джураев, П.Т.Магзумов, Т.А.Маленко, Б.М.Момбаев, У.Н.Нишоналиев, Н.Сайидахмедов, Ў.Қ.Толипов, А.Р.Ходжабоев, Э.Т.Чориев, Н.Шодиев, М.Ж.Қозибоевларнинг тадқиқотларида кўриб чиқилган бўлса, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини такомиллаштиришнинг назарий ва методик асослари Р.Х.Джураев, У.И.Иноятов, Қ.Т.Олимов, Х.Ф.Рашидов томонидан тадқиқ этилган.

Илмий изланиш жараёнида педагог маҳоратини шакллантириш борасидаги концепциялар (П.Р.Атутов, Э.А.Гришин, Ю.К.Васильев, В.А.Крутецкий, Н.В.Кузьмина, Л.М.Митина, В.А.Сластенин, А.И.Щербаков); шахснинг шаклланиши ва унинг моҳиятини ёритувчи психологик назариялар (А.Абульханова-Славская, М.Г.Давлетшин, В.С.Ильина, В.Каримова, А.Н.Леонтьев, Д.А.Леонтьев, В.С.Мерлин, С.Л.Рубинштейн, Ғ.Б.Шоумаров, Д.Б.Эльконин); педагогнинг касбий маданиятини шакллантиришнинг назарий ғоялари (Г.С.Батышев, М.М.Бахтин, В.С.Библер, Л.П.Буева, Н.Д.Никандров, Г.В.Платонов), ўқитувчиларнинг ўз-ўзини ривожлантириш

(С.Я.Батышев, В.С.Безрукова, В.А.Кан-Калик, Н.В.Кузмина, С.М.Маркова) ҳамда педагогик этика муаммоларига оид изланишлар (Н.Н.Азизхўжаева, У.Маҳкамов, О.Мусурмонова, С.Нишонова, М.Очилов, Н.Е.Щуркова)нинг моҳияти ва мазмуни ўрганилди.

Ўқитувчини касбий шакллантириш, олий таълим муассасаларида уларнинг касбий ва шахсий камолотини таъминлаш учун зарур педагогик шарт-шароитларни яратиш муаммоси алоҳида долзарблик касб этади. Бу ўринда меҳнат таълими ўқитувчиси касбий компетентлигини шаклланишининг педагогик асосларини ишлаб чиқиш, психологик-педагогик шароитларини аниқлаш ва меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий компетентлиги шакланганлик даражасини аниқловчи мезонларини асослаш муҳим аҳамиятга эга. Юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиқиб, тадқиқот мавзуси «Меҳнат таълими ўқитувчиси касбий компетентлигини шакллантириш методлари» деб номланди.

Тадқиқот мақсади: меҳнат таълими ўқитувчисини касбий компетентлигини шакллантириш методларини асослашдан иборат.

Тадқиқот объекти: меҳнат таълими ўқитувчисини касбий компетентлигини шакллантириш жараёни.

Тадқиқот предмети: меҳнат таълими ўқитувчисини касбий компетентлигини шакллантиришнинг шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг илмий фарази: агарда қуйидаги масалалар амалга оширилса, меҳнат таълими ўқитувчисини касбий компетентлигини шакллантириш жараёни муваффақиятли ташкил этилади:

- меҳнат таълими ўқитувчиси касбий компетентлигини шакллантириш замонавий назарий-методик асосларда қурилса;

- меҳнат таълими ўқитувчисини касбий компетентлигини шакллантириш мазмуни техника ва педагогика туркумидаги фанлар интеграцияси асосида ташкил этилса;

- ДТСда акс эттирилган мажбурий минимал талабларни жамиятнинг замонавий ижтимоий-иқтисодий ва маънавий эҳтиёжлари билан ўзаро мувофиқлигига эришилса;

- меҳнат таълими ўқитувчисини касбий компетентлигини шакллантиришнинг асосий бўғини ҳисобланган педагогик туркум фанларининг узвийлиги ва узлуксизлиги дидактик жиҳатдан асосланса;

- меҳнат таълими ўқитувчиларни тайёрлашда мустақил таълим салмоғи оширилиб, мазмунан такомиллаштириб борилса;

- меҳнат таълими ўқитувчисини касбий компетентлигини шакллантириш жараёнида замонавий педагогик ва ахборот технологиялари, шу жумладан, масофали таълим технологияларидан унумли фойдаланилса, таълим жараёнининг самарадорлиги таъминланади.

Тадқиқот вазифалари:

1. Меҳнат таълими ўқитувчиси касбий компетентлиги шакллантириш методларини таркибини асослаш.

2. Замонавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шароитида меҳнат таълими ўқитувчиларини касбий компетентлигини шакллантиришни таъминловчи мезонларни ишлаб чиқиш.

3. Меҳнат таълими ўқитувчисини касбий фаолияти моделини ишлаб чиқиш.

4. Меҳнат таълими ўқитувчисини касбий компетентлигини шакллантиришда умумкасбий фанларни интеграциялашнинг педагогик асосларини ишлаб чиқиш.

5. Меҳнат таълими ўқитувчисининг мустақил билим олиш мазмуни, методи, воситаларини аниқлаш ва қўллаш.

6. Меҳнат таълими ўқитувчисини касбий компетентлиги шакллантиришда мустақил таълимни ўзаро алоқадорлигини таъминлаш.

Тадқиқот методлари: умумилмий (тарихий, биографик, ретроспектив-истикболли, контент-таҳлил), моделлаштириш (лойиҳалаш), социометрик

(анкета, тест, сўровлар, суҳбат, интервью), бевосита ва билвосита педагогик кузатув, педагогик тажриба-синов, математик-статистик таҳлил, эксперт баҳолаш.

Тадқиқотнинг методологик асоси: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларидаги таълимий ғоялар, ўқитувчи шахсини шакллантиришда умуминсоний, маънавий-ахлоқий, касбий аҳамиятли қадриятлар устуворлиги ҳақидаги ғоялар, борлиқнинг ўзаро бирлиги ва боғлиқлиги, жамият ҳамда инсоният тафаккурининг ривожланиши.

Тадқиқотнинг тажриба-синов базаси: тажриба – синов ишлари Тошкент Давлат Педагогика институтининг касб таълим факультети, Жиззах Давлат Педагогика институтининг меҳнат таълим факультетида тажриба – синов ишлари олиб борилди. Тажриба – синов ишларини амалга оширишга тўртта гуруҳ танланди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган ҳолатлар:

1. Меҳнат таълими ўқитувчиси касбий компетентлигини шаклланиш тузилмаси.

2. Меҳнат таълими ўқитувчиси касбий компетентлигини шакллантириш методларини танлаш мезонлари

3. Меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий фаолияти модели

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- меҳнат таълими ўқитувчиси касбий компетентлигини шаклланиш тузилмаси ишлаб чиқилганлиги;

- меҳнат таълими ўқитувчиси касбий компетентлигини шакллантириш методларини танлаш мезонлари ишлаб чиқилганлиги;

- меҳнат таълими ўқитувчиси касбий компетентлигини шакллантиришда мустақил таълимнинг ўрни ишлаб чиқилганлиги.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти: меҳнат таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий ва ташкилий-методик асослари яратилганлиги билан белгиланади.

Тажриба-синов ишлари натижалари тадқиқот йўналишини белгилаб олиш имконини берди. Жумладан:

- меҳнат таълими ўқитувчисини касбий компетентлигини шакллантиришда индивидуал сифатларнинг ўрни ва роли аниқланди;

- меҳнат таълими ўқитувчисини касбий компетентлигини шакллантиришнинг методологик асослари, давлат таълим стандартлари мазмунини такомиллаштириш бўйича тавсиялар тайёрланди;

- меҳнат таълими ўқитувчисини касбий компетентлигини шакллантиришнинг ташкилий-методик ва технологик шарт-шароитлари аниқланди ҳамда улар назарий-методик жиҳатдан асосланди;

- меҳнат таълими ўқитувчисини касбий компетентлигини шакллантиришда умумкасбий фанларни интеграциялашнинг педагогик асослари ишлаб чиқилди;

- меҳнат таълими ўқитувчисининг ўз-ўзини такомиллаштириб бориши, бошқариш, назорат қилиш ва баҳолаш, мустақил билим олиш кўникмаларини шакллантиришнинг муҳим омили сифатида мустақил таълимни амалга оширишнинг мақсади, тамойиллари, мазмуни, методи ҳамда воситалари белгилаб берилди;

- меҳнат таълими ўқитувчиси касбий компетентлигини шакллантиришда мустақил таълимнинг ўрни асосланди.

I БОБ. МЕХНАТ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИСИНИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИ ИЛМИЙ МУАММО СИФАТИДА

1.1. Мехнат таълими ўқитувчиси касбий компетентлигинини шакллантиришнинг назарий–методик асослари

Ҳозирги кунда жамиятимизда ижтимоий–иқтисодий ўзгаришларнинг жадал амалга оширилиши, таълим тизимининг босқичма - босқич ислоҳ қилиб борилиши – мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида умум эътиборли ва маънавий қишиқишга молиқ жараёнга айланади. Таълим тизимининг умумий мақсади тенг ҳуқуқли демократик давлат талабига жавоб берадиган баркамол жамият аъзоларини тарбиялаб беришдан иборатдир. Касбий фаолиятда меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигини шакллантириш орқали инсон ҳаётга, шахс тарбиясига, ижтимоий муносабатлар ривожланишга маълум таъсир кўрсатиш мумкин. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиси касбий компетентлигини шакллантиришда эса таълимни тараққий эттиришнинг ишлаб чиқилган касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг модели – таълим ва ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган педагогик ҳамда муаммоли вазиятларнинг муваффақияти ҳал этилишини таъминловчи, мотивацион хислатлар, интеллектуал салоҳият, иродавий сифатлар, амалий кўникмалар, ҳиссий сифатлар, ўз – ўзини бошқара олиш сифатларини таърифловчи ҳамда касб эгасининг мустақил билим олиши ва ўз – ўзини ривожлантиришда акс эттирувчи андоза ҳисобланади. Моделдаги педагогик ва техник – технологик муаммоли вазиятли топшириқлар меҳнат таълими ўқитувчисини тайёрлашда педагогик, умуммуҳандислик ҳамда мутахассислик туркуму фанлари дидактик синтезини таъминлаб, меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий – педагогик тайёргарлигини юқори сифат даражасига кўтаради.

“Меҳнат” – инсоннинг ақлий ва жисмоний ҳолатида бажарган иши натижасидир.

“Меҳнат” инсоннинг ҳаётидаги ҳар бир жараёнда маълум ижодий “иш” бажаришни, тайёрланган, “маҳсулот”, “буюм”, яқунланган илмий изланиш, тарбияланган фарзанд, ўқувчи, шогирд билан белгиланади.

Меҳнат тарбияси – меҳнат инсон камолатининг асоси, ҳаёт манбаи, умр мазмуни ҳисобланади. Меҳнат тарбиясида кўзда тутилган мақсад, аввола меҳнатнинг моҳиятига мазмунига теран нигоҳ ташламоқ, муайян хулоса чиқармоқдан иборатдир.

Меҳнат таълими фанининг ўзига хослиги, таълим – тарбия жараёнида ўқувчиларнинг умуммеҳнат ва малакаларини шакллантириш, уларнинг қизиқишлари, қобилиятлари, касбий мойилликка кўра касб ҳунар турларини танлашга асос бўладиган ҳислатларини, умуммеҳнат маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш, ҳалқ хўжалигининг турли соҳалари, уларда ишлатиладиган техника ва технология тўғрисида билимлар бериш, меҳнат фаолиятининг турли соҳалари билан амалий меҳнат орқали яқинроқ танишишга имкон яратиш.

Меҳнат таълими фанининг ўзига хос муҳим хусусиятларидан яна бири – бу фан бўйича ўқув машғулотларнинг асосий қисмини амалий ва ишлаб чиқариш мазмунига эга эканлигидадир.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг ўқитиш ва тарбиялашда энг асосий таъсирни ўқитувчи кўрсатар экан, ўқитувчининг касбий компетентлигини шаклланганлиги, ўқув ва тарбия жараёнини бошқаришда намоён бўлади. Ўқувчиларни тўғри тарбия ва билим олиши, уларнинг баҳолари яхши бўлиши боғлиқ. Бошқарғич ва профессионал компетентностнинг ўрни нафақат педагог ва унинг ўқувчилари ҳаётида катта ўрин олган. Ҳозирги вақтда ўқитувчиларнинг касбий компетентлиги ҳақида бирорта аниқ таъриф келтирилмаган, аммо 90 – йилларда педагогика ва психологияда

Ўқитувчининг касбий компетентлиги ҳақида турли ҳил олимларнинг фикрларини учратишимиз мумкин.

Меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлаш Давлат таълим стандартлари мутахассисларини тайёрлаш ва сифатини назорат қилиш механизми вазифасини ўтайди. Давлат таълим стандартида мутахассиснинг касбий тайёргарлик даражасига нисбатан белгиланган талаблар аҳамиятига кўра асосий ва таъминловчи талаблар гуруҳларига ажратилади.

Н.А.Муслимов, Н.С.Гаипова, М.М.Қодировларнинг меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини касбий тайёрлашда янги сифат даражага ўтиш тўғрисида – “бугунги кунда меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда бўлажак мутахассисларнинг шундай сифатлари талаб этиладики, юқори даражадаги билим ва касбий кўникмалар асосида улар педагогик фаолиятни ва ишлаб чиқариш жараёнини таҳлил қила биладиган, янги ностандарт ғояларни илгари сура оладиган, рационал, замонавий талабларга жавоб берадиган метод ва воситаларни, касбий ва илмий ахборотларни ўзлаштиришнинг янги усулларини амалиётда қўллай оладиган бўлиши лозим. Шунинг учун бўлажак меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини касбий тайёрлашнинг характерини сезиларли даражада ўзгартириш керак. Бу масалаларни ҳал этиш, меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг янги сифат даражасига ўтишни талаб этади” ушбу фикрларни билдириб ўтганлар.

Н.В.Кузьмина, А.К.Маркова, Э.Ф.Зеер, В.А.Сластенин, Т.Ф.Лошакова ўқитувчининг “ касбий компетентлик” ҳақида кўплаб ишларни амалга оширганлар.

Д.Дьюи, У.Уоллер, М.Мид, К.Юнг, П.Сорокин, Ф.Знанецкийларнинг фалсафасида касбий компетентлик тушунчасига шундай таъриф беради – бу муҳидга ўрганиш воситаси, чунки касб одамни ўнга тўғирлайди, одамнинг қизиқишларини аниқлайди, битта касбда ишлаган одамларнинг қизиқишларини жамлайди.

Д.Л.Томпсон, Д.Пристинлар касбий компетентликни ишда керак бўлган билимларнинг ва барча ахлоқий қоидаларнинг йиғиндиси деб айтади.

Психологияда (И.Н.Шпильриен, С.Г.Геллерштейн, Е.А.Климов, В.Д.Шадриков, К.К.Платонов, Н.В.Кузьмина) ҳаётдаги бўлган вазиятларнинг, муомаларини ечишга ёрдам берадиган фазилатлар, қобилиятлар компетентност деб тушунтирилади. Професионал компетентност – бу қайсидир касбда бор бўлган стандартга риоя қилиш. Н.В.Кузьмина концепсияси энг муҳим психологик концепсия - бу концепсияда компетентлик қобилиятлар орқали таърифланади.

А.К.Маркова ўқитувчини касбий компетентга эга бўлган ўқитувчи деб айтади қачонки педагогик фаолиятини, педагогик муомилани, етарлича юқори даражада оширса, ўқувчиларни ўқитишда ва тарбиялашда юқори натижада оширса. Компетентли бўлган ўқитувчи ўзини касбий билимларини психологик фазилатларини ўз меҳнатида қўллашни билиш керак.

А.П.Акимова касбий компетентностни шундай тушунтиради – ўз фаолиятида керак бўлган билимларининг, янгиликларининг, қобилиятларнинг йиғиндиси ва атрофдаги муҳит билан йиғинди ўз аро тўғри келиши.

Педагогик компетентлик педагогик маҳорат тушунчасига боғлиқлигини Н.В.Кухарев шундай таърифлайди – психологик – педагогик тайёрлигидан келиб чиқадиган ўқитувчи шахсининг аниқ сифатларининг ва педагогик масалаларини энг самарали усулда ечадиган фазилатлар тўплами.

М.И.Лукьянова ўқитувчининг педагогик компетенлигини учга бўлиб кўриб чиқади: психологик – педагогик саводи, шахсининг муҳум касбий фазилатлар, энг муҳими эса – ўқитувчини меҳнатининг асосий мезони ўқитувчига қаратиши ва ўқитувчи ўзининг малакасини оширишга, янги билимлар билишга интилиши, ўзининг фаолиятини такомиллаштиришга, бундан чиқади ўқувчининг шахсини ўзгартириш.

А.К.Маркова энг кўп ўқитувчининг меҳнатининг касбий компетентлиги асосларини қидирган. А.К.Маркова фикри бўйича ўқитувчининг меҳнати компетентликка айланади қачон: ўқитувчи ўз фаолиятини етарлича юқори даражада амалга оширса, ўқувчи ва талабаларни ўқитиш ва тарбиялашни юқори даражада амалга оширса. Ушбу асослар билан бирга ўқитувчининг касбий компетентлигини тўртга бўлиб ўрганади:

Махсус ёки фаолиятли касбий компетентлик – бу фаолиятни юқори касбий олиб бориши. Махсус касбий компетентлик нафақат махсус билимлардан, балки бу билимларни амалга оширишдан иборат;

Ижтимоий компетентлик – бу кўшимча фаолиятни олиб бориш йўллари билиш, ҳамкорликда бажариш йўллари билиш;

Шахсий компетентлик – бу ўзини ривожлантириш ва ўзини кўрсатиш йўллари билиш (мутахассис ўзининг фаолиятини режалаштириш, мустақил қарор қилиш, маълумотлар билан ва ўз устида ишлаш).

Индивидуал компетентлик – бу ўзини бошқариш йўллари билиш, касбий ривожланишга тайёргарлик ва касбий янгиликлар қилиш. Шу билан бирга ўқитувчининг билимлари янгиликлар билан бойиган бўлиши, психологик ва педагогик фазилатлар юқори даражада бўлиши.

Меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий компетентлиги ҳақида гапирар эканмиз, ўқитувчининг парфлими ҳақида айтмай кетса бўлмайди. Портфлими – бу касбий фаолиятини акслантириши. Портфлими шакллантириш жараёнида ўзини – ўзи баҳолаб чиқади, ўз – ўзини ривожлантириш зурурлигини тушуниб етади. Портфлими ёрдамида педагогнинг аттестация муаммоси ечилади, чунки бу ерда касбий фаолиятининг барча натижалар тўпланади ва умумийлаштирилади. Текширувчилар мутахассисларнинг касбий компетентлик, педагогик муаммо деб 80 – 90 йилларда келадилар.

“Компетентлик” тушунчаси (лотинчадан *competentia* – биргаликда эришаман, тўғри қиламан) луғатларда “бир нима ҳақида фикр юритишга имконият берадиган билимларга эга бўлиш” маъносида тавсияланади.

“Ўқитувчининг касбий компетентлик” категорияларини тушуниш учун бор бўлган йўлларни кўриб чиқайлик.

1. Касбий компетентлик “маданият” феномени алоқаси, бу алоқа шахс ривожланишининг тарбия олганлигининг, маълумотли бўлганлигининг натижаси бўлади (Е.В.Бондаревская, Б.С.Гершунский, А.И.Пискунов, Е.В.Попова, Н.Розов ва б.).

Е.В.Бондаревская касбий компетентликнинг моҳиятини тўғри тузиш учун “педагогик маданият” тушунчасидан фойдаланди. “Ўқитувчининг касбий фаолияти, фаолиятини бажариш йўллари, педагогик бойликларнинг яинемик системаси” – бу педагог маданияти.

2. Қобилиятлар, янгиликлар системаси деб касбий компетентликни тушуниш (Т.Г.Браже, Н.И.Запрудский ва б.).

Т.Г.Браже касбий компетентни фалсафадан, психологиядан, социологиядан, маданиятшуносликдан ва шахснинг тарафлари олган системаси деб тушунтиради. “Одам - одам” (педагоглар, врачлар, юристлар), соҳада ишлайдиган одамларнинг касбий компетент фақат илмий билишлар ва янгиликлар билан аниқланмайди, аммо мутахассиснинг муҳим тарафлари, мутахассисларнинг маданияти билан аниқланади. Педагог касбда бу рўйхатга фан беришни яхши билиши кўшилади, ўзининг тарбияловчиларига маънавий таъсир ўтказиш ва уларни тушуниш киради. Битта нарса бўлмаслиги педагог фаолиятини пасайтиради.

Н.И.Запрудскийнинг фикрича касбий компетентлик бу – аниқ даражада бўлган, касбий вазифаларни бажаришга имконият яратади, шахснинг муҳим касбий фазилатлари, билим, билиш, қобилиятлари, фазилатлар системасини айтади.

3. Е.М.Павлютенков – касбий компетентликни шундай тушунтиради, педагогик фаолиятини амалга ошириш. Демак, бу тушунчага келган баъзи бир олимлар, компетент ва моҳирликни бир - бирини тўлдирувчи ва алоқадор тушунчалар деб атадилар.

4. “касбий компетент” ва “касбий фаолиятга тайёр бўлиши” тушунчаларини солиштириш. Касбий фаолиятга тайёр бўлиш тушунчаси психологик – педагогик адабиятларда аниқланмаган

В.И.Данильчук, М.И.Дьяченко, В.В.Сериков, В.А.Сластенин ва шу каби олимлар касбий компетентликнинг муҳим категорияси сифатида, талабаларнинг касбий фаолиятга тайёрлиги – бу психик ҳолат худди субъектда бўлган аниқ тузилган ҳаракатнинг образи ва иш ҳаракатни бажаришини тушуниш ва бунга интилиш. Педагогик масалаларни хал этишга қаратилган, аниқ усулларни топиш, хал этилиши лозим бўлган мураккаб вазиятларга нисбатан ўзининг имкониятларини тўғри баҳолаш ва аниқ натижага эришиш зарурлиги.

А.И.Мищенко касбий компетентни, “педагогнинг фикрларга назарий тайёргарликнинг ва педагогик амал қилишга тайёрлигининг умумийлиги”.

Ю.Б.Койнова касбий компетентликни шундай тушунтиради – касбий компетентлик бу субъект фаолиятининг индивидуал – интеграл сифатли характеристика ва фаолиятни амалга оширишга тайёргарлик.

5. Касбий компетентни, ўқитувчи фаолиятида кўради (М.К.Кабардов, А.И.Панарин) ўқитувчининг тайёр бўлишининг энг муҳим характеристикаси сифатида коммуникатив, ташкилотчилик, конструктив, янгиликларни тўплай олиш ва уларни ўз фаолиятида қўллай олишга тайёр бўлиши, А.И.Панарин фикрича педагогик янгиликларга эга бўла олиш бу педагогнинг билимларидан ҳам муҳимроқдир, зарур қобилиятларни, янгиликларни шакллантириш ва уларни бошқариш кўрсатгичи бу – касбий компетентлик.

Касбий компетентлик тўғрисида Р.Х.Шакуровни фикрича ўқитувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш учун, бошқа томондан ўқитувчи ва ўқитувчиларнинг фаолиятини бошқариш ва баҳолаш учун керак бўлган фазилатлар йиғиндиси деб қарайди.

6. Б.С.Гершунский, А.Д.Щекатунованинг фикрича касбий компетентлик – бу ўқитувчининг касбий маълумоти, тажрибаси ва ўзининг шахсий

қобилияти, ўзини – ўзи ривожлантиришга узлуксиз интилиш ва ўзининг ишига бўлган ижоди. А.Д. Щекатунова касбий компетентни шундай тушунтиради – бу шахснинг умумий маданиятини ва фаолиятнинг назарий воситаларини бошқариш.

Касбий кампетентнинг ривожланиши – бу ижодий ривожланиш, педагог атрофда ўзгаришларга тез мослаша олиш ва бошқариш, тез киришиш қобилияти, жараённинг социал – экономик ва маънавий ривожланиши педагогнинг касбий даражасига боғлиқ.

Маълумотларнинг замонавий тизимида бўлган ўзгаришлар, ўқитувчининг малака оширишга ва ўзининг касбий қобилиятларини оширишга мажбур қилади, бу дегани ўзининг касбий компетентини оширишига мажбурлигидир. Замонавий маълумотнинг асосий мақсади жамиятнинг, давлатнинг, шахснинг замонавий тарбияларга мос бўлиши, ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялаш.

Ўқитувчининг компетентлигини текшириш усулларидан бири – бу аттестация. Аттестациянинг мақсади ўқитувчининг ўзига мос касбий компетентлигини даражасини ва ўқитувчининг барча фаолиятининг томонларини текширишдан ибрат.

Ушбу фикрлардан келиб чиқадиган бўлсак ўқитувчининг касбий компетентлиги кўб даражасини биринчи ўринда маълумот, иккинчи ўринда бошқариш деб олсак бўлади.

Меҳнат таълими ўқитувчисини касбий компетентлигини шакллантиришда педагогик ҳамда техник–технологик муаммоли вазиятни педагогик жараённи ҳосил қилишга имкон берувчи, шароитларнинг тўплами сифатида қайд этилади. Педагогик шароитлар мазкур жараённи юзага келтирибгина қолмай, балки унинг мавжуд ҳолатини ҳам белгилайди.

Меҳнат таълими ўқитувчисини касбий компетентлигини шакллантириш босқичма босқич, педагогик туркум фанлари ҳамда умуммуҳандислик фанларининг интеграцияси, яъни дидактик синтезни ва фанлараро

алоқадорлик даражасида фаолиятида педагогик ҳамда муаммоли - вазиятли топшириқларни ечиш орқали амалга оширилади.

Меҳнат таълими ўқитувчиси дарсга тайёрланаётганда ҳар хил метод ва усулларни қўллаб янги материални қандай баён қилишни ўйлайди. У ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини, уларнинг тажрибаси, жисмоний ривожланиши ва меҳнат унумдорлигига таъсир қиладиган бошқа факторларни ҳисобга олган ҳолда иш объектларини танлайди. Меҳнат ўқитувчиси олдида ўқувчиларнинг ўқув ишлаб чиқариш коллективларини ташкил қилиш, улар орасида ишлаб чиқариш муносабатларини йўлга қўйиш масаласи пайдо бўлади. Бундан ташқари, бошқа ўқув предметларидаги каби меҳнат ўқитувчисида ўқувчиларнинг меҳнат усулларини тўғри бажарилишини, олинган билимларни амалга қўллашни контрол қилиш ва уларнинг ўқув фаолияти натижаларини баҳолаш функциялари сақланиб қолади.

Меҳнат ўқитувчисининг тайёргарлиги ҳар қандай асосли бўлса ҳам, у тугалланган ҳисобланмайди. Маълумки, ҳозирги замон ишлаб чиқариши жуда тез суръатлар билан ривожланмоқда. Меҳнат қуроллари, технологик процесслар узлуксиз такомиллашиб бормоқда. Бу маълум даражада меҳнат таълимида ўз аксини топиши керак. Демак, меҳнат ўқитувчиси фан ва техника соҳасидаги тараққиётни узлуксиз кузатиб бориши, улардан ўқувчиларни тушунарли формада хабардор қилиб туриши ва ўз маҳорати устида ишлаши керак.

Бу борада меҳнат таълим ўқитувчиси эга бўлиши керак бўлган фазилат ва маҳорат турларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин;

– юқори ғоявийлик. Ўқитувчи ўсиб келаётган авлодимизнинг тарбиячисидир. У ўқувчиларни ватанпарварлик, инсонпарварлик ғоялари руҳида тарбиялаши ва дунёқарашни шакллантириш керак;

– юқори техник малака. Масалан, меҳнат таълими процессида V – VII синфлар ўқувчилари слесарлик, дуродгорлик, токарлик иши

элементлари ва электротехника элементлари билан танишадилар. Шу муносабат билан педагогика ўқув юртининг ҳар бир ўқувчиси дурадгорлик ёки 2 – 3 разрядли слесарлик касбини, электромонтёрлик касби асбобларини эгаллашлари керак, кейинги амалий фаолият процессларида ўз маҳорати даражасини узлуксиз ошира бориши керак;

– юқори психологик - педагогик тайёргарлик. Меҳнат ўқитувчисининг ўзи билим ва малакаларни юксак савияда эгаллабгина қолмай, балки ўқувчиларда ҳам маълум малакаларни таркиб топтириш учун уларга билимлар бериши керак. Билим ва малакаларни эгаллаш процессининг ўз қонуниятлари бор, мактабдаги таълим шу қонуниятлар асосида ташкил этилади. Меҳнат ўқитувчиси психология, дидактика ва бошқа фанларнинг ўқув процессига асос бўладиган муҳим қоидаларини чуқур ўзлаштириб олиши керак;

– ўз касбига муҳаббат. Педагог олим М.Очилов “Ўқитувчилик ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган ноёб хислат. Кўп нарсани билиш, ўқувчилар билан муомала қила олиш, ўқитишнинг турли усулларини эгаллаб олиш мумкин, хатто ташқаридан қараганда ўз ишининг устаси бўлиш мумкин, бироқ ўқувчиларга нисбатан доимий жонли қизиқиш бўлмаса, уларнинг фикрлашлари билан қизиқмасан, улар билан муносабатда бўлишга эҳтиёж, интилиш сезмасанг, қалбан ўқувчилардан йироқ бўлсанг – сен педагог эмассан”, деб ёзади.

Меҳнат таълими ўқитувчисининг таълим ва тарбия беришида, маҳорат турларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- таълим бериш маҳорати;
- таълимнинг замонавий усулларини қўллай олиш маҳорати;
- тарбиялай олиш маҳорати;
- инсон омилини таъминловчи фазилати;
- билимларни ҳолисона баҳолаш ва назорат қила олиш маҳорати;
- меҳнат таълимига бўлган эҳтиёжни қондира олиш маҳорати.

Меҳнат таълими ўқитувчиси ўзининг педагогик маҳоратини такомиллаштириш, ўз малакаси савиясини ошириш устида ҳар доим ишлаши, бу борада ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари анча ёрдам беради. Бундай институтларда меҳнат ва касб таълими кабинетлари ишлаб турибди. Бу институтларда қисқа муддатли курслар ташкил қилиниб, уларда илғор педагогик тажрибалар билан танишадилар.

Меҳнат таълими ўқитувчиси педагогик фаолиятини назорат қилишда қуйидаги жиҳатларга: а) таълим – тарбия ишининг аниқ мақсадга йўналтирилганлигини, илмий жиҳатдан асосланганлигини ҳамда унинг мазмунини тўғри танланганлигини аниқлаш; б) меҳнат ва касбий фаолиятнинг натижаси сифатини аниқлаш, ривожланиш босқичлари, тараққиёт даражасини белгилаш ҳамда истиқболдаги йўналишларини ёритиш; в) таълим ва тарбиянинг муқобил самарали услубларини ишлаб чиқиш, ўқувчи ва ўқитувчиларнинг дунёқарашларини шакллантиришга, педагогик жамоанинг барча аъзолари орасида ўзаро ишончга, дўстликка, ҳамкорликка асосланган муносабатларни ўрнатишга қаратилган ягона мақсад сари интилиш каби вазифаларни аниқлашга эътибор бериш зарур.

Меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий компетентлик ташунчасида, “компетентлик” сўзига изоҳ бериб ўтсак. Компетентлик (лот. Competens – тегишли, лаёқатли). У малакани тавсифловчи соф касбий билим ва лаёқатни ўз ичига олишдан ташқари, яна сифат, ташаббус, ҳамкорлик, гуруҳда ишлай билиш қобилияти, коммуникатив ўқув, таълим олиш, баҳолаш ўқуви, мантиқий фикрлаш, ахборотни танлаш ва фойдаланиш лаёқатлари каби сифатларни ҳам ўзида мужассамлаштиради. Педагогикада “компетентлик” – бу талабанинг шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга касбий фаолиятни амалга оширилиши учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ҳамда уларнинг касбий фаолиятда қўллай олиши билан ифодаланади.

Битирувчиларнинг касбий тайёргарлиги даражасига қўйилувчи талаблар нуқтаи назаридан компетентлик талабаларнинг муайян вазиятларда илим, малака ва фаолият усуллари тўпламини мақсадга мувофиқ қўллаш қобилиятини англатади.

Олий педагогик таълимнинг ҳар бир босқичи учун таълим блоклари ва ўқув фанлари даражасида таянч компетентлик аниқланади. Таянч компетентлик тартибини белгилашда касбий педагогик таълимнинг асосий мақсадларига мувофиқ ижтимоий ҳамда шахсий тажрибанинг моҳияти, ижтимоий жамиятда касбий фаолиятни ташкил этиш жараёнида ҳаётий касб этади. Ушбу нуқтаи назардан таянч компетентлик: яхлит – мазмунли, ижтимоий – маданий, ўқув – билиш, ахборот олиш, коммуникатив, ижтимоий фаолиятли, шахснинг ўз – ўзини такомиллаштириш турларига бўлинади.

Меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий шаклланиши қуйидаги тарзда намоён бўлади: педагогик тизим, жараён ва натижа. Ижтимоий қоидалар касбий шаклланиш даражасини баҳолашда муҳим асослар сифатида акс этади ва улар, ўз навбатида, Давлат таълим стандарти мазмунида қайд этилади. Таълим тизими фаолиятини баҳолашда унинг самарадорлиги ҳамда педагогик тизим ривож билан боғлиқ асосий кўрсаткичларини ажратиб кўрсатиб мумкин. Айнан ана шу кўрсаткичлар ўқитувчининг касбий шаклланиш даражасини баҳолаш мантиқини асослаб беради.

Педагогнинг касбий лаёқатлилигини тарбиялаш муаммосини ўрганиш ишига бир қатор илмий ишлар бағишланган. Бироқ бу муаммонинг турли жиҳатлари ва аспектларига олимларнинг қизиқишлари камаймаябди, бу эса узлуксиз педагогик таълим тизимини модернизациялаш ва ривожлантиришнинг ҳозирги замон босқичида алоҳида аҳмиятга эгалигидан ва унинг долзарблигидан гувоҳлик беради.

Замонавий жамиятда таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик йўналиши – бу инсоннинг турли соҳаларида мақсадли мустақил фаолияти асосида унинг интелл ва ахлоқий ривожланишидир. Жаҳоннинг ривожланан

давлатлари қатори мамлакатимизда ҳам таълимдаги ислохотлар жараёнида мустақил таълимни рағбатлантириш муҳим йўналиш сифатида келмоқда. Педагогнинг касбий лаёқатлилигини тарбиялаш феноменини тадқиқ қилишга Р.А.Мавланова, Н.Н.Азизходжаева, Ф.Юзликаев, Р.Х.Жўраев, В.А.Кан – Колик, Н.В.Кузьмина, Н.Д.Никандаров, В.А.Сластенин ва бошқа қатор олимларнинг ишлари педагогик компетентликка бағишланган. Бу муаллифлар касбий лаёқатлилик шахсиятли – ишончлилик сифатлари билан биргаликда ўқитувчининг касбий – шахсиятли ҳодиса сифатида педагогик маданиятини тавсифлайди деган фикрга яқдилдирлар. Ўз навбатида, касбий лаёқатлилик тушунчаси, В.А.Сластенин таъқидлаганидек, педагогнинг педагогик фаолиятни амалга оширишга назарий ҳамда амалий тайёрлигининг бирлигини ифодалайди ва унинг профессионализмини тавсифлайди. Тадқиқот муаммоси бўйича психологик, педагогик адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатади “касбий лаёқатлилик” ва “профессионализм” тушунчалари синонимлар сифатида қаралади. Бироқ уларнинг моҳиятини аниқлашда фарқлар бор. Мазкур тадқиқотда бу фарқлар муҳимдир, чунки унинг тадқиқот мавзуси педагогик маҳоратнинг маълум даражасига бўлган мутахассиснинг лаёқатлилигини эмас, балки педагогик йўналишдаги касб – ҳунар коллежлари бўлажак ўқитувчисининг олий ўқув юртида касбий лаёқатлилигини шакллантиришга ёрдам берадиган психологик – педагогик муаммоларга қаратилган.

Касбий педагогик фаолиятда меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигини шакллантириш педагогларни тайёрлашдаги мураккаб муоммалар қаторида ўзига хос ўрин тутаяди. Айниқса таълимни модернизациялаш билан боғлиқ ислохотларнинг жорий босқичида касбий педагогик фаолиятга мослашиш муаммоси янада яққол намоён бўлмоқда. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларини касбий, амалий, психологик, методик, тадқиқотчилик турлари билан бир қаторда меҳнат таълими

ўқитувчисини касбий компетентлигини шакллантириш билан бойиб бормоқда.

Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий – педагогик фаолиятга мослашиш муаммоларини ўрганиш учун аввало, бу тушунчанинг моҳиятини, ижтимоий – маънавий асосларини аниқлаш ҳамда уни такомиллаштириш йўллари билиш зарур.

Касбий лаёқатлилиқ диагностикаси профессионализмнинг моҳиятли характеристикаларига диагностик, коммуникативлик, бошқарув ва проектив ўқувлар гуруҳларини киритиш лозим. Меҳнатнинг ижро – ҳаракат томонига қўйиладиган талаблар ушбу хусусиятларни назарда тутади: касбий қўйилган нутқ – аниқлик, тингловчилар учун қулай суръат, тушунарлилиқ, ҳиссиётли, ҳаракатлар ва мимиканинг ифодалилиги, ҳаракатларнинг аниқлиги ва координацияланганлиги. Педагогнинг билиш фаолияти кўп жиҳатдан ўрганилаётган нарсаларнинг мураккаблиги, динамикаси, ностандартлиги, ижтимоий ҳодисаларни ажратиб турадиган чегараларнинг таъсири, уларни излаш, ноаниқлик билан белгиланади, бу эса кузатувчанлик, суҳбатдошнинг ички дунёсини моделлаштириш укувини назарда тутади. Мазкур ҳолда ўз – ўзини тартибга солиш хусусиятлари ўз билим ва малакаларини доимо такомиллаштириш зарурати, бошқа одамларга қарабтилга ўз хатти – ҳаракатини қатъий мувофиқлаштириш укуви билан тавсифланади.

Фаолият усулларини танлаш шахснинг маънавий дунёсига фақат бошқа шахс – педагогнинг маънавий дунёси билан таъсир кўрсатиш мумкин деган қоида билан аниқланади, меҳнат усуллари мажмуавий характерга эга. Ўқитувчи меҳнатининг натижалари ўқитиладиган одамнинг психик ривожланишидаги сифатий ижодий ўзгаришлар билан аниқланади ва уларни ўлчаш қийиндир.

У ҳолда педагогик фаолият профессионализми, Н.В.Кузьмина фикрича, “илмий – тадқиқот элементларини назорат, унинг маҳсулдорлигини ўлчовини назорат мақсадларида киритишдир” деганида тушунарли бўлади.

Бунда маҳсулдорлик педагогик вазифаларни ҳал қилиш билан боғланган ўқув тарбия жараёнига ажратилган вақт ичида барча ёки асосий кўпчилик ўқувчиларга нисбатан изланаётган охириги натижага эришилишини таъминлайдиган педагогик мақсадга мувофиқ амаллар тизими сифатида тавсифланади.

Бу фундаментал билимлар, ўқувлар, қобилиятлар, анланган ижтимоий – шахсиятли позициялар вақоидалар, муҳимлик ориентациялари, шахснинг маънавий сифатлари синтези ҳисобига субъектив – ижтимоий ролларни бажариш таъминланади, бу эса айнан педагогнинг профессионализмини тавсифлайди.

Шундай қилиб, профессионализм “олий сифатни, касбни эгаллашни, уни сифатли, профессионал бажаришни” англатади.

Бунда, В.А.Сластенин қайд этганидек, педагогнинг педагогик фаолият субъекти сифатидаги, яъни унинг профессионализмининг сифат характериситикаси, касбий лаёқатлилигининг юқори даражаси ва педагогик вазифаларни маҳсулдор ҳал этишга шахсиятининг тайёрлигидан иборат.

“Профессионализм” ва “касбий лаёқатлилик” тушунчалари муносабатини кўргазмали қилиб бундай тасвирлаш мумкин.

Одам профессионализми лаёқатлилик билан бир қаторда унинг касбий йўналганлиги, шахс касбий муҳим сифатларининг мавжудлиги билан таъминланади. Профессионализмининг юқори даражасига одам ўз фаолиятини эгаллаш ва узоқ вақт бажариш жараёнида эришади. Демак, педагогнинг касбий лаёқатлилиги мутахассиснинг профессионализмини тарбиялашда асос бўлади ва улар орасида тенглик белгисини қўйиш мумкин эмас.

Педагогика ва психологияда касбий лаёқатлиликнинг моҳияти, мазмуни, структураси, асосларини ва уни тарбиялаш имкониятларини таърифлашда турлича ёндашувлар мавжуд.

Баъзи бир муаллифлар (М.Г.Давлетшин, Э.Ғозиев, Ф.Н.Ғоноболин, Н.В.Кузьмина ва бошқа.) бу муаммони психологик нуқтаи назардан кўриб чиқишни таклиф этсалар, бошқалари (М.Очилов, У.Маҳкамов, С.Очилов, О.Мусурмонова, В.А.Сластенин ва.б) педагогнинг ўз шахсий характеристикаларини, касбий аҳамиятли тарбияланганлик сифатларини ривожлантиришига урғу берадиган, учунчи гуруҳ муаллифлар (У.Нишоналиев, У.Толипов, Н.Саидахмедов, М.Усмонбоева, Ж.Ғ.Йўлдашев ва.б.) эса поливалент касбий лаёқатлиликини асосий технологик масалалар бешта гуруҳининг бирига киритадилар, тўртинчи гуруҳ муаллифлар эса (М.Очилов, У.Маҳкамов, С.Очилов, О.Мусурмонова ва.бош) касбий тайёрланганлик лаёқатлилигини ўқитувчининг профессионализми структураси ичида аниқлайдилар.

Педагогнинг касбий тарбияланганлик лаёқатлилигини тадқиқ қилишга бағишланган асарларда унинг қуйидаги турлари билан фарқ қилинади:

- махсус тарбияланганлик лаёқатлилиги – касбий фаолиятини етарлича юқори даражада эгаллаганлик, ўзининг келгуси касбий ривожланишини лойиҳалаш қобилияти;

- ижтимоий тарбияланганлик лаёқатлилиги – биргаликдаги касбий фаолиятни, ҳамкорликни ва шунингдек, мазкур китобда қабул қилинган касбий мулоқат услубларини эгаллаганлик, ўз касбий меҳнати натижалари учун ижтимоий масъуллик.

Меҳнат таълими ўқитувчисини касбий компетентлиги, иродавий сифатлар, интеллектуал салоҳият, ҳиссий сифатлар, амалий кўникмалар, ўз-ўзини бошқара олиш лаёқатларининг ўзаро боғлиқлиги ва шахснинг ижтимоий-маданий фаоллик даражасини акс эттирувчи индивидуал сифатлар асосида шакллантирилади.

Европа давлатларида шаклланган анъанага мувофиқ касбий малака мутахассиснинг компетентлиги, уни шакллантиришга қаратилган таълим тизими эса – билим, кўникма ва малакалар даражаси билан ўлчанади.

Меҳнат таълими ўқитувчисининг тайёрлашда муҳим педагогик шарт-шароитлар сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин.

1. Замонавий талабларга жавоб бера оладиган меъёрий ва ўқув-методик ҳужжатлар (давлат таълим стандарти, намунавий ўқув режалари, ишчи ўқув режалари, намунавий ўқув дастурлари, ишчи дастурлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, методик тавсияномалар, қўшимча махсус адабиётлар, кўрсатмали воситалар, дарс ишланмалари, лойиҳалар ва бошқалар)нинг мавжудлиги.

2. Илмий педагогик ходимлар (профессор, доцент, ўқитувчи, малакали ўқув усталари, техник ходимлар)нинг етарлича салоҳиятга эга бўлиши.

3. Ўқув жараёнининг моддий-техник (ўқув бинолари, ўқув аудиториялари, ўқув устахоналари, амалий-лаборатория жиҳозлари), ахборот технологиялари (радио, телевидение, компьютер, нусха кўчириш қурилмалари, лаборатория асбоб-ускуналари, магнитофонлар (аудио, видео, мультимедия), тренажёрлар, кинопроекторлар, диапроекторлар, техник воситалар мажмуининг мавжудлиги ва ҳоказолар) жиҳатдан етарлича таъминланганлиги.

4. Ижтимоий ва ўқув-технологик жиҳатдан қулай муҳит (ўқитувчилар, талабалар, раҳбарлар ҳамда талабалар, шунингдек, талабаларнинг ўзаро муносабатлари мазмуни, йўналиши, мақсадлар бирлиги ва бошқалар) яратилганлиги.

5. Ташкилий ҳамда ўқув-амалий фаолиятнинг изчил, узлуксиз ҳамда тизимли йўлга қўйилганлиги.

«Ўқитувчининг касбий компетентлигини шаклланиш» тушунчасига берилган таъриф ва тавсифларни умумлаштириб, уни қуйидагича талқин этиш мумкин:

Ўқитувчининг касбий компетентлигини шаклланганлиги – педагогнинг фаолиятида касбий компетентлик муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, педагогнинг фақатгина меҳнат ва касбий фаолиятни амалга ошириш

билан боғлиқ барча эҳтиёж, қобилият, маҳорат, билиш ва қизиқишларини ифодалайди (умумий ривожланиш барча эҳтиёжлар мажмуасини, унинг борлиққа, атрофдагиларга, ўзига нисбатан муносабатлари тизимини ифода этади).

1.2. Касбий компетентликни шакллантиришнинг психофизиологик масалалари

Шахс ижтимоий аҳамиятли амалларнинг мураккаб тизимидан иборат бўлиб, ижтимоий борлиқдаги қобилиятларнинг ифодаланишидир. Шу сабабли шахснинг асосий функцияси қобилиятларни ривожлантиришдан иборат.

Индивидуаллик ижтимоий тарихий маданий тараққиётининг субъекти сифатида ўз фаолиятини амалга оширувчи ҳар бир инсон психикасининг такрорланмас ўзига хослигини ифодалайди.

Инсон бетакрорлиги тўғрисидаги фикрлар индивидуаликнинг ташқи жиҳатларини ифодалайди. Инсон кўпқиррали мавжудот бўлиб, унинг хайвоний (тана) ва ижтимоий (шахс) смиллар мужассамлашган, бироқ унда асл инсоний сифатлар (индивидуаллик) ҳам мавжуд. Индивидуаллик инсоннинг ҳайвонат ва ижтимоий оламдан фарқланиб туришидир.

Инсоннинг индивидуаллигида унинг ҳаёт фаолияти манбаи мужассамлашган.

Индивидуаллиги ривожланган индивид тўлалигича ўз кучига таянади ва бу билан у эркин ва мустақил шахс сифатида намоён бўлади.

Хусусан, таниқли психолог А.Рубинштейн инсон йўналишларининг ижтимоий – тарихий сабабларини атрофлича кўрсатиб берган. “Индивидлардаги табиий қобилиятларнинг турличалиги, - деб ёзган у, - меҳнатни тақсимлаш сабаблигина эмас, балки айна унинг натижасидир”.

Индивидуаллик ва шахсни ўзаро қиёсан қараб чиқилиши инсон ҳамда жамият муносабатларини аниқлаштириш имконини беради.

Агар инсон жамоа билан ўзаро уйғунликда фаолият кўрсатса, демак айтиш мумкинки, унинг шахсий сифатлари мазкур жамоа талабларига жавоб беради. Инсон ушбу ҳолатда шахс деб ҳисобланиши мумкин. Бироқ, бошқа бир жамиятда шу инсоннинг ўзи шахс бўлиб ҳисобланмайди, чунки унинг қарашлари бошқа жамиятнинг талаблари билан мувофиқ келмайди.

Шу билан бирга, индивидуаллик кўп жиҳатдан инсоннинг қайси жамиятда бўлишига боғлиқ бўлади.

Унинг тажрибаси, ақли, шаклланган сифатлари аниқ олинган вақтда мавжуд вазиятга боғлиқ бўлмайди, бу билан индивидуаллик белгиларини ўзида мужассамлаштиради.

Шахс ва индивидуаллик тушунчаларининг ўзаро қиёсини аниқлаш тарбия ва ривожлантиришнинг педагогик талқиндаги алоқасини тушунишга ёрдам беради.

Бу мақсадда тарбиянинг асосида ётувчи ижтимоий тажрибани ўзлаштириш механизми кўриб чиқилади. Инсонда шахсийликнинг таркиб топиши ундаги инсонийлик маданиятинининг асосини ташкил қилувчи инсонпарварлик қадриятлари тизимини ўзлаштиришни кўзда тутди.

Мавжуд бўлган таълим тизими мазмунини такомиллаштиришнинг илмий амалий, ташкилий педагогик муоммаларни ечиш, бугунги кунда фан олдида кўндаланг бўлиб қолди. Шулардан бири эса касб – ҳунар коллежи таълим тизимидир, ана шу йўналиш орқали касб ҳунар ўқитувчисининг малакасини ошириш такомиллаштириш муаммоси бўлиб, илмий – услубий жиҳатдан унинг ташкилий – педагогик шарт – шароитларни ишлаб чиқиш асосий масалалардан бири ҳисобланади.

Ўқитувчининг педагогик касбий фаолиятини, педагогик касбий маҳоратини аниқлашда, улар малакасини оширишни мунтазам таъминлаш, педагогик жараёни тадқиқ қилиш тизими сифатида намоён бўлади. Ҳозир

фанда қабул қилинган тизимни ўрганиш методикаси ва методологиясига кўра педагогик жараёнларни тизимли ёндашув ва таркибий таҳлил асосида амалга оширилади, бу борада Т.И.Ильина, Ф.Ф.Королев, Н.В.Кузьмина, К.З.Зарипов, Ж.Ғ.Йўлдашев ва бошқа олимларнинг кўпгина ишлари бизга маълум.

Индивидуаллик – ижтимоий – тарихий маданий тараққиётнинг субъекти сифатида ва фаолиятини амалга оширувчи ҳар бир инсон психикасининг такрорланмас ўзига хослигини ифодалайди. Индивидуаллик – инсоннинг ҳайвоний ва ижтимоий оламдан фарқланиб туришдир.

Инсоннинг индивидуаллигида унинг ҳаёти фаолияти манбаи мужассамлашган.

Индивидуаллиги ривожланган индивид тўлалигича ўз кучига таянади ва бу билан у эркин ва мустақил шахс сифатида намоён бўлади.

Инсоннинг бетакрорлиги тўғрисида фикрлар индивидуалликнинг ташқи жиҳатларини ифодалайди. Инсон кўп – қиррали мавжудот бўлиб, уни ҳайвоний (тана) ва ижтимоий (шахс) омиллар мужассамлашган, бироқ унда асл инсоний сифатлар (индивидуаллик) ҳам мавжуд.

Кўриниб турибдики, шахсни касб – ҳунарга йўналтириш учун унинг аввола индивидуал сифатларига алоҳида эътибор бериш зарур.

Индивидуал машғулотларнинг мазмуни болага формал механик ёндашувни, қандайдир битта малаканинг “кетидан юриб ўрганиш” ни истисно қилади. Фақат битта натижага эришиш (боланинг кўпайтириш жадвалини ёд олиши ва бошқала) режалаштирилмайди. Асосийси – боланинг ривожланишига юқори даражада ёрдам берувчи шароит яратишдир. Тузатувчи таъсир кўрсатишнинг икки шаклини: ривожланишдаги четга чиқиш манбаи ва сабаблари йўналтирилган тузатувчи шаклини ажратиб кўрсатиш мумкин. Иккинчи шакл симптоматик тузатиш олдида сўзсиз афзалликларга эга.

Талабалар билан уюштириладиган тузатиш машғулотлари педагогик ва дефектологнинг ўқувчиларнинг ривожланиши ва ўқишидаги индивидуал

камчиликларни аниқлашга мувофиқ олиб борилади. Ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиши индивидуал қобилиятларини ўрганишда қуйидаги кўрсаткичлар эътиборга олади.

Боланинг жисмоний ҳолати ва ривожланиши:

- жисмоний ривожланиш динамикаси;
- эшитиш, кўриш қобилияти;
- ҳаракат соҳасининг ривожланиш хусусиятлари, умумий методиканинг бузилишлари (умумий танглик ёки ҳаракатларнинг сустрлиги, ноаниқлик; фалажлик, перезлар, уларнинг қолдиқ ҳодисаларининг мавжудлиги).

- ҳаракатлар координацияси (юриш, кадам ташлаш, имо – ишораларнинг хусусияти мувозанат сақлаш зарур бўлгандаги кийинчиликлари, гиперкинез, синкинезларнинг мавжудлиги).

Педагогик фаолиятда, педагог учун шахсий ёндашув – бу энг муҳим принциплардан бири. Болаларнинг барча қобилиятларини ривожлантириш (тўғри педагогик таъсирида) психология ва педагогикада жуда зарур.

Шахсий ёндашув нафақат бир нечта ўқувчилар ҳақида маълумот билишни талаб қилади, балки шахсий ёндашув барча ўқувчиларнинг ўзаро муносабатларнинг ривожланиши ҳақида талаб қилади. Натижада ўқитувчи ўқувчиларнинг ҳаётини ҳар томонлама ўрганиб чиққанда, синфдаги жамоага нисбатан болаларга алоҳида шахсий ёндашув қўллади. Ўқитувчи нафақат ҳар бир ўқувчига шахсий ёндашув қўллаш керак, у барча жамоа билан тарбиявий иш олиб бориши керак. Жамоага педагогик таъсир ўтказмасдан, ўқувчиларни алоҳида тўғри тарбия қилиш мумкин эмас. Ўқитувчи шахсий ёндашувни ҳар бир дарсда бу ёки у кўринишда қўллаши керак. Бу вазиятда ўқитувчи ўқувчиларнинг психологик ҳолатини инобатга олиши муҳим.

Мисол учун: зеркиш, қизиқиш, хайрон қолиш ва бошқалар.

Шундай вазиятларда ўқитувчи шахсий ёндашувни қўллаб ўзига керакли ўқувчиларда психик ҳолат чиқариш лозим. Синфдаги ҳар бир ўқувчи учун

аълочи, тарбияли, тартиблива тартибсиз ўқувчилар учун алоҳида шахсий ёндашувни қўлаши керак.

Болаларга янги маълумот ўргатаётганда болаларнинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш:

- ўтган дарс бўйича ўқувчиларнинг уй ишларини кузатиш;
- дарснинг бошланишида ўқувчилар билан саломлашиш;
- дарснинг бошланиш қисмида ўқувчилар билан кичик мустақил иш ўтказиш;
- болаларга янги маълумот ўргатаётганда индивидуалликни қўллаш;
- дарснинг бошида айрим ўқувчиларга шахсий машқ бериш;
- янги дарснинг бошида ўтган мавзуларни қайтариш билан олиб борилади.

Талабаларнинг ўтган дарсда олган билимларини амалиётда қўллашда индивидуалликни ташкиллаштириш:

- ўтган мавзуни тушунганлигини текшириш;
- тез тушунадиганларига алоҳида машқ, мавзуни тушуниши қийин бўлган талабаларга алоҳида машқ тайёрлаш билан олиб борилади.

Кўпчилик ҳолларда ўқитувчи талабаларда ўтган мавзудаги олган билимларини амалиётда қўллаганда индивидуалликни қўллайди.

Талабаларга янги мавзуни ўтаётганда болаларнинг билимлари бир ҳил эмаслигини, янги мавзуни самарали ўтказиши талабаларнинг илгари олган билимларига боғлиқ. Шунинг учун Е.И.Кабенова, Меллер айтган “Ўқув фаолият нафақат фанларни билишга боғлиқ, балки шу фанларни болаларга хар ҳил йўллар билан ўргатишга боғлиқ”.

Ўқувчиларнинг билимларини ўзлаштириш сифати уларнинг ақлан ривожланганлигига боғлиқ. Бизга маълумки, янги маълумотни қачонки анализ ва синтез жараёни биргаликда ўтса, шунда талабалар янги мавзуни яхши тушунади. Аммо кўпинча талабалар анализ ва синтез жараёнини

биргаликда ўтказмайди. Ўқувчиларга дарсда ёрдам бериши билан индивидуаллик чегараланмаслиги керак.

Кузатишлар шуни кўрсатадики: болаларда бу ёки у машқларни бажараётганда пайдо бўлган қийинчиликлар кўпинча, болаларнинг ақлан ривожланишига боғлиқ. Шунинг учун ўқитувчининг энг муҳим вазифаларидан бири – бу индивидуалликни қўллаб, болаларнинг ақлан ривожланишига ёрдам бериш.

Индивидуалликни болаларнинг фикрига қараб ҳар ҳил йўллар билан қўллаш керак. Бу ўринда ўқитувчининг вазифаси, талабаларнинг қизиқишларини аниқлаш, уларнинг ривожланишига ёрдам бериш, турли ҳил қобилиятга эга бўлган талабаларга алоҳида йўл билан индивидуалликни қўллаш натижасида, эътиборли, қизиқувчи, меҳнатсевар талабаларни тарбия қилиш. Бунга эришиш учун ўқитувчи индивидуал ёндашувни нафақат дарсда қўллаши керак, балки талабаларга берилаётган топшириқларни ҳам талабаларнинг қобилиятларига қараб топшириқ бериш керак.

Шахс йўналганлиги ҳақида тўла илмий асослар психология фанида етарлича асослаб берилган.

Хусусан, таниқли психолог А.Рубинштейн инсон йўналишларининг ижтимоий – тарихий сабабларини атрофлича кўрсатиб берган “Индивидлардаги табиий қобилиятларнинг турличалиги, деб ёзган у, меҳнатни тақсимлаш сабаблигина эмас, балки айнан унинг натижасидир”.

Шахснинг йўналишлари унинг амалий фаолиятида турлича намоён бўлиши мумкин, бундан келиб чиқиб, йўналиш турлари ҳақида фикрлар айтилади (ишбилармонлик йўналиши, таълим олиш йўналиши). Йўналиш турларидан бири – шахснинг касб - ҳунар йўналишидир. Уни алоҳида белгилашнинг аниқ сабаблари бор. Чунки касб – ҳунар, меҳнат – инсон фаолиятининг асосий маҳсулидир. Шахснинг умумий йўналишлари унинг бошқа инсонларва ўзига бўлган муносабати ҳамда талаб ва интилишларни

ифодаласа, касб – ҳунар асосидаги меҳнатига бўлган муносабати доирасидаги ҳатти – ҳаракатлари, талаб ва қизиқишларини ифодалайди.

Талаба ва ўқувчилардаги индивидуалликни ошириш мақсадида XIX асрнинг охирида танлайдиган ўқитишнинг шакллари вужудга келди. Булар АҚШда батава системаси ва Европада маннгейм системасидир. Ўқув ишини ташкил қилишнинг танланадиган системаларини вужудга келишига ўқитишнинг оммавий шаклларининг камчиликларини йўқотиш учун ҳаракатлар сабаб бўлди. Ҳусусан, бу системалар одатдаги ўқитишга хос бўлган оммавий нуқсонлар - қандайдир мавҳум «ўртача ўқийдиган ўқувчи»га мослаштириб ўқитиш, ўқитишнинг зарурий индивидуаллаштиришнинг таъминланмаганлигини бартараф этишга қаратилган эди. Баттава системасида ўқувчиларнинг иш вақти 2 қисмга ажратилиб, биринчи қисми синф билан дарсда ишлашга, 2-чи қисми эса, ўқувчилар билан индивидуал ишлашга бағишланар эди. Катта синфларда ўқитувчи ёрдамчиси билан ишлаган ва у қолоқ ҳамда камроқ қобилиятли ўқувчиларга кўмаклашган.

Маннгейм системасига кўра, ўқувчилар қобилияти ва ўзлаштиришларига қараб кучсиз, ўртача ва кучли синфларга тақсимланган. Танлов имтиҳонлар ва кузатиш асосида амалга оширилган, кейинчалик ҳам ўқувчини синфдан-синфга ўтказиш мумкин бўлган. Ҳозир ҳам Австралияда ва АҚШда бу система асосида турли типдаги мактаблар ишламоқда.

Дальтон-план номини олган индивидуаллаштирилган ўқитиш тизими XX аср бошларида АҚШда вужудга келиб, уни шунингдек, лаборатория ёки устахоналар системаси деб ҳам аташади. Бунда мактабда одатдаги синфлар ўрнида предмет устахоналар ташкил қилиниб, уларда ҳар бир ўқувчи устахонадаги ўқитувчидан топшириқ олган ва унинг ёрдамида индивидуал ҳолда шуғулланган. Машғулотнинг умумий режаси (дарс жадвали) бўлмаган, коллектив ўқув иши эса кунига бир соат ўтказилган. Бошқа вақтда эса ўқувчилар материални индивидуал равишда ўрганишган ва ҳар бир предмет ўқитувчиси олдида ҳар қайси мавзу бўйича топшириқнинг бажарилганлиги

ҳақида ҳисобот беришган. Дальтон-план ўқувчиларда шошма-шошарлик туғдирди, ўқитувчининг ўқув жараёнидаги ролини пасайтирди ва билимларни мустаҳкам ўзлаштиришни таъминламади.

XX асрнинг биринчи чорагида АҚШда ўқитишнинг лойиҳалар системаси вужудга келди ва у «лойиҳалар методи» номи билан танилди. Бу система асосида ўқувчилар фаолиятини амалий ҳолда ташкил қилиш ётади. Ўқувчилар ўқитишда турли хил содда амалий ишлар билан машғул бўладилар. Билимларни ўқувчи билиш учун эмас, фаолият учун ўзлаштиради. Ўқувчи фақат ўзи амалда бажариши мумкин бўлган нарсаларга қизиқади. Бунда билиш билан амалий фаолият бирлаштирилади. Аммо чуқур назарий таълим берилмайди.

Б.Мирзахмедовнинг фикрича, касб – ҳунар йўналиши ўқувчининг амалий фаолиятида намоён бўлади. Шу боис бирга, бу амалий фаолият мутахассислик фаолиятини акс эттиришга тайёргарликни фода этади. Ўқувчига ҳар доим ҳам ўз кучини ҳақиқий иш шароитида синаб кўриш имкониятини берилавермайди.

Индивидуаллик ўқувчининг муайян касбга нисбатан аниқ ҳодисалар, жараён ва омилларга нисбатан омилларга нисбатан қизиқишининг ўсишида кўзга ташланиши мумкин. Касб – ҳунар йўналиши шахс умумий йўналишининг муҳим томони ҳисобланади. У ташкилий жиҳатдан мураккаб бўлиб, талаб, йўл тутиш, қизиқиш, мақсад, ғоя ва ишонч каби омиллар йиғиндисидан иборатдир. У ҳаётий йўлни танлашда хизмат қилади.

Талабаларнинг индивидуал имкониятларини ҳисобга олиш -ҳар бир талаба ўзининг индивидуал (жисмоний,психик ва б.) хусусиятларига эгаки, бу унинг ўқув фаолиятига катта таъсир этади. Педагогнинг бу хусусиятларни ўрганиши ва ҳисобга олиши ўқитиш сифатини ошириш ва ҳар бир талабанинг ижобий қобилиятларини ривожлантириш учун шароит яратади.

Талабанинг хусусиятларини бундай ўрганиш узоқ вақт мобайнида олиб борилади. Педагог талабаларнинг дарслардаги ва ишлаб чиқариш таълими вақтида устахоналардаги ишини, уй вазифаларини бажаришини кузатади, уларнинг билими, ёзма ишлари ва тайёрлаган буюмларини текширади, маслаҳатларда ва дарсдан ташқари вақтларда улар билан суҳбатлашади. Талабанинг кучли ва ожиз томонини билиб олишга, унинг қизиқишлари, тафаккури, нутқи, хотираси, диққати, хаёлига хос бўлган хусусиятларни ўрганишга, унинг характери ва иродавий сифатларини яхши билиб олишга ҳаракат қилади, талабаларнинг ҳаётий ва меҳнат тажрибаларини, уларнинг коллежга келишдан олдинги фаолияти хусусиятларини ўрганади.

Индивидуал - типологик хусусиятлар классификацияси.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар бир шахс ўзига хос қайтарилмас дунё. Дунёда бир - бирига айнан ўхшаш бўлган икки кишини топиш жуда мушкул. Одам ташқи қиёфаси, бўйи - баста билан бошқа бирор кимсага ўхшаши мумкин, лекин феъли, мижози ва шахс сифатидаги хусусиятлари нуқтаи назаридан айнан бир хил инсонлар бўлмайди. ҳаттоки, олимлар битта тухумда ривожланган эгизакларда ҳам жуда кўп жиҳатдан айнан ўхшашликни қайд қилишган, шахсий сифатларидаги корреляцияда эса баъзи тафовутлар аниқланган.

Шахс - қайтарилмас, у ўз сифатлари ва борлиги билан ноёбдир. Ана шу қайтарилмаслик ва ноёбликнинг асосида унинг индивидуал психологик хусусиятлари мажмуи ётади. Шу ўринда биз юқорида таъриф берган шахс тушунчаси билан ёнма - ён ишлатиладиган яна икки тушунчага изоҳ бериш ўринли деб ҳисоблаймиз. Бу - “индивид” ва “индивидуаллик” тушунчаларидир. **“Индивид”** тушунчаси умуман “одам” деган тушунчани тўлдириб, унинг ижтимоий ва биологик мавжудот сифатида мавжудлигини тасдиқлайди ва уни бир томондан, бошқа одамлардан фарқловчи белги ва хусусиятларини ўз ичига олади, иккинчи томондан, ўзига ва ўзига

Ўхшашларга хос бўлган умумий ва характерли хусусиятларни қамраб олади. Демак, индивид - инсонга алоқадорлик фактини тасдиқловчи илмий категориядир.

“Индивидуаллик” - юқоридаги иккала тушунчага нисбатан торроқ тушунча бўлиб, у конкрет одамни бошқа бир конкрет одамдан фарқловчи барча ўзига хос хусусиятлар мажмуини ўз ичига олади. Шу нуқтаи назардан шахс тизимини таҳлил қиладиган бўлсак, шахснинг индивидуаллигига унинг қобилиятлари, темпераменти, характери, иродавий сифатлари, эмоциялари, хулқига хос мотивация ва ижтимоий установакалари киради. Айнан шу қайд этиб ўтилган категориялар шахсдаги индивидуаллиликни таъминловчи категориялардир. Унинг маъноси шундаки, бўйи, эни, ёши, сочининг ранги, кўз қарашлари, бармоқ ҳаракатлари ва шунга ўхшаш сифатлари бир хил бўлган инсонларни топиш мумкин, лекин характери, қобилиятлари, темпераменти, фаолият мотивацияси ва бошқаларга алоқадор сифатлари мажмуи бир хил бўлган одамни топиб бўлмайди. Улар - индивидуалдир.

Қобилиятлар - шахсдаги шундай индивидуал, турғун сифатларки, улар одамнинг турли хил фаолиятдаги кўрсаткичлари, ютуқлари ва қийинчиликлари сабабларини тушунтириб беради.

Темперамент - инсоннинг турли вазиятларда нарса, қодиса, ҳолатлар ва инсонларнинг хатти-ҳаракатларига нисбатан реакциясини тушунтириб берувчи хусусиятлари мажмуидир.

Характер - шахснинг алоҳида инсонлар ва инсонлар гуруҳи, ўз - ўзига, вазиятлар, нарсалар ва ҳодисаларга нисбатан муносабатларидан орттирадиган сифатларини ўз ичига олади.

Иродавий сифатлар - ҳар биримизнинг ўз олдимизга мақсад қўйиб, унга эришиш йўлидаги қийинчиликларни енгишимизни таъминловчи маълум сифатларимиз мажмуини ўз ичига олади.

Эмоциялар ва мотивация эса атрофимизда содир бўлаётган ҳодисалар, бизни ўраб турган одамлар ва уларнинг хатти-ҳаракатларини руқан қандай

қабул қилиб, уларга билдирадиган қиссий муносабатларимизни билдирувчи сифатларимиз бўлиб, улар айна вазиятлардаги реал ҳолатларимиздан ва уларнинг онгимизда акс этишидан келиб чиқади.

Ижтимоий установка - юқоридаги барча хусусиятлар комплексига эга инсоннинг турли ижтимоий вазиятлардаги фаолият ва ҳаракатларга рухан ҳозирлиги ва муносабат билдириш услубидан келиб чиқадиган чуқур ички ҳолатидир.

Биз юқорида санаб ўтган индивидуал психологик хусусиятларнинг аҳамияти катта. Улар бизнинг жамиятдаги ўрнимиз, обрў - эътиборимиз, ишдаги ва ўқишдаги ютуқларимиз, инсон сифатидаги қиёфамизни, ким эканлигимизни, керак бўлса, ўзлигимизни белгилайди. Ким билан қаерда учрашмайлик, ўша инсоннинг бугунги ҳолати, кайфияти, бизга ва биз билдираётган фикрларга муносабати, ҳамкорликда ишлаш тилак - истақларига доимо эътибор берамиз ва бу масала биз учун муҳим бўлади. Ҳудди шундай суҳбатдош ҳам суҳбатнинг бошиданок, бизни ўргана бошлайди. Чунки агар суҳбатдошлар бир - бирларини билсалар биргаликдаги фаолиятни самарали ташкил этиш ва ундан фойда олиш имконияти кўпроқ бўлади. Шунинг учун ҳам ишда ҳам, дам олишга отланган чоғда ҳам, қаерда бўлса ҳам ўзимизга “қўшни” танлаганда унинг инсон сифатида қандай эканлигига қизиқамиз. Агар суҳбатдош ёки шерик бизга таниш бўлмаса, уни таниганлардан олдиндан сўраб ҳам оламиз ва бунда айнан унинг нимага қобиллиги, феъли, ишга, одамларга муносабатини сўраймиз ва хоҳлаймизки, у тўғрисида “Жуда хушфеъл, одамгир ...”каби таснифларни эшитгимиз келади. Бирор ерга ишга кираётган пайтда ҳам раҳбар албатта ўзига яқин одамлардан янги ходимнинг характерини, қобилиятини ва муҳим нарсаларга муносабатини албатта сўрайди ва шу асосда суҳбатга тайёрланади.

Демак, индивидуал сифатлар бизнинг онгли ҳаётимизнинг ажралмас қисми, идрокимиз, хотирамиз ва фикрларимиз йўналтирилган муҳим предмет экан. Чунки айнан улар бизнинг турли фаолиятларни амалга ошириш ва

ишларни бажаришдаги индивидуал услубимизга бевосита алоқадор. Кимдир жуда чакқон, тез иш қилади, лекин сифатсиз. Кимдир жуда яхши қойилмақом иш қилади, лекин жуда секин, кимдир ишга юзаки қараб, номига уни бажарса, бошқа бир одам унга бутун вужуди ва эътиқоди билан муносабатда бўлиб, тинимсиз изланади ва жамият учун манфаат қидиради. Шунинг учун ҳам индивидуалликнинг фаолият ва мулоқотдаги самарасини инобатга олиб, энг муҳим индивидуал - психологик хусусиятларни алоҳида ўрганамиз.

Қобилиятлардаги туғма ва орттирилган сифатлар. Баъзан ўта иқтидорли ва қобилиятли бола ҳақида гап кетса, ундаги бу сифат туғма эканлигига ишора қилишади. Талантли, гениал олим, санъаткор ёки мутахассис ҳақида гап кетса ҳам худди шундай. Умуман қобилиятларнинг туғма ёки орттирилган эканлиги масаласи ҳам олимлар диққат марказида бўлган муаммолардан. Психологияда туғмалик аломатлари бор индивидуал сифатлар **лаёқатлар** деб юритилди ва унинг икки хили фарқланади : табиий лаёқат ва ижтимоий лаёқат. Биринчиси одамдаги туғма хусусиятлардан - олий нерв тизими фаолиятининг хусусиятлари, миянинг ярим шарларининг қандай ишлаши, кўл - оёқларнинг биологик ва физиологик сифатлари, билиш жараёнларини таъминловчи сезги органлари - кўз, қулоқ, бурун, тери кабиларнинг хусусиятларидан келиб чиқса (булар наслий ота - онадан генетик тарзда ўтади), ижтимоий лаёқат - бола туғилиши билан уни ўраган муҳит, мулоқот услублари, сўзлашиш маданияти, қобилиятни ривожлантириш учун зарур шарт - шароитлар (улар ота - она томонидан яратилади)дир. Лаёқатлилик белгиси - бу ўша индивидга алоқадор бўлиб, у бу иккала лаёқат муҳитини тайёрича қабул қилади.

Қобилиятсизлик ва интеллектнинг пастлиги сабабларидан ҳам бири шуки, ана шу икки хил лаёқат ўртасида тафовут бўлиши мумкин. Масалан, гениал рассом оиласида бола туғилди дейлик. Унда рассомчилик учун туғма, генетик белгилар отаси томонидан берилган дейлик. Лекин боланинг онаси фарзандининг ҳам рассом бўлишини хоҳламаслиги, ўзига ўхшаш кўшиқчи

бўлишини хоҳлаши мумкин. Аёл болани ёшлиқдан фақат мусиқа муҳитида тарбиялайди. Табиий лаёқатнинг ривожини учун ижтимоий лаёқат муҳити йўқ, ижтимоий лаёқат ўсиши учун эса табиий, туғма лаёқат йўқ бўлгани сабабли, болада ҳеч қандай талант намоён бўлмаслиги, у оддийгина мусиқачи ёки кўшиқчи бўлиш билан чекланиши мумкин. Интеллект тестлари ва қобилиятдаги туғма ва орттирилган белгиларни ўрганишнинг психологик аҳамияти айнан шунда. Илк ёшлиқдан боланинг ўзидаги мавжуд имкониятларни ривожлантириш шарт - шароитини яратиш ишини тўғри йўлга қўйиш керак.

Орттирилган сифати шуки, бола токи билим, малака ва кўникмаларни ўстириш борасида ҳаракат қилмаса, энг кучли туғма лаёқат ҳам лаёқатлигича қолиб, у иқтидорга айланмайди. Энг талантли, машҳур шахсларнинг энг буюк ишлари, эришилган улкан муваффақиятларининг тагида ҳам қисман лаёқат ва асосан тинимсиз меҳнат, интилиш, ижодкорлик ва билимга чанқоқлик ётган. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, қобилиятсиз одам бўлмайди. Агар шахс адашиб, ўзидаги ҳақиқий иқтидор ёки лаёқатни билмай, касб танлаган бўлса, табиий, у атрофдагиларга лаёқатсиз, қобилиятсиз кўринади. Лекин аслида нимага унинг қобилияти борлигини ўз вақтида тўғри аниқлай олишмагани сабаб у бир умр шу тоифага кириб қолади.

Темперамент ва фаолиятнинг индивидуал хусусиятлари. Шахснинг индивидуал хусусиятлари ҳақида гап кетганда, уларнинг туғма, биологик хусусиятларига алоҳида эътибор берилади. Чунки аслида бир томондан шахс ижтимоий мавжудот бўлса, иккинчи томондан - биологик яхлитлик, туғма сифатларни ўз ичига олган субстрат - индивид ҳамдир. Темперамент ва лаёқатлар индивиднинг динамик - ўзгарувчан психик фаолияти жараёнини таъминловчи сифатларини ўз ичига олади. Бу сифатларнинг аҳамияти шундаки, улар шахсда кейин онтогенетик тараққиёт жараёнида шаклландиган бошқа хусусиятларга асос бўлади. Одам темпераментига алоқадор сифатларнинг ўзига хослиги шундаки, улар одам бир фаолият

туридан иккинчисига, бир эмоционал ҳолатдан бошқасига, бир малакаларни бошқаси билан алмаштирган пайтларда реакцияларнинг эгилувчан ва динамиклигини таъминлайди ва шу нуқтаи назардан қараганда **темперамент** - шахс фаолияти ва ҳуққининг динамик (ўзгарувчан) ва эмоционал - ҳиссий томонларини характерловчи индивидуал хусусиятлар мажмуидир.

Темперамент хусусиятлари шахснинг ички тузилмаси билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларнинг намоён бўлиши унинг конкрет вазиятларга муносабатини, экстремал вазиятларда ўзини қандай тутишини белгилаб беради. Масалан, инсон турли вазиятларда ўзини турлича тутди: олий ўқув юртида талабалар сафига қабул қилганлиги тўғрисидаги ахборотни эшитган боланинг ўзини тутиши, ёки ҳаётнинг оғир синовлари (яқин кишининг ўлими, ишдан ҳайдалиш, дўстнинг хоинлиги каби) пайтида одам беихтиёр намоён қиладиган реакциялари унинг темпераментидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам иккала вазиятни ҳам кимдир оғир - босиқлик билан, бошқаси эса ўзини йўқотгудек даражада хис - ҳаяжон билан бошидан кечиради. Шунинг учун ҳам темпераментнинг шахс шаклланиши ва ижтимоий муҳитда ўзига хос мавқени эгаллашидаги аҳамияти жуда катта. Ўзини босиб олган, ҳаёт қийинчиликларини сабр - бардош билан кўтарадиган инсоннинг одамлар орасидаги обрўси ҳам баланд бўлади. Бу унинг ўз - ўзига нисбатан ҳурматини ҳам оширади, ишга, одамларга ва нарсаларга муносабатини такомиллаштириб боришига имкон беради. Темпераментнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, у ҳаётий воқеалар ва вазиятларни, жамиятдаги ижтимоий гуруҳларни “яхши - ёмон”, “аҳамиятли - аҳамиятсиз” мезонлари асосида ажратишга имкон беради. Яъни, темперамент одамнинг ижтимоий объектларга нисбатан “сезгирлигини” тарбиялайди, профессионал маҳорат ва касб малакасининг ошиб боришига ёрдам беради.

Темпераментал хусусиятлар аслида туғма ҳисоблансада, шахсга бевосита алоқадор ва англандиган бўлгани учун ҳам маълум маънода ўзгариб боради. Шунинг учун ҳам туғилган чоғида сангвиникка ўхшаш

харакатлар намоён қилган болани умрининг охиригача фақат шундайлигича қолади, деб бўлмайди. Демак, ҳар бир темперамент хусусиятларини ва унинг шахс тизимга алоқасини билиш ва шунга яраша хулосалар чиқариш керак.

Шундай қилиб, асаб тизими билан боғлиқ индивидуал сифатларни билиш шарт, чунки улар бевосита меҳнат ва ўқиш жараёнларини ҳар бир инсон томонидан, унинг манфаатларига мос тарзда ташкил этишга хизмат қилади. Асабга боғлиқ бўлган табиий хусусиятлармизни ҳам умуман ўзгармас деб айтолмаймиз, чунки табиатда ўзгармайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Шунинг учун ҳам охириги йилларда ўтказилаётган тадқиқотларда шахс тизимида шундай маъқул, “ҳаётий кўрсаткичли” хусусиятлар тизимини ўрганилмоқда ва унда темпераментга алоқадор сифатлар ҳам назарда тутилмоқда. Масалан, В.С. Мерлин темпераментнинг психологик таснифи ва уларнинг ҳаётий вазиятларда намоён бўлишини бошқариш масаласида кўп ишлар қилган. Унинг фикрича, инсонда мавжуд бўлган фаоллик, босиқлик, эмоционал тетиклик, ҳиссиётларнинг тезда намоён бўлиши ва ўзгарувчанлиги, кайфиятнинг турғунлиги, беҳаловатлилик, ишчанлик, янги ишга киришиб кетиш, малакаларнинг тез ҳосил бўлиши каби қатор сифатлар асосида шахсдаги ўша экстроверсия ва интроверсия хоссалари ётади ва уларни ҳам ўзгартириш ва шу орқали темпераментни бошқариш мумкин.

Характер ва шахс. Кундалик ҳаётимизда тилимизда “характер” сўзи энг кўп ишлатиладиган сўзлардан. Уни биз доимо бировларга баҳо бермоқчи бўлсак, ишлатамиз. Бу сўзнинг маъносини олимлар “босилган тамға” деб ҳам изоҳлашади. Тамғалик аломатлари нимада ифодаланади ўзи?

Характер - шахсдаги шундай психологик, субъектив муносабатлар мажмуиқи, улар унинг борлиққа, одамларга, предметли фаолиятга ҳамда ўз - ўзига муносабатини ифодалайди. Демак, “муносабат” категорияси характерни тушунтиришда асосий ҳисобланади. Б.Ф. Ломовнинг таъбирича, характер шахс ички дунёсининг асосини ташкил этади ва уни ўрганиш катта

аҳамиятга эга. Муносабатларнинг характердаги ўрни хусусида фикрлар экан, В.С.Мерлин уларнинг мазмунида икки компонентни ажаратади:

а) **ЭМОЦИОНАЛ - КОГНИТИВ** - борлиқ муҳитнинг турли томонларини шахс қандай эмоционал хис қилиши ва ўзида шу оламнинг эмоционал манзарасини яратиши;

б) **МОТИВАЦИОН - ПРОДАВИЙ** - маълум ҳаракатлар ва хулқни амалга оширишга ундовчи кучлар. Демак, бизнинг муносабатларимиз маълум маъно ва мазмун касб этган муносабатлар бўлиб, уларнинг ҳар бирида бизнинг хиссий кечинмаларимиз акс этади ва характеримиз намоён бўлади.

Машҳур рус олими , психология фанининг методологиясини яратган С.Л. Рубинштейн шахснинг ўзига хослиги ва характерологик тизимда учта асосий тузилмаларни ажратган эди;

1. **Муносабатлар ва йўналиш** шахдаги асосий кўринишлар сифатида - бу шахснинг ҳаётдан нимани кутиши ва нимани хоҳлаши.

2. **Қобилиятлар** ана шу тилак - истакларни амалга ошириш имконияти сифатида - бу одамнинг нималарга қодир эканлиги.

Характер имкониятлардан фойдаланиш, уларни кенгайтиришга қаратилган турғун, барқарор тенденциялар, яъни бу одамнинг к и м эканлиги

Индивидуал хислатларни таркиб топтиришда ижтимоий-ғоявий онгни шакллантириш, жамиятда кечаётган ўзгаришлар моҳиятини англаш, муайян ғояга эътиқод қилиш каби хислатларнинг тарбияланишига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Ушбу омил бошқа инсонлар билан муайян муносабатларга киришишига ёрдам беради. У инсоннинг ўз муносабатларини бошқара олиши билан тавсифланади. Индивиднинг ташқи олам билан муносабатга киришадиган позицияси ва йўналиши унинг индивидуал хислатларини белгилаб беради.

Ўз-ўзини бошқара олиш сифатларини таркиб топтиришда ахлоқий танлашнинг ҳаққонийлиги ва англаганлиги, виждонлилик, ўз-ўзини баҳолаш, ўзига нисбатан танқидий ёндашиш, ўз хулқини бошқалар билан

қиёслаш, ўз-ўзини назорат қилиш ва рефлексия каби сафатларни шакллантириш лозим бўлади.

А.Г.Асмоловнинг фикрига кўра, ўз-ўзини бошқара олиш фаолият субъектининг бошқалардан ажралиб қолганлиги ёки одамови бўлиб қолганлигининг оқибати эмас, балки ўз ҳаракатларини бошқаларники билан қиёслаш, белгиланган вазифалар ва юз бераётган ҳодисалар билан солиштириб кўриш заруратидир.

Шахс ривожланишини аста-секин психик ривожланишга, психик ривожланишни перцептив, мнемоник ва интеллектуал жараёнларнинг ривожланишига боғланиши шунга олиб келдики, шахс унинг ақлий қобилиятлари билан белгиланадиган, унинг шаклланиши эса билимлари билан баҳоланадиган бўлди. Ушбу далилга кўплаб психолог олимлар ўз эътиборларини қаратганлар.

Шундай қилиб, индивид ривожланишининг биринчи шarti ўқитувчининг ўзини мураббий сифатида тутиши билан белгиланар экан.

Ўқитувчи ўқувчини ривожлантириш мақсадида уни доимо келажакка бошлаши керак. Ушбу қарама-қаршиликнинг ҳал этилиши ҳамкорликдаги фаолиятнинг асосини ташкил қилади.

Шахсни ижтимоий фаолиятга киришиш даражаси унинг ижтимоий-психологик жиҳатдан муваффақиятга эришуви даражасини, бу эса охир оқибатда бутун жамиятнинг равақини белгилаб беради. Ижтимоий фаолиятга киришиш жараёнида қуйидаги ҳодисалар кузатилади:

- шахс томонидан фаолият турини танлашга муносабатнинг индивидуал муаммо сифатида юзага чиқиши;
- шахс иштирок этиши мумкин фаолият турлари ва уларда шахс иштирокининг мақбуллигини индивидуал равишда белгиланиши;
- ижтимоий фаолиятга педагог раҳбарлигида қуйидаги асосларда кириб бориши: ўқувчилар томонидан фаолият мақсадининг аниқланиши ва шахсий

мақсадларнинг ўзаро таққосланиши; фаолият тажрибасининг тўпланиши; фаолиятнинг эмоционал жиҳатдан жозибадорлиги;

- фаолият жараёни рефлексияси ва танланган жараён йўналишини тузатиб борган ҳолда унда иштирок этиш;

- шахснинг ижтимоий фаолиятга кириб бориши, унинг тўлақонли қатнашчисига айланиши.

Хулоса, ўрнида шуни айтиш керакки индивиднинг ижтимоий фаолиятга кириб бориши бир неча босқичлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири бошқалари билан ўзаро чамбарчас боғлиқликда мавжуд бўлади. Ўзаро боғлиқликнинг моҳияти узвий бўлиши ёки тескари кетма-кетликда бўлиши ҳам мумкин. Босқичлар боғлиқлигининг изчил кетма-кетлиги фаолият ўзига хослиги ва шахс ўзига хослигининг ўзаро уйғунлашуви шароитида амалга ошади. Акс ҳолда бошланғич босқичга “қайтиш” содир бўлади.

1.3. Меҳнат таълими ўқитувчиси касбий компетентлигини шаклланиш тузилмаси

Меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигини шакллантириш ҳақида юқорида келтирилган фикрларни таҳлил қилиш унинг қуйидаги асосий белгиларни ажратиб кўрсатиш имконини беради:

- биринчидан, касбий компетентлик ўқитувчиларнинг ижодий фаолиятини ифодалайди ва педагогик фаолиятининг сифат кўсаткичи ҳисобланади;

- иккинчидан, касбий компетентликни шакллантириш нафақат якуний, балки ўқув – тарбия жараёнида ҳам ўқитувчининг, ҳам ўқувчиларнинг қайта ўзгариши жараёнини ифодалайди;

- учинчидан, касбий компетентликни шакллантириш ўқитувчи тафаккурининг шаклланиш жараёнига таъсир кўрсатади.

Бўлғуси меҳнат таълими ўқитувчиларнинг касбий компетентлик шаклланганлик белгиларининг аниқланиши мазкур жараёнга таъсир кўрсатувчи шарт – шароитларни белгилашни тақоза этади

Шу сабабли, бўлғуси ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантириш, тайёргарлик мазмуни меҳнат таълими ўқитувчисининг муҳим шахсий хусусиятларини шакллантиришнинг педагогик – психологик шарт – шароитларини аниқлаш эҳтиёжларини юзага келтиради.

Касбий компетентлик тушунчаси фақат фаолиятга тегишли томонни қараб чиқса, унда фанни методик цикли ва психологик – педагогик билимлар системаси қараб чиқилмайди. Демак касбий компетентлик тушунчасини аниқлаш учун қисмларини (томонларини) аниқлаш лозим.

Меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий компетентликни шаклланиш тузилмаси:


- ўзини – ўзи анализ қилиш, зарурлигини тушуниш;
- ўзини – ўзи ривожланиришни (мақсад, кўникма ва маликалар, муаммони ечиш йўллари) режалаштириш;
- ўзини кўрсатиш, назорат ва анализ эта олиш;
- малака ошириш ва мустақил таълим олиш асосида касбий малакани ошириб бориш;
- талабаларга таълим ва тарбия беришни юқори даражада амалга оширса;
- ўзини ривожлантириш;
- ўз касбини етарлича юқори даражада амалга оширса;
- илғор педагогик технологияларни ва тажрибаларни ўрганиш;
- фан ўқитувчиларининг касбий фаолиятини кузатиш;
- методик бирлашмалар фаолиятида фаол иштирок этиш, илмий анжуманларда иштирок этиш, хорижий мамлакатларда тажриба алмашиш(1.1 – расм).

Меҳнат таълими ўқитувчиси касбий компетентлигини шаклланиш тузилмаси билан бир қаторда фаолиятига боғлиқ бўлган компетентлик ҳақида тўхталиб ўтамиз:

- ўқитишнинг асосий мақсадини очишга боғлиқ компетентлик;
- Ўқув фаолиятини тузишдаги компетентлик;
- Ўқув ва фан мақсадига боғлиқ компетентлик;
- фаолиятнинг дастурини тузишдаги компетентлик;
- қарор чиқаришдаги компетентлик;
- ўқув фаолиятида ва ўзини тутишда компетентлик;
- ўқув масаласини тушунишда ва фаолиятида қўллаш компетентлиги;
- фанни янги ахборот технологиялари асосида тузишда компетентлик;
- ўқувчини тушинишга боғлиқ компетентлик;
- фанга ўргатишдаги компетентлик;
- баҳолаш компетентлиги.

Меҳнат таълими дарсларида ўқитишнинг янги йўллари амалга оширишда ўқитувчи асосий ўринни эгаллайди. Шунинг учун меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий компетентлиги ва касбий маҳорати юқори бўлиши учун фаолиятига тегишли бўлган компонентларни эгаллаган бўлиши ва юқори даражада бўлиши керак.

Касбий компетентлик шакллантириш жараёни муҳидга боғлиқ, шунинг учун муҳид, ўзини касбий ривожланиришга боғлиқ бўлмоғи лозим. Мактабда демократик бошқариш системаси ўрнатилиши керак. Демократик бошқариш системасига ходимларнинг раҳбатлантирилиши, педагогик мониторингнинг ҳар – хил формалари (бошқариш эмас) уларга анкета сўровномаси, тестлар, суҳбат ўтказиш ва тажриба алмашиниш бўйича мактаб ичида ўтказилаётган тадбирлар, педагогнинг эришган ютуқларига презентациялар тайёрлаш кирази.



1.1 – расм. Меҳнат таълими ўқитувчисининг педагог фаолиятига боғлиқ бўлган компетентлик тузилмаси.

Ўқитувчи шахсига касбий мослашиш қобилиятларини шаклландириш ва ўзлаштирилган билимларда амалиётда ижодий фойдаланишга оид тадқиқотлар натижалари ҳозиргача маълум бир тизимга келтирилмаган. Буни кўп сонли мисоллар тасдиқлайди. Масалан, назарий билимларни яхши ўзлаштирган талабалар амалий фаолиятда дуч келадиган ишлаб чиқариш характеридаги масалаларнинг моҳиятини тушунтира олмайдилар. Бу ҳолат назарияни амалиёт билан узвий боғлаб ўрганмаслик оқибатида келиб чиқади. Таълим мазмунини лойиҳалашдаги камчилик ва нуқсонлар оқибатида

талабалар амалиётдан ажралиб қолган, нормал ҳамда яхлит бўлмаган шаклдаги билимларни эгаллайдилар.

Дастлаб касбий шаклланиш тушунчаси шахс ривожланишининг шаклларида бири ва воситаси сифатида талқин этилган эди. Айни ўринда индивидуаллик тушунчаси ва унинг моҳияти билан танишиш бу борадаги тасаввурларни янада мустаҳкамланишини таъминлайди.

Ўқитувчининг касбий шаклланиши унинг жамиятдаги ўрни, талабанинг олий педагогик таълим муассасасидаги мажбуриятлари ва вазифаларига боғлиқ бўлиб, талабанинг ўрни нисбий тавсифга эга, бироқ унинг ўқув жараёнида иштироки, ўқув вазифаларининг маълум минимумини бажариш каби маълум белгиларга эга.

Психологик тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатмоқдаки, касбий ва билиш фаолияти мотивларининг ўзаро бирикмаси юқори даражадаги интилиш билан боғланиши (олимлар уни мотивацион мажмуа деб атадилар) ўқув фаолиятининг муваффақиятли амалга ошиши учун энг қулай шароитни юзага келтиради. Шу билан бирга, бошқа тадқиқотларнинг кўрсатишича, талабалар учун хос ва улар ўқув фаолиятининг муваффақиятини белгиловчи мотивларнинг ўзаро бирикмаси билиш ҳамда касбий мотивларнинг бирикмасидан иборат бўлади.

Ўқитувчилар ўзининг кучли ва заиф томонларини ҳар доим англашлари керак. Олимларнинг қайд этишича, кўрсатилган турларнинг ҳеч бири ўқув фаолиятининг муваффақияти нуктаи назаридан бошқа бирдан афзалроқ эмас. Бироқ, талаба (ўқитувчи) томонидан ўз бошқарув қобилиятларини билиб олиши ўз-ўзини бошқариш омилини тузатиб бориш заруриятини ҳамда йўналишини белгилаб олиш имконини беради.

Шахсий имкониятларини баҳолай олиш қобилияти ҳамда шахсий индивидуалликни англаб етиш инсоннинг индивидуал хислат моҳиятини

белгилаб олиш имконини берувчи ижтимоий жараённинг асосий ташкилий қисмлари ҳисобланади.

Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчи касбий шаклланиши ҳодисасига талаба индивидуаллигининг намоён бўлиши сифатида ёндашиш нафақат у ёки бу вазиятларда индивидуалликнинг намоён бўлишидаги турлитуманликни кўзда тутаяди. Бўлажак ўқитувчининг касбий шаклланиши узок давом этувчи жараён бўлиб, уни қуйидаги бир неча босқичга ажратиш мумкин:

1) меҳнат таълими йўналишида умумкасбий ва мутахассислик билимлари асосларини ўзлаштириш;

2) меҳнат таълими бўйича ўзлаштирилган назарий билимларнинг амалий-лаборатория машғулотлари, шунингдек, педагогик амалиёт жараёнида амалий кўникма ва малакаларини шаклланишига эришиш;

3) таълим муассасаларида меҳнат таълим йўналишида меҳнат фаолиятини олиб бориш даврида ўз устида мустақил ишлаш, ижодий изланиш асосида умумкасбий ва мутахассислик билимларини такомиллаштириш;

4) педагогларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари ёки факультетларида таълим олиш ёрдамида касб таълимини самарали ташкил этишнинг замонавий методик ва технологик ёндашувлари моҳиятидан хабардор бўлиш.

Ҳар бир талаба учун жараённинг давомийлиги ҳамда миқдори алоҳида белгиланади. Касбий шаклланиш жараёнининг белгилари мажмуаси ҳамда уларнинг касбий ва шахсий ривожланиш даражалари кўринишидаги намоён бўлиш даражаси асосида тасаввур қилиш мумкин бўлади.

Ўқитувчининг ижодий индивидуаллиги унинг индивидуал хусусиятлари (фикрлашнинг илмий таркиб топганлиги, ишга ижодий ёндашиш, ўз имкониятларини рўёбга чиқаришга интилиш ва ҳоказолар)нинг ривожланиш даражаси билан белгиланади. Бундай ўқитувчининг касбий фаолияти унинг

ҳамкасблариникидан янги ёндашув ҳамда воситаларни топиш борасида тинмай изланиш олиб боришида намоён бўлади. Педагоглар орасидаги ижодкор индивидуалликнинг ёрқин намунаси сифатида ташаббускор ўқитувчиларни кўрсатиш мумкин.

Ўқитувчи касбий шаклланишида муҳим ўрин тутувчи ижодкорлик қобилияти ва унинг шаклланишини тадқиқ қилиш қатор илмий изланишларда махсус ўрганиш предмети бўлиб хизмат қилган. Бу ҳодиса педагогик фаолият субъекти томонидан шакллантириладиган, ўзида мотивацион, интеллектуал, ҳиссий, иродавий, амалий ҳамда ўз-ўзини бошқара олиш каби сифатлар мажмуини мужассам этувчи шахсий таълим сифатида инсон индивидуал қобилиятларининг яхлит намоён бўлиш шакли ва натижаси деб таърифланади.

Касбий ижодкорлик олий тавсиф сифатида қаралади. У ижодий хусусиятга эга шахсий категория бўлиб, ўзида қуйидагиларни мужассамлаштиради:

- интеллектуал-ижодий ташаббускорлик;
- интеллектуал қобилиятлар, билимлар кенглиги ва чуқурлиги;
- зийраклик, қарама-қаршиликларни сеза олиш, ижодий иккиланишга мойиллик, ички яратувчанлик курашини ҳис қилиш қобилияти;
- ахборот етишмаслиги, янгиликни ҳис қила олиш, муаммоларда ўзига хосликни кўра олиш, касбий маҳорат, билишга ўчлик.

Бўлажак меҳнат ўқитувчисининг ижодий индивидуаллигини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг психологик-педагогик шароитлари қарама-қаршиликни ҳис қилиш, уларнинг ечимини топишда ўзига хослик ва мақсадга мувофиқликда, касбий нуқтаи назарининг таркиб топишида намоён бўлади.

Малакали ўқитувчининг ижодкорлиги ўзига хос фаолият кўриниши, метод сифатида намоён бўлади. Педагогик метод ўқитувчи ривожининг

индивидуал хусусиятларининг синтези ва унинг касбий лаёқат даражаси билан белгиланади.

Ўқитувчи касбий маҳоратининг намоён бўлиши асосида инсон салоҳияти индивидуал имкониятларининг долзарблашуви ётади. Табиий иқтидор, қобилиятнинг мавжудлиги долзарблашувнинг дастлабки сабаби бўлиб ҳисобланади; ундан кейин мақсадни белгилаш, шахсий моҳият ҳамда унга мос мотивлар тизими келтириб чиқарган долзарблашувга бўлган эҳтиёж эътиборга олинади.

Ўқитувчининг индивидуаллигида иккита: психологик ҳамда шахсий жиҳатни ажратиб кўрсатиш мумкин. Индивидуалликнинг психик жиҳати юқорида таъкидлаб ўтилганидек индивидга хос олти гуруҳдан иборат сифатларни ўзида мужассамлаштиради. Уларнинг педагогик фаолиятда намоён бўлиши умумий ва касбий қобилиятларнинг, шунингдек, касбий мотивациянинг намоён бўлиш даражаси билан белгиланади. Етарли даражада ривожланган қобилиятлар, мақсадлар, эҳтиёжлар доираси қанчалик кенг бўлса, ўқитувчининг касбий даражаси шунчалик юқори бўлади.

Шунингдек, шахсий жиҳат ўзида педагогик фаолиятда ўқитувчига кўйиладиган ижтимоий талаблар туфайли келиб чиқувчи сифатлар (болаларга муҳаббат, уларга бўлган ҳурмат ва эътибор, меҳрибонлик ва бошқалар)ни қамраб олади.

Ўқитувчи психологик жиҳатдан қанчалик ривожланган бўлса, унинг шахсий сифатлари шу даражада ёрқинлик касб этади. Зеро, фақатгина ўз фаолияти долзарблигини англаб етувчи ва тинимсиз ривожланиб борувчи инсонгина ўзининг ижтимоий ўрнини белгилай олади.

Ўқитувчи шахсининг касбий аҳамиятли тавсифининг таркиби анча кенг бўлиб, у ўнлаб ижтимоий ва психологик тавсифларни ўз ичига олади. Психологик тавсифлар қаторида педагогик фикрлаш, педагогик жиҳатдан ўзлигини англаш, педагогик тасаввурлар, ўз-ўзини педагогик жиҳатдан

баҳолаш, педагогик кузатувчанлик, педагогик башоратлаш, толерантлик, эмпатия кабилар умумэътироф этилган сифатлар ҳисобланади.

Қайд этилган сифатларнинг муҳимлиги юқори даражадаги нутқ ва интеллектуал ривожининг юқори даражаси ўқитувчининг илмий назариялар асосини англаш ва мос равишда узатиш учун шароит яратади. Ҳиссиётга бойлик, ўзгаларнинг қувонч-ташвишларини тушуна олиш, уларга ёрдам кўрсатиш, яратувчанлик қобилияти ва илмий ғояларга қизиқишни тарбиялаш, унинг амалий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигига ишонтириш, амалий тажрибага ундаш имконини беради. Шу сабабли бўлажак ўқитувчининг педагогик фикрлашини ривожлантириш олий педагогик таълимнинг алоҳида муҳим вазифаси саналади.

Жумладан:

- ўқитувчида ўз-ўзини бошқариш, қатъийлик, журъатлилик, кўркмаслик;
- атрофдаги инсонларга ҳурмат ва эътибор, камчиликларини ҳис қилган ҳолда ўз имкониятларига ишониши, ўз-ўзини фаолиятини баҳолашда ҳаққонийлик;
- кучли ирода, ўз куч-қувватини йўналтира олиш; фаолият ва мақсадни амалга ошириш йўлида ўз имкониятларини жамлай олиш;
- белгиланган мақсадни амалга оширишда ўз фаолиятини бошқариб бориш;
- ақлий фаоллик ва ўзгарувчан шароитларда ўз ахлоқини қайта қура олиш;
- шахсни ҳаракатга келтирувчи куч ва ижтимоий борлиқ билан ўз имкониятларини қиёслаш олиш омили сифатида ўз-ўзини ҳурмат қилиш сифатлари ривожланган бўлса, у касбий маҳорат даражасига эриша олиши мумкинлиги аниқланган.

Бундан ташқари, касбий маҳоратли ўқитувчига қўшимча куч-қувват берувчи аниқ юқори ғояларни кўзда тутувчи мақсаднинг мавжудлиги;

фаолиятнинг ташкиллаштирилганлиги ва аниқлиги; муваффақиятга эришишга интилувчанлик, бу йўлда бутун куч-қувватини сарфлай олиш каби хислатлар хос бўлади.

Бу эса ўқитувчи касбий маҳорати бошқа мутахассисларнинг индивидуаллигидан юқорида қайд этилган сифатларнинг мавжудлиги билан фарқланишини кўрсатади.

Етук касбий шаклланганлик умумкасбий ва мутахассислик фанларини пухта билиш, ўқувчиларни касбга йўналтиришда алоҳида фаолият кўрсатиш, ташкилотчилик, ижодкорлик, ўқувчилар билан муносабатни юқори даражада ташкил эта олиш, муомала ва юриш-туриш маданиятига эгалик каби сифатларнинг мажмуи ва унинг юқори даражасини ифодалайди.

Шахсга йўналтирилган таълим ўқитувчидаги ўз касбининг моҳиятини англаб етиш, кадриятлар ва мақсадларни танлаш, болалар учун шахсий жавобгарликни ҳис қилиш, инсонпарвар педагогик позиция, таълим-тарбия жараёнларини ижодий асосда қуриш, ўз педагогик “асар”ларининг сифати ва бошқаларга юқори талабларни белгилайди. Замонавий шароитларда ўқитувчининг индивидуал стили кўшимча кўрсаткичларга эга бўлмоқда. Ижодий ва инсонпарвар йўналишга эга бўлган ўқитувчи касб талабларидан ўзиб кетиши ва унинг ривожланиш истиқболларини кўра олиши, ички ижтимоий масъулият ва жавобгарлик ҳис қилишлик, индивидуал мустақил танлашга қодир бўлиши мумкин.

Бўлажак ўқитувчининг касбий шаклланиши касбий аҳамиятли сифатларнинг эндигина таркиб топиб келаётганлиги билан тавсифланади. Уларнинг таркиб топиши индивидуалликнинг айна пайтда ривожланиб келаётганлигини кўрсатувчи ўзига хос белги бўлиб хизмат қилади. Ўқув-педагогик фаолиятнинг айнан мана шундай шароитларда талабада педагогик фаолият учун хос бўлган психик ва шахсий маҳсуллар пайдо бўлиши мумкин.

Меҳнат таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш мезонлари педагогик-психологик, методик, умуммуҳандислик ҳамда ихтисослик фанлар мазмуни қуйидагилардан таркиб топади:

- мотивацион хислатларга эгаллигига кўра – касбий фаолиятни самарали ташкил этишга ундовчи рағбат (энг янги билимларни ўзлаштиришга интилиш, ахборот ресурс маркази орқали янги ахборотларни олиш эҳтиёжи, илғор тажрибаларни ўрганиш эҳтиёжи, педагогик маҳоратнинг юқори даражасига эришишни кўзлаш, педагогик фаолиятда муваффақиятга эришишни кўзлаганлик, ўқитувчилар ва уларнинг ота-оналари билан мулоқот қилиш хоҳиши, педагогик жамоасидаги барча касбдошлари томонидан тан олинисига интилиш, илмий-техник тараққиётнинг асосий йўналишларини билишга интилиш, ишлаб чиқаришда қўлланилаётган янги материаллар, техника ва технологиялар ҳақида билимларга эга бўлиш, конструкциялаш, лойиҳалаш ва бошқа шу кабилар);

- интеллектуал салоҳиятга кўра – педагогик фикрлаш (педагогик далил, ходиса, жараён ҳамда тизимларни таҳлил қила олиш; педагогик вазиятларда ижодий, мослашувчан, танқидий, тизимли, ҳаракатчан, тезкор фикрлай олиш), педагогик эрудиция, педагогик сезгирлик, педагогик зийраклик, педагогик башорат қила олиш, кузатувчанлик, педагогик тасаввур, башоратлаш, педагогик ижодкорлик, меҳнат воситалари, технологик жараённинг асослари; ишлаб чиқариш жараёни функциялари, технологик машиналарнинг умумий тузилиши, ишлаш принципи, анализ, синтез, техника ва технологиялар орасидаги умумийлик, типиклик ҳамда хусусийликни билиш ва бошқалар;

- иродавий сифатларига кўра – педагогик мулоқотда чидам ва ўзини тутиб тура олишда, педагогик фаолиятни амалга оширишда, педагогик мақсадларга эришишда, ўз фаолиятининг аҳамиятини оширишда, ўзлигини ривожлантиришда, техник фикрлашда, техник объектларни ишга

туширишда, созлашда, таъмирлашда, режалаштирилган технологик жараённи охирига етказишдаги қатъийлик;

- ҳиссий сифатларига кўра – ўқувчиларнинг ўй-кечинмалари, қувонч ва ташвишларини тушуна олиш, ҳамфикрлик, мамнунлик, болажонлик, очиқлик, ҳиссиёти, ўқувчиларнинг ёш-физиологик хусусиятларини эътиборга олиш, техник объектлар ҳамда амалий ҳаракатларнинг мураккаблигини ҳис қилиш, технологик жараёнларни, изланувчанлик, ихтирочилик, кашфиёт, техник ижодкорлик, шунингдек, руҳий муҳитни бошқара олиш;

- амалий кўникмаларга эгаллигига кўра педагогик қобилиятлар, педагогик кўникмалар, режалаштириш, график-чизма ишларини бажара олиши, технологик хариталарни ўқий олиш, технологик жиҳозларни бошқариш, созлаш, нуқсонларини бартараф этиш, техник объектларга ишлов бериш кўникмалари, бир ҳаракат ҳолатидан иккинчи ҳаракат ҳолатига кўчира олиши, ҳаракат ва амалларни янги вазиятларда қўллаш олиши, янги ахборотлар ичида тез йўналиш олиши, ўзини касбий-ахлоқий жиҳатдан тутиши;

- ўз-ўзини бошқариш олишига кўра – фаолияти ва ўзини таҳлил қилиш, баҳолаш; фаолияти, индивидуал мулоқот методини ижтимоий-касбий соҳадаги тажрибалар билан қиёсий баҳолаш; ижодий жараёнда рефлексия қила олиш қобилияти, ўз индивидуаллигининг ривожланиши, касбий фаолияти ва хулқидаги шахсий фазилат ҳамда камчиликларини аниқлай олиш қобилияти, касбий ривожланишда давом этиш имкониятларини аниқлаш кўникмаси, унга нисбатан ўз муносабатини бошқара олиш.

Бўлажак ўқитувчи касбий шаклланишининг юқорида кўрсатилган таркибий омилларининг яхлитлиги фикрлаш ва педагогик фаолиятнинг янги асосларда амалга оширишини таъминлайди, бу эса унинг бетакрор касбий тажрибаси аҳамиятининг ортишига олиб келади.

Ўқитувчида касбий маҳорат шаклланишига - ўқитувчининг касбий шаклланиши таркибий қисмларнинг яхлит мажмуаси сифатида амалга

ошади. Олий педагогик таълим муассасаларида касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантириш муайян шарт-шароитлар ҳамда самарали воситаларнинг мавжудлигини тақозо этади.

Касб таълими ўқитувчисининг касбий шаклланиш жараёни тўғрисида педагог олим Н.А.Муслимовнинг ишлари, меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигини шакллантиришда методология вазифасини ўтайди.

Шунга кўра меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигини шакллантириш жараёнини энг асосийси икки босқичга бўлиб ўрганамиз.

Улар қуйидагилардир:

- меҳнат таълими ўқитувчиси томонидан таълим муассасасида касбий билимлар асосларини ўзлаштириш даври (назарий билимларнинг ўзлаштириш, назарий билимларни амалиётда қўллаш кўникмаларини ҳосил қилувчи ўқув-амалий машғулотлари (устахона ишлари, лаборатория машғулотлари, семинар машғулотлари, педагогик амалиёт), ҳосил бўлган кўникмаларнинг малакага айланишини таъминловчи муаммоли, ижодий изланишни талаб этувчи амалий машғулотлар.


- мустақил равишда касбий фаолият ташкил этиладиган давр (мустақил таълим олиш асосида касбий малакани ошириб бориш, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, шахсий педагогик тажрибаларни таҳлил этиш, турли босқичдаги (халқ таълими бўлимларининг вилоят, шаҳар, туман ҳамда таълим муассасаси негизидаги) методик бирлашмалар фаолиятида фаол иштирок этиш, ҳамкасбларининг фаолиятини бевосита кузатиш (очик дарслар асосида), педагогик ўқиш, илмий анмуман (илмий-назарий ва илмий-амалий конференция ҳамда семинар)ларда иштирок этиш, педагогларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида касбий малакани ошириш ҳамда хорижий мамлакатларда тажриба алмашиш..

расмдан кўринадики, касбий шаклланиш босқичлари нафақат касбий шаклланишнинг жараёнлилик омили, балки шаклланишнинг натижаси

сифатида ўз аксини топади: бу ўринда айнан нима юзага келиши, таркиб топиши, шаклланиши ва яратилишини акс эттиради.

«Таълим» тушунчасининг моҳияти ушбу сўзнинг туб маъносидан келиб чиқадиган бўлсак, шахс қиёфасини, ёки бошқача айтганда муайян кўриниш, модел, ҳақиқат (аниқроқ айтганда, муайян қиёфа-моделли тизим)ни шакллантиришга қаратилган.

Шундай қилиб, таъкидлаш мумкинки, касбий шаклланиш қандайдир билимлар мажмуасини жамлашдан иборат эмас экан.



1.2 – рам. Меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигини шаклланиш тузилмаси

Мазкур бобда билдирилган фикр-мулоҳазаларга таянган ҳолда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчи боб бўйича хулоса

1. Меҳнат таълими ўқитувчиларини касбий компетентлигини шакллантириш муаммоси узлуксиз таълим тизимида малакали мутахассисларни тайёрлаш жараёнида ўзига хос долзарблик касб этади. Мазкур муаммонинг назарий-методологик асосларини ишлаб чиқиш, уларни назарий ҳамда амалий жиҳатдан асослаш, шунингдек, меҳнат таълими ўқитувчиларини касбий компетентлигини шакллантиришга нисбатан тизимли ёндашувга эришиш сўз юритилаётган жараённинг самарали ташкил этилишига имкон беради.

2. Ҳозирги вақтда шахсни ривожлантиришнинг етарлича назарий асослари яратилган. Шахсни ижтимоий фаолиятга киришиш даражаси унинг ижтимоий-психологик жиҳатдан муваффақиятга эришуви даражасини, бу эса охир оқибатда бутун жамиятнинг равнақини белгилаб беради. Ижтимоий фаолиятга киришиш жараёнида қуйидаги ҳодисалар кузатилади:

- шахс томонидан фаолият турини танлашга муносабатнинг индивидуал муаммо сифатида юзага чиқиши;

- шахс иштирок этиши мумкин бўлган фаолият турлари ва уларда шахс иштирокининг мақбуллигини индивидуал равишда белгиланиши;

- ижтимоий фаолиятга педагог раҳбарлигида қуйидаги асосларда кириб бориши: ўқувчилар томонидан фаолият мақсадининг аниқланиши ва шахсий мақсадларнинг ўзаро таққосланиши; фаолият тажрибасининг тўпланиши; фаолиятнинг эмоционал жиҳатдан жозибadorлиги;

бўлиши ва ёки тескари кетма-кетликда бўлиши ҳам мумкин. Босқичлар боғлиқлигининг изчил кетма-кетлиги фаолият ўзига хослиги ва шахс ўзига хослигининг ўзаро уйғунлашуви шароитида амалга ошади. Акс ҳолда бошланғич босқичга “қайтиш” содир бўлади.

3. Меҳнат таълими ўқитувчисини тайёрлашнинг назарияси ва методикасини ишлаб чиқиш билан боғлиқ диссертация муаммосини ҳал қилишнинг мезонлари ҳамда педагогик жараёнлар моҳиятини белгилаш мақсадида тадқиқотнинг категориал аппарати шакллантирилди. Муаммо моҳиятини ёритишда «касбий шаклланиш» категориясини замонавий педагогик категориялар билан бир қаторда тадқиқ қилинди. Биринчи ҳолатда, касбий шаклланиш шахс ривожланиш шаклларида бири, иккинчидан эса, касбий шаклланиш шахсни ривожлантириш (мустақил таълим ва ўз-ўзини ривожлантириш жараёнларида) воситасида сифатида қаралади. Ҳар икки жиҳат ўртасида «бир бутун - қисм» кўринишдаги муносабат юзага келади. «Касбий шаклланиш» деганда ўқитувчининг ўзгариб боровчи таълим муҳитида тўғри йўналиш олишига кўмаклашувчи қиёфа, қадриятларнинг акси ва педагогик борлиқдаги қиёфалар тизими тушунилади.

«Касбий компетентлик» тушунчасининг моҳияти очиб берилди. Касбий компетентлик - бу баҳолаш нуқтаи назаридан бўлажак ўқитувчининг касбий-шахсий ривожланишини турли талаб, мақсад, эҳтиёж, қоида, стандарт ва шартларга жавоб бера олиши, касбий фаолиятни ташкил этишга тайёрлик кўрсаткичи демакдир.

II БОБ. МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИСИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

2.1. Меҳнат таълими ўқитувчиси касбий компетентлигини шакллантириш методларини танлаш мезонлари

Меҳнат таълими ўқитувчи касбий компетентлигини шаклланишининг юқорида кўрсатилган таркибий омилларининг яхлитлиги фикрлаш ва педагогик фаолиятнинг янги асосларда амалга оширишини таъминлайди, бу эса унинг бетакрор касбий тажрибаси аҳамиятининг ортишига олиб келади.

Меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий шаклланиш методлари деганда ўқитувчи, уста ва ўқувчиларнинг биргаликда бажарадиган фаолият усуллари тушунилади ва бу усуллар ўқувчиларнинг техник-технологик билимлар, кўникма ва малакаларни эгаллашларига, мустақил равишда билим олиш ва бу билимлардан амалда фойдаланиш қобилиятини оширишга қаратилган бўлади.

Таълим методларининг умумий тавсифида кўрсатилгандек, ҳар бир методнинг таълим жараёнида аниқ вазифалари бор. Таълим жараёнида бир неча методлар қўлланилади. Бу методлар бир-бирига боғлиқ бўлиб, ўқитувчи-таълим олувчи ўртасидаги ўзаро фаолият моҳиятини тавсифлайди. Ўқитиш жараёнида методларнинг ўрни ва вазифалари белгилаб олинганда уларни танлаш осон бўлади.

Методларни танлашда уларни мезонларини кўриб чиқиш керак бўлади. Мезонлардан бири-методларнинг дидактик қоидаларга мос келиши шартидир.

Кейинги мезон эса-методлар мазмунининг таълим мақсад ва вазифаларини таълим олувчиларни тарбиялаш ва ўстириш билан мослиги учун хизмат қилишидир.

Жадвалда методларни танлаш учун ёрдам берадиган таълим методларининг ўзаро таққосланиши кўрсатилган.

Таълим методларини танлашнинг учинчи мезони-методлар мазмуни таълим мазмунига мос келишидир. Мазмунлардан бири индуктив метод орқали яхши ёритиб берилиши, бошқаси эса-дедуктив муаммоли изланиш методини қўллаш, бошқа бир дарс жараёни учун тўғри келмаслиги ҳам мумкин. Метод танлашнинг мезонларидан бири ўқув жараёнини ташкил қилиш шакллари, умумий гуруҳ, гуруҳ ва якка тартибдаги ишлар учун таълимнинг турли методларидан фойдаланишнинг зарурлигидир. Таълим методини танлашда ўқитувчи ўз имкониятлари ва педагогик билим даражасига асосланган ҳолда таълим методини танласа, бу орқали юқори даражадаги ўқув тарбия натижаларига эришилиши мумкин бўлади.

**Меҳнат таълими ўқитувчиси касбий компетентлигини
шакллантириш методларини танлаш мезонлари 2.1. жадвал**

	Таълим методлари	Методларнинг таълимда самарадорлиги (+), машғулотларда ютуқсизлиги(-).							
		Шакллантириш					Ривожлантириш		
		Н азарий билим	А малий билим	А малий малак а	Аб стратф икрлаш	К ўргаз мали	М устақил	Н утқис з	Қ изиқув чанлик
Т	Сухба	+	+	-	+	-	+	+	+
иш	Кўрсат	-	+	+	-	+	+	+	+
й	Амали	-	+	+	-	+	+	-	+
	Муам	+	-	-	+	-	+	+	-

молиизлан увчан									
Ролли хамда ишбоп	+	+	+	+	+	+	+	+	+
Сцена рий	-	+	+	+	+	+	+	+	+
Ўқиту вчибошчил игида	+	+	+	+	+	+	-	-	+
Ўқувч иларнимус тақил ишлаш и	+	+	+	+	+	+	+	+	+

Таълим методларини 3 та асосий гуруҳга бўлишимиз мумкин:

1. Ўқув билиш ва ўқув ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш методи.
2. Ўқув фаолиятига қизиқтириш ва рағбатлантириш методи.
3. Ўқувчилар ўқув фаолиятини самарадорлигини назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш методи.

Методнинг ҳар бир гуруҳи ҳам ўз навбатида кичик гуруҳларга бўлинади, уларнинг алоҳида методлари бўлиб, улар таълим жараёнининг қуроли ҳисобланади.

Ўқув билиш ва ўқув ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш методига қуйидагилар – суҳбат, кўрғазмали ва амалий метод, ўқитувчи бошчилигида индуктив ёки дедуктив репродуктив ёки продуктив йўналишлардаги методлар киради.

Ўқув фаолиятига қизиқтириш ва рағбатлантириш методига – ўқув билиш ва ўқув ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилиш ҳамда ўқиш фаолиятига қизиқтириш методлари киритилган.

2.2. Меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигини шакллантириш методларини лойиҳалаш

Ўқув фаолияти самарадорлигини ва ўз-ўзини назорат қилиш методига – оғзаки, ёзма ва амалий назорат ўз-ўзини назорат, ҳамда билим даражалари бўйича тестлар ўтказиш каби методлар киритилади.

Ҳар бир метод бошқа бир метод ёрдами билан қўлланилади. Масалан, репродуктив ва муаммоли-изланиш методи суҳбат, кўргазмалар, амалий фаолият ёрдамида қўлланилади. Шу навбатда суҳбат, кўргазмали ва амалий фаолият методлари ҳам репродуктив ёки изланиш методлари орқали қўлланилиши мумкин.

Методларнинг номларидан ҳам шуни кўришимиз мумкин: муаммоли баён, эвристик суҳбат, изланиш, тажрибавий-амалий ишлар, кузатув ва ҳоказолар.

Мазкур методлар номлари ўзида уларнинг йўналишлари мазмуни ҳамда қўлланилиш мақсадини ҳам ифода этади.

Ўқув жараёнининг энг муҳим жиҳати ушбу методларнинг турларга бўлиниши эмас, балки ўқитувчининг чуқур билимга эга бўлиши, методлардан унумли фойдалана олиши, таълим олувчиларга ўқув ҳамда ўқув ишлаб чиқариш фаолиятида мазкур методларни тўғри қўллай олишга ўргатишдан иборатдир.

Таълим методлари ўқув жараёнини самарали ташкил қилишга ёрдам беради. Шунга кўра уларнинг уч жиҳатини кўришимиз мумкин: умумдидактик ва хусусий методик.

Умумий дидактик жиҳат – ўзида объектив моҳиятни, дидактик методнинг имконият ва талабларини акс эттиради, бу эса ўқув жараёни даврига боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга оширилади.

Хусусий дидактик жиҳат – методнинг таълим жараёни давларида қўллаш шароити ҳамда таълим мазмунининг ўзига хос хусусиятини ифода этади.

Хусусий методик жиҳат – методларнинг умум дидактик ва хусусий – дидактик тавсифига асосланади ва алоҳида предметларни хусусий методик жиҳатдан ўрганилишини ифода этади.

Назарий таълим методлари. Ўқув муассасаларида бошланғич касбий таълимни ўқитишнинг назарий асослари қуйидаги босқичларда ўқувчилар томонидан ўзлаштирилади: умумий таълим, умумий техник таълим ва касбий таълим.

Умумий таълим фанлари бўйича таълим методларининг умумий дидактик, хусусий дидактик ва хусусий методик жиҳатлари педагогик адабиётларда чуқур баён қилиб берилган.

Умумтехника ва касб фанларини ўқитиш методлари аксарият халқларда ўзига хос мазмунига кўра аниқланади, яъни:

–кўп хусусиятли тузилма, объектларни турли хил йўналишларда ўрганиш;

–материалнинг кенг қамровлигини, таълим олувчининг турли хил усуллар асосида билимларни қабул қилиши;

–таълим олувчиларнинг ишлаб чиқариш таълими жараёни билан мустаҳкам алоқадорлиги;

–материалнинг кенг қамровлиги, тажрибавий изланиш сони ва сифати жиҳатидан, хизмат кўрсатиш усулларини амалий ўрганиш.

–ўқув материали мазмунида янги техника ва технологиялар ва имконияти маҳаллий шарт-шароитларнинг акс эттириш.

Таълим методларидан фойдаланишда буларни инобатга олиш зарур.

Ўқув (билиш) фаолиятини ташкил қилиш методлари.

Сухбат методи. Оғзаки баён. Умумтехника ва касбий фанларни ўрганиш ўқув материални оғзаки баён этиш, гапириб бериш ва тушунтириш орқали амалга оширилади, бунда мавзунини тўлиқ таққосланилади, исботланиб, мисоллар асосида тушунтирилади.

- Баён қилинаётган материал таълим олувчиларнинг тушунишлари учун қийин бўлган, янги маълумотлар берилаётган, меҳнат фаолиятини бажарилиш йўллариининг тушунтирилиб берилиши талаб қилинган ҳолларда оғзаки баён қилиш методидан фойдаланилади.

Умумий талаблардан қуйидагиларни ажратиб оламиз:

- аниқ илмий – техник мазмун;
- мантиқийлик ва кетма-кетлик;
- таълим олувчиларга тушунарли ва осон етиб борадиган;
- ҳар бир босқичда фикрни аниқ ва равшанлиги;
- ўқувчиларнинг эҳтиборлигини, фаоллигини ошириш;

Сухбат. Бу касб таълимининг шундай усулидирки, унда ўқитувчи саволлар ёрдамида таълим олувчиларнинг илгари ўқлаштирилган билимлари асосида уларни эсга туширади ҳамда мустақил равишда янги билимлар ҳосил қилишга ундайди.

Таълим олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш савол-жавоб методи орқали ҳам амалга оширилади. Бундай сухбат эвристик сухбат дейилади.

Сухбатнинг дидактик моҳияти ўқитувчи таълим олувчилар олдида савол-жавоблар қўйиб, уларнинг мантиқий маънолари ечилади ва ўқувчиларда ўқув материални бўйича аниқ фикрлар ҳосил қилинади. Бу орқали ўқитувчи ўқувчиларга олдин эгаллаган билимларидан, кузатувларидан, ҳаётини ва ишлаб чиқариш тажрибаларидан фойдаланишга, уларни таққослашга, мантиқий хулосалар чиқаришга ёрдам беради.

Ўтказилган умумий суҳбатлар таълим олувчиларнинг қизиқиши ва диққати ошишига, билимларни яхши эгалланиши олиб келади. Лекин суҳбат методи оғзаки баён методидан кўра мураккаброқдир. Мазкур метод ўқитувчидан дарсга пухта тайёрланишни талаб қилади.

Умумтехник ва касб фанларини ўрганишда эвристик суҳбатнинг қуйидаги шартларига амал қилиш талаб этилади:

–ўқув материалнинг мазмуни мантиқий тўғри тузилган бўлиши шарт;

–янги ўқув материални ўрганиш жараёнида кўпроқ техник ва технологик хужжатлар мазмунини муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ;

–суҳбатни бошқа методлар ва ўқув ишлар турлари билан қўшиб ўтказиш керак (тушунтириш, китоб билан ишлаш, кузатув).

Эвристик суҳбатда саволлар кенг қамровли тузилган бўлиши лозим. Ўқуйидаги саволларни кўрсатиш мумкин:

–фанларни қарама-қарши қўйиш, уларнинг мазмуни, ўқитиш жараёни, далиллар ва бошқалар;

–таълим олувчиларнинг турли вазиятларда ўз билимларидан фойдалана олишларини аниқлаш;

–мавзу моҳиятини ташҳизли тушунтириш;

–истотлаш «ҳа» ёки «қарши»га далил қилиш;

–фанлараро боғлиқликни ўрнатиш.

Суҳбат ўтказишда унинг мантиқий режасига қатъий риоя қилиш керак, савол-жавобларнинг кетма-кетлиги шундай тузилган бўлиши керакки, унда мавзу мураккаблашиб, ривожланиб боришини ўқувчи сезиши лозим.

Ўқитувчи суҳбатни хулоса билан тугатиши керакдир.

Таълим олувчиларнинг китоб билан ишлаши. Илмий ва амалий педагогикада таълим олувчиларнинг китоб билан ишлашларини бир қатор методик турлари кўрсатилган: тез ўқитиш, конспект олиш, асосий уларнинг

аниқлаш ва режа тузиш; мисоллар муҳокамаси, назорат саволларига жавоб ва ҳоказолар.

Бироқ техника ва технологик китоблар билан ишлаганда мазкур усулларни тўлиқ қўллаш мумкин эмас.

Техник фанлар юзасидан таълим олувчиларнинг китоб билан ишлашлари жараёнида техника ва технология бўйича материални, вазифани яхшилаб ўрганиш керак бўлади. Бу вазифаларни табиёуа тўлдириш орқали ҳам ўрганиш мумкин. Жадвалда қуйидаги графиклар бўлиши керак: машинанинг аҳамияти, механизмлари, қисмлари, қисмларнинг вазифалари.

Кўргазмали метод. Инсондаги ташқи олмаи сезишининг энг муҳим органи – кўздир. Олимларнинг фикрича, 80% ахборот мияга кўз орқали узатилади. Иш операцияларининг 80% кўз орқали бажарилади. Ушбу далиллардан кўришимиз мумкинки, таълим жараёнида кўргазмали метод катта аҳамиятга эгалигини.

Умумтехник ва касб таълими фанлари бўйича кўргазмали метод табиий (асбоб, дастгоҳ, деталл, жиҳоз, материал намуналари) ва тасвирий (плакатлар, модел, макет, схема, кино-видеофильм, слайда, кинопроекция, компьютер, мультимедиа...) жиҳозлар воситасига қўлланилади. Кўргазмали методнинг вазифалари турлича бўлиши мумкин. Ўқитувчи мавзу тушунтиришда ёки бир хил холларда ўрганилаётган фан бўйича аниқ кўргазма сифатида, янги ахборотларни беришда кўргазмали методдан самарали фойдаланиш мумкин.

Ўқув жараёнида кўргазмали методнинг қўлланилиши дидактик конунларга мувофиқ бўлиши даркор, кўрсатмали методни қўллаш бу мақсад эмас, балки мақсадга эришиши йўлидир.

Таълим олувчиларга саволлар берилиб, кўргазмали метод орқали кино-видеофильмни ёки ўқув телефильмни қўйилади, шундан сўнг таълим олувчилар ўзлари чиқарган хулоса асосида турли вазифаларни бажаришади.

Меҳнат ва ҳунар усуллари кўрсатиш вақтида ўқитувчи ўқувчиларнинг диққати ва қизиқишини кўрсатилаётган нарсага қаратиши, уларнинг меҳнат ҳаракатларини фаол ва онгли равишда злаштиришга ундаши зарур.

Амалий таълим методлари. Машқ амалий методнинг асосий методларидан бири ҳисобланади. Машқ ўтказишнинг асосий мақсади ўқитиш жараёнида таълим олувчилар техника ва касбий фанлар бўйича эгаллаган билимларини амалиётда қўллаш олиш борасидаги кўникмаларга бўлишлари таъминлашдан иборатдир. Таълим олувчиларнинг билимларини мустаҳкамлашда ҳам машқларнинг ўрни катта. Барча машқларни 3 та асосий типга ажратиш мумкин: репродуктив бадиий, изланувчанлик.

Репродуктив машқ - бу типдаги машқларни бажаришда таълим олувчилар қурилманинг тузилиши, материали, асбоб-ускуналар, ёзма вазифаларини ўрганишади. Репродуктив машқда чизма, схема, график ва диаграммалар муҳокама қилинади ҳамда таълим олувчилар томонидан улар бажаради. Касбий фанлар бўйича техник ҳужжатлар – станок паспортлари ва технологик карталарни ўрганиш мумкин.

Бу машқда берилган мазмундаги билимларни қўллашилгандир.

Бадиий машқ. Таълим олувчилар бу турдаги машқларни бажаришда эгаллаган билим ва малакаларидан турли хил комбинацияларда фойдаланишади, яъни олдида қўйилган вазифалар юзасидан мустақил равишда оригинал жавобларини топишади. Бадиий машқ турларидан бири продуктив масалаларни ҳал қилишдир, яъни, танлаш (асбоб, ишлов бериш тури, созловчи механизм), таққослаш ва баҳолаш (ишнинг бажарилиш йўли, асбобларнинг қўлланилиши, жараёнлар) аниқлашга боғлиқ бўлган (техник талаб, алоқадорлик), турли хил техник жараёнларни тушунтириш. Бу турдаги машқлар орқали ўрганилаётган машина, механизм, қурилмаларининг схемалари тузилади. Таълим олувчилар бу орқали иккинчи даражалисидан асосийсини, кераклисини ажратиб олишади.

Изланиш машқи – бу ҳам эгалланган билимларни машқларда бадий қўллаш усули бўлиб, таълим олувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ўстиришга ёрдам беради. Изланиш методининг техника ва касбий фанларга тегишлик бўлган турлари.

Ташҳисли машқлар. Улар 3 та босқичда йўлга қўйилади. Биринчи босқичда ўқувчилар – нуқсонларнинг бузилиш сабабларини ўрганишади, бузилишлар бўйича жадваллар, вазифалар – карточкалар тузилади. Иккинчи босқичда эса – таълим олувчилар турли вазиятлардан чиқа олишни ўрганишади.

Ташҳисли ўқитишнинг охириги босқичида – ташҳисли масалаларнинг ечилишини ўрганишади.

Изланиш машқлар сирасига яна конструкторликни ҳам киритиш мумкин. Улар кўпинча бир тизимда олиб борилиб, секин-асталик билан таълим олувчининг мустақил ва техник фикрлаш қобилиятини ошириб борилади.

- конструкцияга ўзгаришлар киритилганда масалани ҳал қилиш;
- конструкцияда етишмайдиган бўғин камчиликларини масалани ҳал этиш орқали тўлдириш;
- схема бўйича конструкция лойиҳасини тузиш;
- техник талабга кўра объектни мустақил конструкциялаш.

Лаборатория-амалий ишлар таълим методининг асосий турларидан бири ҳисобланади. Касбий таълимда лаборатория-амалий ишлар назария ва амалий таълимни ташкил қилишда муҳим аҳамият касб этади. Бир томондан таълим олувчиларнинг билимлари мустаҳкамланади, иккинчи томондан эса касбий билиш, кўникма ва малака шаклланади, кейин улар ишлаб чиқариш таълимида ҳам ўз билимларини қўллай олишига ёрдам беради. Лаборатория-амалий ишларнинг турлари:

- кузатиш ва таълил қилиш, яъни жараёнлар ва меҳнат предметини (материалнинг хоссаси, маҳсулотлар) кузатиш ва таҳлил қилиш;

– кузатиш ва таҳлил асбобини ўрнатиш ва ишлатиш, меҳнат тури (машина, механизм, аппарат, қўрилма, асбоблар).

Таълимда фаоллик методи. Ҳозирги кунда илмий ва амалий педагогикада таълим методлари катта аҳамият касб этмоқда. Таълим олувчиларнинг ички ва ташқи фаоллигини ошириш учун турли хил ўйинлардан фойдаланилади. Булардан кенг, кўп қўлланилувчиси – дидактик ўйинлардир.

Касб таълимида қўлланиладиган дидактик ўйинлар: техник «диктант», кичик танловлар, «ким эпчилу», «ким чаққон», «техник курашлар», саволлар, «техник лото», «техник домино» ва ҳаказолардан иборатдир.

Фаоллик методи сирасига семинар дарслари ҳам киради. У уч босқичда ташкил этилади: семинар бўйича ўқитувчининг маърузаси, таълим олувчилар томонидан семинар мавзуси бўйича мустақил равишда уй вазифаларининг тайёрланиб келиниши ва семинарнинг ўтказилиши бунда таълим олувчи тайёрлаб келган матнлари билан чиқади ва кўргазмалари қуроллар, асбоблар ва жиҳозлардан фойдаланиб тушунтириб беради. Ишлаш жараёни, тузилиши, камчилиги, бошқаришни амалий ўрганиш учун практикумлар ўтказилади. Практикумлар бўйича хулосалар эвристик якуний суҳбат орқали чиқарилади.

Таълимнинг фаоллик методи сирасига муаммоли методни ҳам киритиш мумкин. Педагогик адабиётларда муаммоли ўқитишни назарий ва амалий томонлари ёритилиб берилган. Шунинг учун биз техник ва касбий фанларни ўқитиш жараёнида қўлланиладиган муаммоли вазиятларни кўриб чиқамиз. Бундай вазиятлар фанларнинг реал материаллари ва ишлаб чиқариш таълими моҳияти асосида яратилади:

– таълим олувчилар эгаллаган билимларни ўзларига нотаниш бўлган шароитларда амалий қўллайдилар;

– таълим олувчилар шундай шароитда ишлайдиларки, эгаллаган билимлари олдида қўйилган масалани ечиши учун ҳам етарли эмаслигини онгли тушунадилар.

Касбий таълим муассасаларида амалий ишлар жараёнида интегратив дарслар ҳам кенг қўлланилмоқда. Ушбу дарсларда икки ёки бир неча фанларнинг мавзулари ўртасидаги алоқадорлик ўрганилади. Масалан, математика ва информатика, физика ва химия, касбий технология ва ишлаб чиқариш таълими ва бошқалар. Бундай дарсларда айрим ҳолларда мавзулар фанлар ўртасидаги боғлиқлик орқали тушунтирилади ва таълим олувчиларнинг фанни, мавзунини ўрганиш бўйича қизиқишларини ортади.

Фанлар ўртасидаги интеграцион боғлиқлик 3 даражада амалга оширилади:

I даража. Юқори – бутун даража, фанлар ўртасидаги интеграция. Масалан «электротехника ва электроника асослари».

II даража. – Дидактик синтез, ҳар бир фан сақланиб, интеграция уларнинг бирида қўлланилади. Умумий объект интеграция шакли сифатида ўрганилади.

III даража. Фанлараро алоқадорлик, интеграция шакли бўлиб, фанлар мазмунидаги умумий унсурларлар ҳисобланади.

Дидактик синтез уларнинг ичида энг муҳими ҳисобланади. Интеграция дарслари: ишлаб чиқариш таълимининг устаси ва ўқитувчи ёки икки ўқитувчи бир вазифани биргаликда ҳал этишлари асосида ташкил этилади. Таълим олувчиларнинг ўқув билиш фаолияти фаоллиги дарсдан ташқари ишларда техник кашфиётчилигини ривожлантириш орқали амалга оширилади. Дарсдан ташқари ишлар – касбий таълим устаси танловлари, илмий-амалий конференциялар, рационализатор ва кашфиётчилар билан учрашув, илмий ва техник олимлар билан учрашув, намунали ишлар кўргазмаси, меҳнатни илмий ташкил гуруҳлари, техник тўғараклардир.

Ишлаб чиқариш таълими методи. Аввало ишлаб чиқариш таълимининг мақсади устида тўхталиб ўтиш лозим. Ишлаб чиқариш таълимининг асосий мақсади таълим олувчиларда муайян касб, соҳа бўйича устачиликни шакллантиришдир. Ишлаб чиқариш таълимида асосий мақсадга

босқичма-босқич эришилади. Ҳувида «касб устаси» тушунчасини очиб берувчи мезон кўрсаткичлари келтирилган:

–бажарилаётган ишнинг сифати – техник талабларни бажариш, меёр ва кўрсаткичларга мос келиши, ижобий натижалар олиш;

–меҳнатни ташкил қилиш – белгиланган вақтда бажариш; вақтдан тўғри фойдаланиш, иш вақтида тежамкорлик;

–касбий мустақиллик – мустақил иш турини танлашни билиш, ишлаб чиқаришнинг юқори сифатини таъминлаш, тўғри хулосалар чиқариш иш жараёнида ўз-ўзини бошқариш меҳнат маданияти – ўз меҳнати, ишини режалаштириш, янги техника ва технология асосида ишлай олиш, юқори технологик интизом, касбий билимларни ишда қўллай билиш, меҳнат фаолияти ва иш жойини ташкил қилиш, меҳнат хавфсизлиги техникаси қодаларига риоя қилиш.

Меҳнатга бадий муносабат – рационализаторлик ва кашфиётчиликка интилиш, қобилиятини ўстиришдир.

Иқтисодий меҳнат фаолияти меҳнат жараёнини иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиш саналади.

Ишлаб чиқариш таълими методи билан назарий таълим методлари ўртасид боқлиқлик, ўхшашлик бор. Ишлаб чиқариш методлари сирасига: меҳнат фаолияти ҳаракатларини кўрсатиш, машқлар, мустақил кузатиш, ёзма инструкция бериш ва фаоллик методлари киради.

Меҳнат фаолияти ҳаракатларини кўрсатиш методи. Бу метод ёрдамида таълим олувчилар меҳнат фаолиятини аниқ ва равшан кўришади ҳамда иш жараёнида машқлар ўтказиш билан ўзларининг меҳнат фаолиятлари билан таққослай оладилар. Таълим олувчиларда меҳнат фаолияти тўғрисидаги тўлиқ тушунча бир лаҳзада пайдо бўлади, аввал умумий ҳолда сақланиб қолади, кейин секинлик билан деталлар аниқланади. Таълим олувчилар томонидан кўрсатилаётган нарсаларни ўргани олиш, уларни тўлиқ тушуниш, деталлар ва механизмларни ўрганиш учун етарли

вақт ажратилиши керак. Шунинг учун уста меҳнат фаолиятини секинлик билан кўрсатиб, деталларни бўлакларга бўлиб, ҳар бири ҳақида алоҳида маълумот бериши, кўрсатиши керак. Таълим олувчининг диққати ҳаракатнинг якуний қисмига эмас, балки оралиқдаги ҳаракатларга ҳам жалб қилиш зарур. Таълим олувчилар нафақат тушунишлари, балки шу билан бирга деталларни эса олиб қолишлари лозим. Бунинг учун ҳаракат турларини такрорлаб туриб, уни қайта-қайта кўрсатиш керак.

Машқлар. Кўникма ва малака машқлар орқали ҳосил қилинади. Машқ - бу ҳаракатларнинг кўп маротаба такрорланишидир.

Машқ тизими. Ишлаб чиқариш таълими машқлар бир тизимда олиб борилиши зарур. Машқлар тизимида алоқадорлик мавжуд масалан, ўрганилаётган меҳнат фаолиятини тўғри бажариш, унинг аниқлиги, ишда аниқ бир тезликка эга бўлиш, касбий мустақилликни шакллантириш, меҳнатга бадий ёндашиш. Машқлар тизимига икки томонлама ёндашиш мумкин.

Биринчидан, дидактик мақсад: касб малакасини шакллантириш бўйича машқлар, бошланғич кўникмаларни шакллантирувчи машқлар.

Иккинчидан, мазмун: меҳнат ҳаракатларини бажариш, меҳнат операциялари ва меҳнат жараёнларини бошқариш бўйича машқлар технологик жараёни бошқариш бўйича машқлар ўтказиш.

Ҳақиқатдан ҳам касб маҳоратини эгаллаш орқали янги ўқув ишлаб чиқариш вазифаларини босқичма-босқич бажариш асосида янги мақсадларга ҳам эришиш мумкин. Бу эса – машқ ўтказишнинг муҳим шартидир. Меҳнат усулларини бажариш соҳасидаги машқлар меҳнат ва касб кўникмалари, малакаларни таркиб топтириш ҳамда мустаҳкамлаш мақсадида муайян ҳаракатларни кўп марта такрорлаш билан ажралиб туради.

Машқлар ва мустақил ишлаш. Машқ методида «машқ» ва «мустақил ишлаш» терминлари кўпинча биргаликда ифодаланади. Мустақил ишлаш ўқув-ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришдан ўқувчиларнинг машқлар

жараёнида ҳосил қилинган меҳнат ва касб кўникма ва малакаларини тўлатқис шакллантириш, янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланилади. Дидактик мақсад-ишлаб чиқариш, касбий мустақилликка эришишга хизмат қилади.

Таълим олувчиларнинг мустақил кузатуви. Бу метод, асосан, таълим олувчиларнинг ишлаб чиқариш таълими меҳнат корхоналарида, мураккаб жиҳозлар билан ишлаганда қўлланилади. Таълим олувчилар уста раҳбарлигида ўқувчилар берилган вазифалар бўйича мустақил кузатувлар ўтказишади. Вазифада мустақил кузатишнинг мақсади белгиланади, уни олиб бориш кетма-кетлиги кўрсатилади.

Ишлаб чиқариш таълими бўйича уста таълим олувчиларга куйидагиларни тушунтириб беради: вазифа, саволлар, моҳияти кузатув кетма-кетлиги, келиб чиқиши мумкин бўлган қийинчиликлар ва уларни ечиш йўллари, кимга мурожат қилиш, хулосаларни қандай тўлдириш кераклиги ва ҳоказолар.

Ўзма йўриқнома. Бу метод ишлаб чиқариш таълими дарслари учун турли инструктив ўқув хужжатлар, мустақил ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади. Ишлаб чиқариш таълимида йўриқномалар, технологик карталар, ўқув алгоритми кўп қўлланилади. Ўқув операцияларини ўрганишда инструкцион карталар (қоидалар, йўл-йўриқ, бажариш, назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш қоидалари) қўлланилади. Технологик карта комплекс тавсифдаги ишларни бажаришда қўлланилади – меҳёрлар, техник талаб, ўқув ишлаб чиқариш ишларини ташкил этиш моҳиятини очиб беради.

Инструктив технологик карталар эса комплекс ишларнинг бошланғич босқичда қандай бажарилиши юзасидан маълумотлар беради.

Таълим олувчиларга ўқув алгоритмини ўргатиш - хизмат кўрсатиш, бузилиш ҳолатини бартараф этиш, қийин жиҳозларни бошқариш ишни бажаришда аниқ қоидаларга риоя қилиш каби талабларни ўзида ифода этади.

Ёзма йўриқнома хужжатлари ҳар бир жойида бўлса меҳнат унумдорлиги ошади.

Ишлаб чиқаришнинг фаоллик методи. Ўқув ишлаб чиқариш ишларида фаоллик ақлий, билим, бадий фаолликлар саналади. Улар таълим олувчиларнинг мустақил фаолиятида, фаолият турини мустақил ва мақсадни танлашларида ва уларни ижобий натижаларга олиб келиш, меҳнатни режалаштириш, таҳлил ва хатоликларга йўл қўймасликда кўринади. Таълим олувчиларнинг ўқув ишлаб чиқариш таълимидаги фаоллик – машиналар, агрегатларни ишлатишдаги қобилияти, ички жараённи билиш ва қилинган таҳлиллар асосида мақсадли ечимларга келишларидир.

Ишлаб чиқариш таълимидаги фаоллик методига – ишлаб чиқаришда техник масалаларни ечиш киради: ишлов бериш, тузатиш, бошқариш меъёрини ҳисоблаш, автоматлаштирилган жиҳозлар учун бошқарув дастурини ишлаб чиқиш (масалан, сонни дастурли бошқарув станоклари), жадвал, маълумотлар ва диаграммалардан керакли маълумотларни топиш. Ўқув ишлаб чиқариш ишларида машина, қурилма, агрегатларнинг кинетик схемалари ёрдамида меъёрлари, кўрсаткичларини аниқлаш, монтаж тузилмаларини ишлаб чиқиш.

Техник масалаларни ечишнинг юқори даражаси бадий характердаги масалаларни бажариш ҳисобланади.

Сифатни ошириш ва ишлаб чиқариш меҳнати: ўқув ишлаб чиқариш фаолиятида ўқитувчи ёки мустақил таълим олувчилар тавсия этилган тайёрлаган бир неча технологик жараёнлар ичидан энг мукаммалини топиш, иш вақти сарфи, материаллар ва энергетик тежаш йўллари ишлаб чиқиш, кабиларни амалга оширадилар, шунингдек, ишлаб чиқариш таълимини ўқитиш жараёнида таълим олувчилар маҳсулотга ишлов бериш тайёрлан, йиғиш, жиҳозларни текширишни оғзаки ёки ёзма орқали ўрганишади. Бу эса ўз навбатида таълим олувчиларда технологик жараён тўғрисида тушунчалар ҳосил қилади.

Таълим олувчилар кўникмаси ошгани сари уларга қийинроқ вазифалар топширилади ҳамда технологик жараён объектлари мунтазам равишда ўзгартириб турилади.

Ишлаб чиқариш таълимнинг фаоллик методи сирасига машқлар ҳам киради. Машқлар ишлаб чиқарш жараёнида ҳосил бўладиган масалаларни ечиш учун қўлланилади. Бундай машқлар таълим олувчиларни ишлаб чиқариш жараёнида содир бўладиган вазиятларига тайёрлайди. Машқларни ўтказиш учун муайян жараён ҳосил қилинади. Масалан, агрегатларни созлаш, технологик меъёрларнинг бузилиши, иш жойида бузилиш ҳолатларининг содир бўлиши. Бундай жараёнларни ижобий ҳал этиш технологик вазифа сифатида ҳам берилиши мумкин. Таълим олувчи берилган вазифани ўрганиб, унинг аниқ ёки нима сабабдан бузилгани, бузилиш сабаблари, хатоларни тўғрилаши ва ечимини топиши керак бўлади. Бундай вазифалар таълим олувчиларга икки усулда: савол ва жавоблар саволларнинг асосида берилиши мумкин. Биринчи усулдаги машқда аниқ жараённинг муҳокамаси ва технологик жараёнлар моҳияти ўрганилади. Бу каби вазифалар ўқитишнинг бошланғич босқичларида қўлланилади. Таълим олувчилар кўникмаси ошгани сари мустақил ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган жараёнларни ўрганишга қаратиш лозим. Бунда 2 - усулдаги вазифалардан фойдаланиш керак бўлади.

Меҳнат таълими ўвхқитувчисида касбий компетентлиги шакллантириш ва меҳнат таълимни ташкил этишда ролли ҳамда ишбоп ўйинлардан самарали фойдаланишга эътибор берилмоқда. Ўйин чоғида маҳсулдор эмас, балки жараёнли фаолият ташкил этилганлига боис ўқувчилар тасвирий вазиятларни яра-тиш асосида ўзларининг атроф-муҳитга бўлган муносабатларини табиий намоён эта оладилар. Ўйинли фаол фаолият эса уларнинг ижодий имкониятларини ошириб, тафакку-рини ривожлантиришга ёрдам беради. Ўқувчиларнинг назарий билимларни амалий кўникма ва малакаларга айлантариш, уларда таълимий фаолликни юзага келтириш,

уларни ижтимоий муносабатлар жараёнига кенг жалб этишда ролли ҳамда ишбоп ўйинлар ўзига хос ўрин тутади. Уйин технологиялари таълим самарадорлигини таъмин-лаш, ўқувчиларда фаолликни юзага келтириш, билим, кўникма, малакаларни шакллантириш, вақтни қисқартириш, таълимни жадаллаштиришга ёрдам беради.

Блиц – ўйин. Операцион (воқеий) ўйинлар. Бундай ўйинларда аниқ ўзига хос воқеа – ҳодисанинг бажарилиши машқ қилинади. Операцион ўйинлар иш жараёнига хос моделлаштирилади.

Роль ижро этиш ўйинлари. Унда конкрет шахснинг хулқи, хатти ҳаракати, ўз вазифалари ва мажбуриятларини бажарилиши тактикаси машқ қилинди.

Психодрама ва социодрама.

Бу ҳам ўзига хос “театр”, лекин ижтимоий психологик мақсадни кўзлайди. Унинг асосий мақсади жамоада вазиятни ҳис қила олиш, бошқа кишининг ҳолатини ўзгартириш ва унга баҳо бериш, у билан самарали мулоқотга кириши олишни шакллантириш ҳисобланади.

Педагог ва психолог олимлар - Д.Н.Узнадзе, Л.С.Внготский, А.Н.Леонтьев, С.А.Шмаков, Г.К.Селев-ко, П.Я.Гальперин, И.Оллоёров, АА.Вербицкий ва бош-қалар ўйинга асосланувчи фаолиятнинг моҳияти, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, имкониятлари борасида та-дқиқот шнларини олиб борганлар.

Ўйин жараёнида намоён бўлувчи психологик хусусиятлар ҳар ўқувчига шахсий имкониятларини намоёиш эта олиш имконини беради, уларнинг ижтимоий ҳаётда эгаллаган ўрнини барқарорлаштиради, уларда ўз-ўзини бошқариш кўникмаларини ҳосил қилади.

Уйин технологиялари назарий билимларни мустаҳкамлаб, амалий кўникмаларнинг малакаларга айланишини таъминлаб қолмай, ўқувчиларда муайян ахлоқий, иродавий сифатларни ҳам тарбиялайди.

«Сценарий» технологияси

Технологиянинг мақсади: талабаларда якка ва жамоавий фаолият кўникмаларини, шунингдек, ижодий қобилиятларни шакллантириш, турли шаклдаги якка ва жамоавий ижодий фаолият.

Сценарий ўйин технологиясини амалга ошириш учун, ўтказиладиган тадбирларни олдиндан режалаштириш. Бажариладиган иш сценарийсини тузиш, ташкил этиш ва ўтказиш бўйича кўникма, малака ҳосил қилинади.

Бундай ўйинлардан қайсидир ташкилот, муассаса ва унинг қисмлари фаолияти андоза қилиб олинади. Воқеалар, кишиларнинг бирор фаолияти (иш битириш мажлислари, режани муҳокама қилиш, суҳбатлар ўтказиш, муаммони ҳал эта олиши), фаолият ҳолати ва шартлари андоза қилиб олинishi ҳам мумкин. Сценарийда қўйилган муаммони ҳал этиш йўллари тўла ёзиб чиқилади ва имитация қилинадиган объектлар ва жараёнлар белгиланади.

Машғулотни ўтказиш тартиби: Машғулотнинг ҳар бир қатнашчиси якка ҳолда ишлаш учун тайёр келган тарқатма материал (карточка)лардан биттасини танлаб олади; Карточкаларда талабалар учун турли хил тадбирлар мавзуси берилган бўлиб, улар шу мавзуда ўтказилиши мумкин бўлган тадҳақида якка ҳолда бош котиришлари, унинг мазмуни, ўтказиш тартибининг турли шакллари аниқлашлари ҳамда шу тадбирнинг сценарийсини ишлаб чиқишлари керак.

Машғулотнинг кейинги босқичида талабалар ўзлари якка ҳолда тузган режа-сценарийлари билан кичик гуруҳларга ажраладилар.

Улар ўз ишларининг натижаси билан гуруҳ аъзоларини бирма-бир таништирадilar, ишлаб чиқилган режа-сценарийларга баҳо беради берилган режа-сценарийларни тўлдириб, тўғрилаб, улар ичидан вариантни танлаб оладилар, Кейин кичик гуруҳлар биргаликда танланган тадбирнинг режа-сценарийсини ишлаб чиқадилар.

Вазифаларни бажариш мобайнида гуруҳ аъзолари, якка тартибда ижодий ёндашиб, таёрланган режа-сценарийларни эътиборга олган ҳолда

ҳамда улар ичидан танлаб олинган сценарий бўйича тақдимст тайёрлаиладилар.

Сценарий ўйин технологияси талабаларда муаммога илмий ёндашиш, лоёиҳалай олишлик, конструкторлик, режалаштира олишлик, ташкилотчилик, илмийлик, амалда қўллай олиш, моделлаштириш, тадқиқотчилик каби қобилиятларни ва касбий сифатларни шакллантиради.

Ҳар бир гуруҳ биргаликда тайёрлаган сценарийларини ҳимоя қилади. Ҳимоя вақтида гуруҳ аъзолари (ёки гуруҳ вакили) талаба аудиториясининг саволларига жавоб бериши ёки ўз вариантларида қолишлари мумкин. Режа-сценарий лойиҳасининг намоиши схема (а томоша) шаклида бўлиши мумкин.

Тақдимот тугагач, талаба (ёки ўқувчи)лар ҳимоя қилинган лойиҳалалар биргаликда муҳокама қиладилар ва яқунлайдилар. Уқитувчи ҳар томонла яхши, қизикарли тузилган сценарийларни кейинчалик амалга ошириш ташкилотчиларга тавсия этади. Ўқитувчи бажарилган ишлар учун миннатдорчилик билдиради.

Ўйин технологиялари таълим самарадорлигини таъминлаш, ўқувчиларда фаолликни юзага келтириш, билим, кўникма, малакаларни шакллантириш, вақтни қисқартириш, таълимни жадаллаштиришга ёрдам беради.

Ўйин жараёнида намоён бўлувчи психологик хусуси-ятлар ҳар ўқувчига шахсий имкониятларини намоиш эта олиш имконини беради, уларнинг ижтимоий ҳаётда эгал-лаган ўрнини барқарорлаштиради, уларда ўз-ўзини бош-қариш кўникмаларини ҳосил қилади.

Уйин технологиялари назарий билимларни мустаҳкамлаб, амалий кўникмаларнинг малакаларга айланишини таъминлаб қолмай, ўқувчиларда муайян ахлоқий, иродавий сифатларни ҳам тарбиялайди.

2.3. Меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий фаолиятини моделлаштириш

Педагогик тизимлар ва улар фаолиятининг тадқиқ қилишда Н.В.Кузьмина томонидан амалга оширилган метод анча самарали ҳисобланади. У тизимли ёндашув умумий назариясидан фойдаланиб, педагогик тизимларнинг ягона моделини яратади. Ҳар қандай педагогик тизим таркибий қисмлари ўзаро яқин алоқадорликда бўлиб, таълим – тарбия мақсадларига қаратилгандир. Шунинг учун мазкур тадқиқотда тизимли ёндашувни методологик асос қилиб, биз объектни ўрганишда катта имкониятлар очиб беришга асосландик ўз навбатида педагогик кадрлар малака ошириш тизимида таълимнинг ўзига хос хусусиятларини, унинг муҳим имкониятларини, улар ўртасидаги муҳим боғланишларни очиш ва шу асосда объектни тадқиқ қилишга, унинг бутун мураккаблиги ва ривожланишини аниқлашга имкон беради.

Агар биз ўқитувчилар касбий маҳоратини ошириш тизимига тизимли ёндашув асосида қарасак, у мураккаб педагогик тизим сифатида бир – бирига боғлиқ муассасалар мажмуидан иборат бўлиб, педагоглар узлуксиз малака оширишнинг умумий мақсадини амалга оширишга қаратилгандир. Демак, мураккаб педагогик тизимларга тизимли ёндашув уларни яхлит – бутунлигича ва маълум қисмларга бўлиб ҳамда бошқа тизимлар билан алоқадорликда қолиш имкониятини беради.

Чунки, бу жараёни таҳлил қиладиган бўлсак ўқитувчи ҳар қандай педагогик жараёнларда ўз фаолиятини амалга оширади, таълим олишда ўзининг билимини, кўникма ва малакасини оширади. Педагогик тизимнинг бир бўлаги сифатидаги модели тузилишида намоён бўлади. Иккинчи бир томондан қарасак, ўқитиш жараёни доимий равишда субъект ва объектга боғлиқ равишда шаклланди натижада ўқув педагогик тизимнинг моделини ифодалайди.

Инсоннинг фаолияти ҳар қандай характер ва шаклда бўлмасин, маълум ички интилиш, истак, майл, яъни мотив асосида, у ёки бу мақсадни амалга ошириш оқибатида рўёбга чиқади. Демак, ўқитувчининг мунтазам ўз фаолияти ва шахсни такомиллаштиришнинг ижтимоий зарурлигини онгли англаши ва унга интилиши узлуксиз малака оширишда белгиловчи ҳисобланади. Шунинг учун ўқитувчининг етук шахс сифатида мунтазам билим, малака ва кўникмасини ҳамда шахсни такомиллашувига шахсий ишончи ва уни амалга оширишига эҳтиёж сезилиш, ниҳоятда мураккаб иш, шу билан ўз шахси ва фаолиятидаги камчиликларни тузатиш жараёнига киришиш учун асос бўлади.

Ўқитувчининг касбий маҳоратининг ошириш тизимининг бош мақсади, - деб ёзади К.З.Зарипов, - фақат ўқитувчилар фаолиятини такомиллаштириш эмас, балки уларнинг ҳар қайсининг шахси ҳамда шу асосда уларда таълим – тарбия вазифаларини ечишда шахсий тайёргарлиги билан ўқитувчи шахси билими ва савиясига доимий равишда ўсиб боровчи ижтимоий талаб ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш кўникмасини шакллантириш муҳимдир. Бу мақсад ўқитувчи фаолияти орқали воқеликка айланади. Шунинг учун ўқитувчилар касбий маҳоратни ошириш тизими фаолиятида, яъни тингловчилар ва малака ошириш ташкилотчилари фаолиятида ўқитувчини билимга ташналик, янгиликка интилиш, “мен ҳамма нарсани биламан”, каби ўзига ортиқча баҳо бериш одатини сингдириш, доимий ўқиш, ўрганиш, малака оширишнинг фойдалилига ишончини мустаҳкамлаш зарур.

Шундай қилиб, педагог кадрлар касбий маҳоратини ошириш тизимининг бош мақсади фақат ўқитувчи фаолияти ва шахсини такомиллаштириш эмас, балки унода жамиятнинг таълим – тарбияга ошиб бораётган талабларини амалга ошириш билан шахсий тайёргарлиги ўртасидаги ўзаро мутаносибликни шакллантиришдир.

Фаолият – инсоннинг воқеликка бўлган фаол муносабатининг шундай шаклики, у орқали ўзи яшаб турган олам билан реал алоқа ўрнатилади. Фаолият – шахс ҳисобланган ҳар бир кишининг ички психик ва ташқи жисмоний онгли, мақсадга қаратилган фаоллигидир.

Инсон фаолият воситасида табиатга, нарса ва ҳодисаларга кишиларга таъсир кўрсатади, фаолият давомидаги ҳаракатларида инсон ўз ички психик хусусиятларини ошкор қилиб амалга оширади. Шу жараёнда ташқи олам, нарса ва ҳодисаларга нисбатан одамлар шахс сифатида, субъект тарзида намоён ади. Фаолият билиш ва ирода билан боғлиқ бўлиб, уларга асосланади. Фаолият инсоннинг ички (психик) ва бошқа (жисмоний) онгли мақсадга қаратилган фаоллиги тарзида анланган мақсад орқали бошқарилади.

Фаолият назарияси билан философлар (Л.П.Буюева, М.С.Каган, А.Г.Спиркин), психологлар (А.Н.Леонтьев, С.Л.Рубинштейн, Б.Г.Ананьев, Н.Д.Левитов, Ф.Н.Гоноболдин), педагоглар(А.И.Шербаков, Н.В.Кузьмина, В.А.Сластенин, Г.И.Шукина, К.З.Зарипов) лар шуғулланганлар. Булар фаолиятни ташкил қилишда инсоннинг мақсадли ҳаракати асосан субъект ва объектнинг ўзаро таъсири тариқасида намоён бўлишини асосладилар. Фаолият эҳтиёж асосида ҳаракатланади. Инсон ўз эҳтиёжини қондириш учун мақсадли ҳаракат қилади.

Педагог фаолиятларни, айниқса, ўқитувчи фаолиятини тадқиқ қилишда Н.В.Кузьминанинг хизматлари каттадир. Унинг ишлари асосида ўқитувчи фаолиятининг тузилиши аниқланди. Унинг фикрига кўра фаолият кўпгина педагогик топшириқларни ҳал қилиш жараёни ва шу асосда педагогик қийинчиликларни бартараф қилиш йўллари дидир. Ўз тадқиқотлари асосида Н.В.Кузьмина шундай умумназарий хулосага келадики, ўқитувчи фаолиятининг тузилиши унинг шахс тузилишига мос келади. Н.В.Кузьмина ўқитувчи фаолиятининг тузилишини конструктив, ташкилотчилик, коминикатив, гностик, режалаштириш, лойиҳалаштириш тарзида баён қилади ва фаолият билан шахсий сифатлари бир – бирига тенг деб

таъқидлайди. Амалда фаолият билан шахсий сифатлар бир – бирига тенг эмас. Шунинг учун ҳам биз уни қабул қилолмадик.

Амалий фаолият билан шуғулланган профессор К.З.Зариповнинг педагог фаолиятининг таснифига кўра, ўқитувчи фаолияти тузилиши қуйидагича:

Булар а) роли; б) бошқарув; в) функционал; г) рефлексив; д) тадқиқотчилик каби фаолият тузилишини ўзининг илмий – тадқиқот ишида тавсия қиладилар. В.А.Сластенин ўқитувчи шахсини ўрганиб, унинг фаолияти билан яхлитликда шаклланишида таълим (яъни ўқиш даври) ва амалий фаолият белгиловчи рол ўйнашини аниқлади. Шу асосда ўқитувчи шахсининг модели ишлаб чиқилди касбий характеристикаси.

Педагогик фаолият деб, инсоният тўплаган билим, ижтимоий тажриба, маданий ва маънавий бойликларни ёш авлодга сингдириш, улар шахсини ривожлантириш ва жамиятда маълум ижтимоий вазифаларни бажаришга тайёрлашга қаратилган ижтимоий фаолиятнинг алоҳида турига айтилади, десак хато бўлмайди. Унинг мазмуни мақсадида намоён бўлади. Мақсад олдиндан кўзланган натижанинг анланган образи бўлиб, инсон фаолияти унга эришишга қаратилган. Мақсад – ўз фаолиятининг замон талабларига жавоб берадиган ташкил қилиш ва ёш авлод тарбиясини ислоҳат талаблари асосида англаб етиш даражаси.

Ўқитувчи ўз фаолиятини маълум воситалар амалга оширади. Унинг фаолиятининг воситалари – илмий билим, дарслик, ўқув қўлланмаларидаги билимларни ўқитиш воситалари орқали ўқитувчиларни табиат ва жамият тараққиёт қонунларини англаб олишларини таъминлашдир.

Бундан ташқари педагогик фаолиятнинг яна бир муҳим хусусияти унинг билим бериш, ўргатиш эканлигидадир. “Ўқув – билув фаолияти, - деб ёзади Г.И.Шукина, - таълим жараёнини аниқ характерлайди: бу махсус фаолият бўлиб, жамият учун зарур, бу биргаликдаги фаолият, бола билан катталарнинг ҳамкорлик шакли, энг муҳими, унда билиш жараёни, ёш авлоднинг ижтимоийлашуви орқали амалга оширилади”.

Педагогик фаолият – мақсад нафосатли, ахлоқий ва иқтисодий жиҳатдан мос бўлиб, ҳаётга ўсиб келаётган ёшларни тушинган ҳолда тайёрлашга бошловчи инсоний фаолиятнинг ижтимоий – фойдали мақбул кўринишидир.

Фаолиятнинг педагогик субъектида – фаолиятни қамраб олувчи гуруҳ, инсон ва инсонлар. Унга қуйидагилар киради:

- жамоа – ижтимоий муҳит (давлат, миллат, ишчилар, диний салоҳиёт), қайсики педагогик жиҳатдан инсонларга таъсирини ўтказади;

- гуруҳ – жуда катта бўлмаган жамоа – инсонларга педагогик фаолияти таъсирини ўтказадиган.

- Педагог – инсон, қайсики педагогик фаолиятни уюштирувчи ва бошқарувчи.

Педагогик фаолиятнинг функциясига қуйидагилар киритамиз:

Бошқарув – педагогик фаолиятни уюштирадиган ва қўллайдиган;

Тарбия – жамият ва ҳаётга ҳаққоний дунёқараш орқали инсонларни ишончли шакллантириш;

Ривожлантириш – ўқитувчи ўзининг касбий билимларини узлуксиз ошириб бориши;

Ўқитиш – фаолият ва ҳаётни ҳозирги замон талаблари асосида билимларнинг, кўникма ва малакаларини ривожлантиришидир;

Психологик тайёргарлик – ҳар қандай қийинчиликни ечишга инсон ички кечинмалари орқали тайё ҳолда шаклланишидир;

Педагогик фаолиятнинг ташкилий асосий қисми, педагогик фаолиятни лойиҳалаштиришидир, улар қуйидагилар:

- лойиҳалаштирувчи, инсонларнинг баъзи шахсий сифатлари, эришилган натижаси билан белгиланиб, педагогик фаолиятнинг вазифасини ва мақсадини аниқ йўналтирилган мантиқни ифодалайди;

- ташкилотчилик, педагогик фаолиятнинг ташкилий йўналишлари асосини ўзида мужассамлаштиради;

- илмийлик, педагогик фаолиятининг субъектив ва объектив активлиги, илмий интеллектуарл, муҳим юқори таъминотини белгилайди;

- коммуникациявий (амалда қўллаш) – педагогик фаолият йўли, субъектив ва объектив ўзаро боғланиши ва мажмуаси туфайли эффективлиги вақ уюштирилиши ҳар томонлама амалга оширилади;

- илмий тадқиқотлиги, педагогик жараён такомиллашган ва ўрганувчи характерлидир;

- педагогик фаолиятнинг объективлиги – жамият – психологик хусусиятлари ва яқка қатнашувчи, гуруҳ, ҳамда инсонлар иштироқини белгилайди.

Педагог фаолиятини таҳлил қиладиган бўлсак, у учта элементдан иборат бўлиб, бу эса ўқув – педагогик тизимни ифодалайди. Субъект – объект – субъект фаолиятидир.

С.Л.Рубинштейн “Фикрича, фаолият бу – инсон – атрофини ўраб турган борлиқнинг ёки бу инъикоси бўлиб, ҳаётда, олдимизга бир қанча вазифаларни кўяди” деган эди.

Бундан ташқари фаолиятнинг умумпсихологик педагогик моделининг тузилиши Б.Ф.Ломовнинг фикри бўйича қуйидагича:

Қизиқтириш; мақсад; режалаштириш; келаётган ахборотларни қайта ишлаш; образли ҳаракат; таъсирли қайта алоқалардан иборат деб тушунади.

Бунинг ҳаммаси инсон шахсий фаолиятининг ривожланиш параметрлари бўлиб хизмат қилади.

Аслида фаолиятнинг уйғатувчи кучи баъзи бир одамларда тўғилади, қизиқиш ва талаб орқали вужудга келади, ана шундагина ишонч, қарашлар, интилишлар, фикрлар, келажак ғоялари пайдо бўлади.

Ўқитувчининг касбий маҳоратини ошириш ва уни илмий асосда қайта қуриш хужжатида педагогик кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг мақсади – ўқитувчининг ижодий имкониятини, унинг шахсий сифатлари ва касбий билим, кўникмасини такомиллаштириб бўлиб, ягона

мақсади ўқувчилар таълим – тарбияси сифатини ошириш, деб таърифланади. Педагогик кадрлар касбий маҳоратини ошириш тизимини доимий равишда роявий сиёсий, умуммаданий, касбий, иқтисодий, экологик, ҳуқуқий билимларни тўлдириш, янгилаш ва қўллаш асосида педагогик маҳоратни шакллантиришдир. Шу билан бирга бу ҳажжатда таъкидланадики, ўқитувчининг асосий педагогик таълимини тубдан қайта қурмасдан, унинг меҳнати самарасини оширишга эришиб, малака ошириш тизимининг самарадорлигига эришиб бўлмайди.

Ўқув жараёнида мутахассис фаолиятини моделлаштириш тамойили. Шадманова.Ш.С ўз ишларида Моделлаштириш бу билиш объектининг ҳар хил моделларини яратиш ва ундан илмий ижодда фойдаланиш имконини берувчи илмий методдир. Моделлаштириш методида объект ўрнига унинг модели ўрганилади[20].

Моделлаштириш – бирор нарсанинг моделини ишламоқ ёки яратмоқдир.

Моделлаштириш ўқитувчи фаолиятида таълим – тарбияни илмий асосда ташкил этиш, таълим – тарбия жараёнига (мустақил таълим, тарбия, ўзини – ўзи тарбия) ва буни амалга оширишда замонавий талабларни, талабалар эҳтиёжлари, талабалар дунёқараши ва бошланғич тушунчалари, мустақил ўрганиш учун бериладиган топшириқлар, талабаларнинг имкониятлари, ўқитиладиган фан ва ўрганиладиган мавзуларнинг мақсади, предмети ва аҳамиятини инобатга олиш ҳамда уларга мос келувчи таълим методларини танлаш, амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларни ва уларни амалга ошириш босқичларини белгилаши зарур. Моделлаштириш орқали мазмун ва мақсадларни исботлаш учун аввал осон билимларни ўзлаштириш, ўқитиш методларини ўқув режаси ва ўқув дастури талаблари асосида танлаш. Ўқув жараёнида кенг тармоқли ишчи фаолияти қуйидаги шартлар асосида амалга оширилади:

а) билим ва малакани политехник йўналтириш.

б) кўчириб (интегрция асосида) ўқитиш жараёнида градациянинг ўрни.

в) кўчириб ўқитиш жараёни.

Мутахассис шахси ва фаолиятини моделлаштиришга нисбатан ёндашувларнинг турлича бўлишига қарамай, илмий тадқиқотларда касбий педагогик тайёргарлик тизимида мутахассиснинг касбий ва шахсий камолоти, шунингдек, мутахассисни касбий тайёрлаш жараёнининг моделини яратиш муаммоси тадқиқ этилмаган.

Буюк Британиялик олим М.Розенберг ўқитувчи фаолиятининг тўққиз йўналиши ва уларга нисбатан қўйилувчи қуйидаги касбий талабларни ишлаб чиқди:

- ўқувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини билиш;
- фаолият самарадорлигини баҳолай олиш;
- ўқув дастурларини ишлаб чиқа олиш лаёқатига эгалик;
- касбий маҳоратга эга бўлиш;
- маслаҳатчи бўла олиш;
- коммуникабеллик лаёқатига эга бўлиш;
- илмий тадқиқот ишларини олиб бориш қобилиятига эгалик;
- доимий равишда касбий маҳоратни такомиллаштириб боришга эришиш;
- шахсини маданий жиҳатдан такомиллашувига эришиш [81].

Л.М.Митина ўқитувчилик фаолияти моҳиятига таянган ҳолда бўлажак ўқитувчини касбий-педагогик жиҳатдан тайёрлаш модели [102] қуйидаги учта ўзаро боғлиқ йўналиш асосида намоён бўлишини қайд этиб ўтади: 1) талабанинг шахси; 2) талабанинг ўқув-ўрганиш фаолияти; 3) талаба томонидан ташкил этилувчи ижтимоий муносабатлар.

Айрим касбий тавсифномаларда, яна шунингдек, қуйидаги ҳолатлар ҳам ёритилади:

- а) таълим олиш сабаблари;

б) ўқув топшириғи сифатида таклиф этиладиган ва ўқувчилар томонидан қабул қилинадиган таълимий масалалар (педагогик амалиёт жараёнида ҳар бир талаба ижобий ҳал этилиши талаб этилувчи педагогик масалаларга дуч келади);

в) таълимий фаолиятни муваффақиятли ташкил этиш асосида ўқиш-ўрганиш масалаларини ҳал этиш;

г) ўқув машғулоти жараёнида ўқитувчининг аста-секин фаолиятини назорат қилиш ва ўзига баҳо бериш лаёқати такомиллашиб боради, бу ҳолат ўқувчилар фаолиятини ҳам назорат қилиш ва баҳолашда алоҳида аҳамиятга эга. Касбий тавсифномаларда ўқитувчининг шахсий ва касбий сифатлари ҳамда кўрсаткичлари етарлича тизимлаштирилмаган.

Педагог олим Н.А.Муслимовнинг фикрича “Мустақил таълим” – билимларни ўзлаштириш тассавурларини ривожлантириш тушунчалари, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш бўйича ўқув жараёнининг субъектив мақсадга мувофиқ, мунтазам, мустақил ҳамда автоном фаолиятни ташкил этиш демакдир.

Меҳнат таълим ўқитувчиси ўз билимини мустақил ошириш фаолиятини аниқ бир мақсадга йўналтириш ва бу мақсадга эришиш учун қуйидаги шартларга риоя қилиш керак:

1. Ўз билимини мустақил ошириш мазмунини касб таълими ўқитувчиси мутахассислиги бўйича педагогик амалиёт ўтаётган таълим муассасасининг ўқув устахонасидаги аниқ шароитларга, амалиётнинг шароитлари, талабларини мослаштириш керак.

2. Меҳнат таълими ўқитувчиси маълум мақсад асосида ва маълум тартибда ўзида қуйидаги сифатларни шакллантириб бориши керак;

- талабаларнинг интилишлари, қизиқишларини чуқур ҳис қилиш, тушуниш, уларнинг маънавий эҳтиёжларини ҳисобга ола билиш;

- талабалар билан эмоционал алоқа ўрнатиш, уларнинг ақлий, ахлоқий ва амалий фаолияти томонларига фаол таъсир этиш.

3. Меҳнат таълим ўқитувчиси ўзининг педагогик маҳоратини ошириш устида ишлаш тизимининг энг самарали усуллари, йўллари танлаб олиш, технологик жараён ва техник объектларни тўғри танлаб фаолият кўрсатиш керак;

4. Меҳнат таълими ўқитувчиси умумий педагогика, психология, меҳнат гигиенаси ва физиологияси, техника ва технология фанлари бўйича саволлар рўйхатини мустақил ўрганиб чиқиш шарт;

5. Меҳнат таълими ўқитувчиси аниқ шароитларни ҳисобга олган ҳолда ва уларга мос тарзда индивидуал ҳолда ёки жамоа билан бирга ўз билимини ошириш шаклларидан фойдаланиш, амалий машқлар бажариш мақсадга мувофиқ;

6. Меҳнат таълими ўқитувчиси ўз билимларини оширишни доимий ижодий изланишлар тарзида ташкил этиш ва маълум мақсадга йўналтириш зарур.

Бунинг учун у:

- ижодий изланишлар жараёнини бошқаришга мойил бўлиш;

- ижодий изланишларнинг самарадорлиги ўқитувчининг педагогик, психологик ва назарий тайёргарлигига боғлиқ бўлишни эса тутиши лозим.

Илмий тадқиқот натижалари асосида мустақил таълимга қўйидагича таъриф берилди: мустақил таълим – ўқув материални мустақил ўзлаштириш, мураккаблик даражаси турлича бўлган топшириқлар, амалий вазифаларни аудиторияда ҳамда аудиториядан ташқарида ижодий ва мустақил бажариш асосида назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган тизимли фаолиятдир.

Фаолият - умуман олганда, бу жонли тизимларнинг ташқи муҳит билан ўзаро ҳамкорлиги асосидаги адатив йўналтирилган фаоллигидир. Инсон фаолиятига келганда эса, уни одамларнинг ижтимоий йўналтирилган фаолияти сифатида белгилаш мумкин. Мослашиш эса ана шу фаолият усулининг ўзгинасидир. Ҳақиқатан ҳам, исталган касбий – педагогик

мослашиш, у ижтимоий фаолият бўладими, индивидуал фаолият бўладими, қандай бўлмасин фаолиятни тақоза этади, бироқ ҳар қандай фаолиятни эмас, балки жамиятни ижтимоий, иқтисодий, маънавий соҳаларидаги ижобий ўзгаришларни назарда тутадиган “фаолият усули”нигина касбий педагогик мослашиш сифатида талқин қилиш мақсадга мувофиқдир.

Касбий мослашишни ривожлантириш усули сифатидаги фаолият энг аввало маънавий, касбий – ижодий фаолиятни, ўз ичига олади. Мана шу фаолият давомида маданий қадириятлар яратилади.

Касбий фаолият меъёрлари дунёқараш билан боғлиқ кўрсатмаларнинг махсус узатувчиси бўлиши мумкин. Бизнинг фикримизча, касбий фаолият ва унга мослашиш меъёрлари касб – ҳунар фаолияти ва муомала жараёнида дунёқараш тусини касб этиб, одати фаолият меъёрлари ва касбий тафаккур меъёрларининг ўзаро муносабати муаммола орқали шаклланади.

Мутахассис моделига Н.М.Боритко томонидан бирмунча бошқа мазмун киритилган. Мутахассис модели – бу олийтаълим муассасасида мутахассислар тайёрлаш жараёнини тартибга солувчи ўқув режалари, дастурлар ва бошқалар ҳужжатларнинг акс эттирилишидир. Яъни, мутахассиснинг касбий тайёргарлиги модели энг умумий кўриниши ўзида ижтимоий – сиёсий, ташкилий – бошқарув, ахлоқий билимларнинг меҳнат фаолияти учун зарур бўлган хусусиятлар, кўникмаларнинг ҳажми ва тузилмасининг схематик ифодаланишини акс эттиради

Н.Ф.Тализинанинг мулоҳазаларида моделни тузишда қуйидагиларни назарда тутганлар:

- мутахассиснинг функционал шаклланганлиги;
- унинг касб – ҳунар ихтисослиги кенглиги;
- профессиографик тавсифлар;
- яқин ва йироқ истиқболга ушбу фаолиятга берилган эксперт баҳоларни ва башоратлар;

- ўқув фанларининг ҳажми ва нисбатини эътиборга олган ҳолда уларнинг схемалари.

Н.А.Муслимов энг мақбул ўқув режаси буюртмачи сифатида корхоналарнинг мутахассисга қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши керак бўлган талаба модели асосидагина тузилиши мумкин, деб ҳисоблайди. Бошқача нуқтаи назар тарафдорлари ҳам мавжуд. Улар мутахассиснинг модели тушунчасига мутахассиснинг билими, малака ва бошқаларни ҳам киритишади.

Бизнингча, мутахассис тайёрлаш модели бу фақат ўқув режаси, дастури ва бошқа ҳужжатларни кўзда тутувчи изчил концепция эмас, чунки у бўлажак ўқитувчи касб – ҳунар фаолиятининг асосини ташкил этувчи сифатларни очиб беришга хизмат қилади

Мутахассис модели вазиятни яхлит тушуниш, олий таълим муассасаси даражасидан ташқарига чиқиш, ўрганилаётган мутахассислар бизнинг мисолимизда меҳнат таълим ўқитувчилари фаолияти соҳасидаги ўзгаришларни олдиндан айтиш ва бу ўзгаришларни мутахассислар тайёрлаш жараёнида ҳисобга олиш зарурлигини ўз ичига олиш лозим.

Биз модел тузилмасини қабул қилиб олар эканмиз, таҳлил ва тажриба – синовга асосланган тузилмани модел учун онгли равишда ишлаб чиқамиз.

Мутахассис педагог фаолияти моделини яратиш мураккаб ва кўп қиррали вазифа бўлиб, уни ҳал этиш босқичларини Р.С.Немов қуйидагича ажратиб кўрсатади.


- мутахассис моделининг асосий параметрларини дастлаб фаразлар тарзида, сўнгра тадқиқот даражасида ажратиб кўрсатиш.

- моделини лойиҳалаш учун унинг кўрсаткичларини танлаш, конструкциялаш, стандартлаштириш;

- мутахассис моделини яратиш учун методик асосларни ишлаб чиқиш.

Н.Шодиев талабаларни касбга, йўналтириш ишларига тайёрлаш моделини, Н.Саидахмедов эса бўлажак ўқитувчиларни ёшларнинг ижтимоий

фойдали, унумли меҳнатга раҳбарлик қилишга тайёрлаш моделини яратдилар. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Н.Саидахмедовнинг тадқиқотида ўқитувчи фаолияти модели тузилмаси нафақат матн тарзида, балки умумий кўринишдаги схема тарзида ҳам келтириладики, бу ихтиёрий педагогик фаолиятни моделлаштириш имконини беради.



Гуруҳ

Ўқитувчи
шахси

2.1 – расм. Меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий компетентлиги шаклланиш модели

М.Очилов ва Т.Тўлаганов бўлажак ўқитувчи, мутахассиснинг касб тайёргарлиги моделига қуйидагиларни киритади: ўрганилаётган объект – унинг индивидуаллиги; объектнинг тадрижий тавсифи касб ҳунар йўналиши ва тайёргарлиги қарор топиш жараёни муносабати билан биринчи курсдан бошлаб талаба шахсининг ўзгариши; ўрганиладиган яхлит тизим – мутахассислар тайёрлаш тизими; моделнинг аниқ мазмуни – биринчи курсдан бошлаб касб тайёргарлиги жараёнида шахсининг шаклланиши; ривожланиш шароитлари ва ўқитувчининг тажрибасига (малакасига) боғлиқ бўлган шахс шаклланиши жараёнларининг аниқ таклифи; аниқлаш усули – олий таълим муассасаси ўқитувчисининг тажрибасига асосланган сифат, феномен даражаси; асосий восита – ўқув тарбия жараёнининг касбий йўналиши.

2.4. Меҳнат таълими ўқитувчиси касбий компетентлигини шакллантиришда мустақил таълимнинг тутган ўрни

Касбий мустақил билим олиш жараёнини гуманитарлаштириш муҳимлигига ишонч ҳосил қилишнинг шарти, шарт-шароити, шакли, ахборот материали, воситаси, инсонпарварлик асосида амалга оширилиши, унга тайёргарлик. Мустақил билим олиш таълимнинг тизимли таркибий қисми сифатида унинг хусусиятлари кўринишида янада чуқурроқ англанади.

Таълим - тизимлаштирилган билимлар, малака ва кўникмаларини ўзлаштириш жараёни ва натижаси, ҳаётга, меҳнатга, фаолиятга тайёрлашнинг муҳим омилидир.

Таълим ижтимоий-маданий ҳодиса ҳисобланади ва қуйидаги ижтимоий-маданий вазифаларни бажаради:

1. Таълим -бу инсонни фанлар ва маданият дунёсига кириши энг қулай ва интенсив (жадал, иқчил) усулларидан биридир

2. Таълим инсонинг ижтимоийлашиши ва авлодларнинг кетма-кетлиги амалиётидир.

3. Таълим инсоннинг ижтимоий ва маънавий ҳаёти механизми ва оммавий маънавий ишлаб чиқариш соҳаси ҳисобланади.

4. Таълим- инсон фаолияти маданий- ифодаланган намуналарини тарқатиш жараёнидир.

5. Таълим регионал тизимларни ривожланишига ва миллий анъаналарни сақлаб қолишга ёрдам беради.

6. Таълим жамиятнинг асосий маданий қадриятлари ва ривожланиш мақсадлари етқақиладиган ҳаамда тадбиқ этиладиган ижтимоий институт ҳисобланади.

7. Таълим жамият ҳаётида ва алоҳида инсонда маданий ўзгаришлар ва қайта ташкил топишларни фаол теклаштирувчиси сифатида иштирок этади.

Бу ерда қуйидагиларни таъкидлаш зарур: таълим - ўқувчининг маълум давлат таълим даражаларини - ижтимоий боғлиқ мақсадларни акс эттирувчи стандартларга эришишини тасдиқлаш билан амалга ошириладиган шахсинг, жамият, давлат манфаатларида мақсадга мувофиқ таълим ва тарбия жараёнидир.

Ўқитиш жараёнини, шу жумладан мустақил билим олишни муваффақиятли амалга оширишда ахборотлар турли воситалари, айниқса компьютерли ахборотлар хизмат қилади. Ўқитиш

аудиторлик ва мустақил билим олиш билан (мустақил) амалга оширилади.

Педагог олим Тўрақулов.Э мустақил ишларни самарали ташкил этишнинг асосий шартларини қуйидагича бўлишган:

- мустақил ишларнинг илмийлиги, унинг тадқиқий характери;
- мустақил равишда ўз билимларини янада ошириб боришга бўлган эҳтиёжнинг шаклланиши;
- мустақил ишлар вазифаларини индивидуаллаштириш;
- мустақил ишларни ташкил этишга методик раҳбарлик қилиш[16] .

Мустақил таълим — назарий билим ва амалий фаолият кўникмаларини ўзлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган омил сифатида олий педагогик таълим муассасалари талабаларининг меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлаш ижобий яқунланишини таъминлайди.

Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларни педагогик мустақил билим олишга тайёрлашнинг асосий мақсади - уларда ушбу таълимда чуқур англаб етилган қизиқиш, талаб ва маҳоратларини, кўникма ва қобилиятларни педагогик маданиятни такомиллаштиришга йўналтириш омили сифатида шакллантиришдан иборат.

Таълимнинг ҳоқирги замонавий тушунчасини шахснинг турли хил қобилиятларини шакллантириш, уларни амалга ошириш ва маҳсулдорлиги юксак даражаси деб тушуниш керак.

Бугунги кунда ҳар бир таълим олиш вазиятида шахсни ва индивидуалликни ривожлантирувчи ташкил этувчилари ҳамда унинг ўзини ривожлантириши учун шароитлар муҳим бўлиб қолмоқда.

Шундай қилиб, таълим жараёнида мустақил билим олишнинг устунлиги янада ортиб бормоқда. Шиор пайдо бўлади: "Эркин мустақил билим олишга шахсга ҳамма ҳуқуқлар" (таълимнинг инсонпарварлаштирилиши, демократлаштирилиши ва табақалаштирилиши мазмуни ана шундадир).

Демак, талабаларнинг мустақил билим олишлари жараёнида мутахассиснинг шахсини тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш содир бўлади, биринчи навбатда - интеллектуал, интеллектуал-ижодий, фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш, ўқитувчи касбини танлашда ижтимоий бурчи хиссини тарбиялаш, касбий ўзини такомиллаштириш зарурлигини англаб етиши содир бўлади.

Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларнинг мустақил билим олишларини касбий ўзини ривожлантириш учун зарур бўлган мақсадга мувофиқ, мунтазам ўрганиш фаолияти деб ҳисоблаймиз.

Бу ўрганиш, хусусан касбий талаб ва қизиқишларини қониқтириш шаклидир.

Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларнинг мустақил билим олишлари - касбий-педагогик такомиллашиш учун зарур бўлган идрок этиш фаолияти мақсадга мувофиқ, мунтақам жараёндир.

Функционал мазмунда - бу психологик-педагогик билимлар билан боғлиқ идрок этиш фаолияти турларидан биридир. Ниҳоят педагогика ўқув юртлари талабаларининг мустақил билим олишлари - бўлажак ўқитувчи шахсини ҳар томонлама ва тўла ривожлантириш масаласини ҳал этишнинг зарур шартидир.

Меҳнат таълими ўқитувчиларини касбий компетентлиги шаклланишида куйидаги мустақил таълим турлари мавжуд:

1. Маъруза тинглаш ва қайд қилиш.
2. Амалий ишларни бажариш.
3. Машқлар, топшириқлар бажариш.
4. Ўқув адабиётлари билан ишлаш.
5. Назорат ишларига тайёрланиш.
6. Ўз-ўзини билимини назорат қилиш.
7. Техник макет, модель ва намуналар яратиш, технологик карталарни ўқиш, тузишни ўрганиш.

8. Илмий мақолалар тайёрлаш.
9. Анжуманларда қатнашиши ва маъруза тезислар тайёрлаш.
10. Техник моделлаштириш ва лойиҳалаш.
11. Маъруза тайёрлаш.
12. Техник ижодкорлик.
11. Мустақил таълим олишда масофали таълим тизимидан фойдаланиш.
12. Дарс таҳлили.

Назарий жиҳатдан мустақил таълим олишнинг технологик асослари бугунги кунга қадар ҳам тўла ривожланмаган. Шунингдек, бу борада терминологик чалкашликларга тобора кўпроқ йўл қўйилмоқда. Айни вақтда «мустақил таълим олиш», «ўз-ўзини тарбиялаш», «мустақил ўқиш» тушунчаларидан синонимлар сифатида фойдаланилмоқда. Куйида «мустақил ўқиш» тушунчасининг моҳиятини ёритишга ҳаракат қиламиз.

Мустақил билим олишда автономлик - ўқиш мақсадлари, тамойиллари, мазмуни, методи ва воситаларини аниқлаш ҳамда танлаш, уларни қийналмасдан ва ташқи таъсир ёрдамисиз амалга ошириш қобилиятидир.

Мустақиллик – шахснинг алоҳида хусусияти, лаёқати, фаоллиги диққатини жамлаш қобилияти, қўйилган мақсадга эришиш йўлида бор кучини сарф этиш каби сифатлари бирлиги.

Мустақиллик ҳолати намоён бўлган, бироқ автономлик хусусияти кўзга ташланмаса бу ҳол мустақил билим олишни эмас, балки муаммоли ўқитишнинг мавжудлигидан далолат беради. Демак, автономлик – мустақил билим олишдан фарқ қилувчи, моҳиятли белги ҳисобланади. У ўқув ва касбий фаолият мустақиллигини белгилайди. Бу сифатлар ўқув-педагогик топшириқларнинг турли вариантларини тушунишда ва мавжуд ҳолатни танқидий баҳолашда намоён бўлади. Мустақил билим олишнинг муваффақиятли ривожланиши кўп жиҳатдан ўз-ўзини бошқариш қобилиятининг ривожланиши билан боғлиқ. Мустақил билим олишда

дидактика тамойиллари ҳамда назария ва педагогик технологиялар асосий ролни ўйнайди.

Мустақил билим олиш сабабларининг ривожланиши субъектни фаолига ундайди ва шу билан бирга унинг олдига - мустақил билим олиш қандай бўлиши керак деган саволни қўяди. Мустақил ўқиш педагогик технологияга нисбатан жиддий талабларни қўяди. Ўқитувчи ва талаба ҳамкорлигидаги фаолиятнинг якуни олдиндан аниқ бўлган ўқитиш жараёнидан фарқли равишда мустақил билим олишда субъект аниқ бўлмаган ва олдиндан режалаштирилмаган натижани қайд этиши керак, яъни билим, малака ва кўникмаларнинг аниқ ҳажмини ўзлаштириши керак.

Мустақил билим олиш технологияси ва мустақил билим олиш сабаблари бир-бири билан боғлиқдир: аниқ натижага эриша олишига ишонмаслик талабани мустақил билим олишдан ҳар қандай бошқа сабаблардан кўра кўпроқ кўнглини совутади. Мустақил билим олиш технологиясини яратиш бир неча алоҳида муаммоларни ҳал этишни кўзда тутаяди. Улар орасида мунтазам билим олишнинг мақсадини қўйиш муаммоси алоҳида ажралиб туради. Агарда таълим олиш умумий ривожланишни таъминлашга хизмат қилса, мустақил билим олишнинг мақсади эса – касбий шаклланиш ёки касбий малакасини ривожлантириш, ўстириш ҳисобланади.

Агар талабага қўтилмаганда юқори даражадаги мустақилликни намоён этган ҳолда топшириқларни бажариш талаб этилса, у ҳолда талаба топшириқларни бажара олмаслиги мумкин, натижада ўз кучига бўлган ишончни йўқотади. Бундай ҳолат содир бўлмаслиги учун дастлаб топшириқларни шу таҳлитда бериш керакки, натижада субъект топшириқнинг бирор қисминигина мустақил бажарсин, сўнгра ўқитувчи билан биргаликда натижаларининг тўғрилигини таҳлил қилиб чиқсин.

Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларнинг касбий-педагогик мустақил билим олишларига қўйидагилар сифатида қаралади: касбий ўзини ҳаракатлантириш фаол шакли, унинг натижасида фақатгина касбий мустақил

билим олиш бўлмаган англаб етилган талаб юзага келади; ўқитувчининг шахсини ижодий тарбиялаш жараёни сифатида.

Мустақил тафаккурни шакллантириш жараёни мустақил таълимнинг асосий қисми ҳисобланади. Мустақил тафаккурга оид муаммолар билан кўпгина психолог олимлар Н.А.Менчинский, Н.Ф.Талызина, М.А.Кабанова – Миллер ва бошқалар тадқиқот олиб борганлар.

Ўрганилаётган муаммонинг назарияси қуйидагиларни талаб этади:

- мустақил билим олиш, ўзини тарбиялаш, ўзини такомиллаштириш каби ва бошқа "ўзини"-категорияларининг моҳиятларини кўриб чиқиш; сабаблилик, асослаш, ўқув қизиқиши. Ўрганишга қизиқиш; идрок этиш-мустақиллиги. Фаоллиги, фаолияти; шахсининг ривожланиши жараёнини назарий тушуниб етиш; кўрсатиб ўтилган категориал тушунчаларни ўрганилаётган муаммога нисбатан кўрсаткичлари ва ўлчовларини ишлаб чиқиш: бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларни мустақил билим олишга қизиқиш, талаб, малака, кўникма ва қобилиятларини шакллантириш - ривожлантириш такомиллаштириш омиллари. Йўллари, шартлари ва рағбатларини аниқлаш.

- бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларни мустақил билим олишга тайёрлаш бўйича педагогик ўқув юртлари умумқасбий фанлари ўқитувчиларига талабларни ишлаб чиқиш.

- бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларда педагогик мустақил билим олишга қизиқиш, талаб ва қобилиятни - педагогик маданиятни такомиллаштиришга чорловчи омил сифатида шакллантиришдан иборат.

Муаммони ҳал этиш педагогик жиҳати - талабалари бўлажак ўқитувчи бакалаврлардан педагогик такомиллаштиришни, касбий ўқитишни чуқурлаштиришни, педагогик малакасини оширишни талаб қилади, бўлажак ўқитувчи бакалаврларни педагогик такомиллаштириш (касбий-ўрганиш қизиқишлари талаблари, амалий тайёргарлиги ва педагогик тажрибаси асосида).

Мустақил иш бўйича тест саволлари, топшириқлар ва машқлар устида ишлаш асосан мустақил бажарилади. Бу иш натижалари эса аудиторияда (амалий ва лаборатория) машғулотларида ўқитувчи раҳбарлигида таҳлил қилинади ва баҳоланади.

Мустақил билим олиш технологияси ва мустақил билим олиш сабаблари бир-бири билан боғлиқдир: аниқ натижага эриша олишига ишонмаслик талабани мустақил билим олишдан ҳар қандай бошқа сабаблардан кўра кўпроқ кўнглини совутади. Мустақил билим олиш технологиясини яратиш бир неча алоҳида муаммоларни ҳал этишни кўзда тутаяди. Улар орасида мунтазам билим олишнинг мақсадини қўйиш муаммоси алоҳида ажралиб туради. Агарда таълим олиш умумий ривожланишни таъминлашга хизмат қилса, мустақил билим олишнинг мақсади эса - касбий шаклланиш ёки касбий малакасини ривожлантириш, ўстариш ҳисобланади.

Агар талабага кутилмаганда юқори даражадаги мустақилликни намоён этган ҳолда топшириқларни бажариш талаб этилса, у ҳолда талаба топшириқларни бажара олмаслиги мумкин, натижада ўз кучига бўлган ишончни йўқотади. Бундай ҳолат содир бўлмаслиги учун дастлаб топшириқларни шу таҳдидда бериш керакки, натижада субъект топшириқнинг бирор қисминигина мустақил бажарсин, сўнгра ўқитувчи билан биргаликда натижаларининг тўғрилигини таҳлил қилиб чиқсин.

Топшириқларни бажариш жараёнида талабаларда сабабий- ташкилий (ўқув фаолиятини мустақил ташкил этишнинг қадриятли йўналишлари, билим, малака ва кўникмалари), мазмунли-процессуал (ўқув фаолиятининг моҳиятини билиш ва бу фаолият муваффақиятли бўлишини белгаловчи шахсий сифатларни ривожлантириш) ва текшириш-баҳолаш (мустақил билим олишда зарур саналган шахс сифатларни ўзи баҳолаш) каби кўникмаларнинг шаклланиши мустақил билим олиш жараёнида мажмуавий равишда шаклланиб боради.

Мустақил ўқишни таҳлил қилиш (бу мустақил билим олиш эмас) юқорида кўрсатилган таркибий қисмларнинг талаба томонидан тартибсиз, турлича ўзлаштирилишини кўрсатади. Улардан баъзилари (масалан, текшириш-баҳолаш) таълим муассасаларида деярли шакллантирилмайди.

Мустақил билим олишга тайёргарликнинг ташкилий асослари педагогик-психологик, техник - технологик тушунчалар ҳисобланади. Педагогик-психологик ва техник-технологик тушунча (категория)лар сабабий ва текшириш-баҳолаш таркибий қисмларининг ривожланишига фаол таъсир кўрсатадилар. Демак, мустақил билим олишга тайерлаш жараёнида талабаларда назарий (тушунчали) фикрлаш қобилиятини ривожлантириш зарур.

Бундай тайёргарликни амалга ошириш бу барча муҳим боғлиқликлар би-лан тушунчалар кўринишида акс эттирилган педагогик ва техник-технологик ришга ўргатаб бориш, яъни, маълум интеллектуал ҳаракатни амалга ошириш демакдир.

Таълим жараёнининг умумий моҳиятини ёритишда педагогик адабиётлар-да "ўқув топшириғи" тушунчаси билан бирга "масала" тушунчаси кенг берил-ган. Аксарият ҳолатларда масалани ҳал этиш мавжуд муаммонинг оғзаки ифодаси сифатида эътироф этилади. Масалада жавоби топилиши зарур бўлган шарт ва унга асосланган муаммоли савол берилади.

Юқорида ўқув масаласини мустақил билим олишнинг ташкилий шакли сифатида белгиладик. Шунга асосланиб, ўқув-педагогик масалалар тизимига кўйилувчи талабларни ифода этамиз.

Ўқув-педагогик масалалар тўплами бу маълум яхлитлик бўлиб, ўқитувчи фаолияти асосида ҳал этилувчи асосий вазифаларни акс эттиради.

Ўқув педагогик масалаларни еча билиш малакали шахснинг умумий ҳолати билан ифодаланувчи, унинг онги, фикрлаш усули, касбий нуқтаи назари ва йўналишини кўрсатувчи умумкасбий малакадир. Шахснинг йўналганлиги аниқ воқелик сабабий-қадриятли муносабат мазмунида намоён

бўлади. Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқдарни ҳал этиш асосида талаба бўлажак касбий фаолият муаммоларини ҳал этиш усулларини эгаллайди.

Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар дидактикада мустақил таълим даражасини оширувчи бошқарув, рағбатлантириш, ташкил эташ ва назорат воситалари сифатида қаралади.

Талабанинг ўқув фаолиятига нисбатан ўқитувчи томонидан муайян талаб-ларнинг қўйилиши уларнинг мазмунини бойитади. Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқдарни берилиш шакли эса олдин ўзлаштирилган намуна бўйича хулосалар чиқаришни кўзда тутувчи бошқарув топшириқлари ва масалаларининг бажарилиши саналади.

Талабалар маърузани тўлиқ ва батафсил ёзишлари шарт эмас. Ўз навбатида, кўпчилик ўқитувчилар ўқув адабиётларида берилгандан фарқ қилувчи асосий ҳолатлар, хулоса, меъёрлар ҳамда мезонлар, технологик жараёнлар, техник объектлар, амалий иш бажариш йўриқномалари, аксиома, коида, концепция, ҳолат ва ҳоказоларни ёздириб боришади.

Кириш маърузаларини тинглаш даврида дафтардаги атайин бўш қолдирилган жой-ҳошияларни уларда қизиқиш уйғотган саволлар, технологик жараёнлар ва техник объектларни, савол-жавоб вариантларини ёзиб олиш, ўйлаётган фикрларни изоҳ этиш, ўқитувчи-талабалар ўртасида суҳбат ҳамда диалоглар, мулоҳазалар «минбарига» айлантириш керак.

Талабалар маъруза тинглашдан олдин унга тайёргарлик кўришлари лозим. Бунда умумий ўқув режа билан танишиб, олдинги дарслардаги маъруза қайдларини кўздан кечириш, манбаларни фикран такрорлаш учун ўзларини психологик тайёрлашлари керак бўлади.

Маъруза тинглаш – интеллектуал фаолиятнинг мураккаб туридир. Унинг муваффақияти биринчидан, умумий «тинглай олиш» билан, иккинчидан, дафтарга ёзиб бориш билан бир вақтда материални ўзлаштириб бориш билан боғлиқдир. Маърузани ёзиб олиш – ундаги асосий жиҳатларга

этибор қаратишга, маъруза жараёнида эшитилган маълумотларни ўйлаб кўришга, ўқитувчи томонидан изоҳланаётган материал кетма-кетлигини мантиқий нуқтаи-назардан тушунишга ёрдам беради.

Бундай усул, айниқса, ўқув йили бошларида талабаларга бироз қийинлик қилиши ва шу сабабли қуйидаги хатоликларга йўл қўйишлари мумкин: баъзи талабалар маърузани сўзма-сўз ёзиб олишга ҳаракат қилади, баъзилари дуч келган жойдан ёзиб кетаверади ва ҳоказо. Бундай хатоларга йўл қўймаслик учун қуйидаги бир неча қоидалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

1) мавзу, мақсад, маъруза режаси, фойдаланилган адабиётлар берилгандан кейин уларнинг қандай изоҳ этилиши, кетма-кетлиги, қандай ифода этилиши, мулоҳазаларнинг мазмун моҳиятини назардан қочирмаслик керак.

2) асосий маълумотларни, мустақил кўриб чиқиш учун ўқитувчи томонидан берилган саволларни ёзиб олиш керак.

3) ёзувларнинг аниқ бўлишига уларнинг кетма-кетлигига, мавзу, параграф саволларини ажратиб ёзишга ҳаракат қилиш керак. (Унда тагига чизиш усулидан, белгилаш, яъни ҳарфлар ва рақамлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир).

Мустақил ўрганишда маърузани умумлаштирувчи турли хилдаги вазифаларни бажариш асосий ўринни эгаллайди. Масалан: мавзуга доир режа ёки тезис тузиш, технологик жараёнларни лойиҳалаш, техник объектларни танлаш, саволларга жавоб бериш, тестлар ишлаб чиқиш, реферат ёзиш мумкин ва шу кабилар.

2а – шакл - Амалий ва лаборатория ишларини бажариш; Амалий машғулотлар талабада техник билимни мустаҳкамлашга, уларни янги вазиятга кўчириб, амалий масала ҳамда вазиятларни ҳал қилиш учун умум-педагогик тушунчалар ва асосий педагогик малакаларни ривожлантиришга қаратилган.

Амалий машғулотларни ўтказишда қуйидаги методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

- технологик топшириқларни бажариш;
- педагогик-технологик вазиятлар ишлаб чиқиш;
- умумлаштирувчи техник-схемаларни моделлаштириш;
- керакли маълумотларни топиш;
- мустақил (қўшимча) билим олиш.

Лаборатория машғулотларининг асосий тавсифи шундаки, унда талабалар мустақил равишда вазифа бажарадилар ёки тажриба ўтказадилар.

III БОБ. ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИНГ ҚЎЙИЛИШИ ВА УЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ

3.1. Тажриба-синов ишларининг қўйилиши

Тадқиқотимизнинг тажриба-синов ишлари мақсади бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларини педагогик амалиёт жараёнида касбий компетентлигини шакллантиришнинг мазмуни асослаш ва амалий тажрибада синаб кўришдан иборат этиб белгиланган.

Тадқиқотимизнинг мақсади ва вазифаларига таяниб тажриба-синов ишларини ташкил этиш методикасини ва талабаларнинг педагогик амалиёт давомида билим, кыникма ва малакаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқдик.

Тадқиқотимизнинг ўтказишда тажриба-синов мақсади натижалари қуйидаги вазифаларининг ҳал этилиши ҳисобига таъминланди:

1. Меҳнат таълими туркум фанларини ўқитиш жараёнида меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигини шакллантириш хусусида назарий маълумотлар бериш.

2. Олий педагогик таълим муассасаларида меҳнат таълими ўқитувчилари касбий компетентлигини шакллантиришда педагогик

амалиётни ташкиллаштириш шарт-шароитларини ва йўлларини ишлаб чиқиш ва амалда синаб кўриш;

4. Олий педагогик таълим муассасаларида “Меҳнат таълими” дарс жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш жараёнини такомиллаштириш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

5. Олий педагогик таълим муассасаларида педагогик амалиётни ташкиллаштиришда бўлажак меҳнат таълим ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш, педагогик технологияларни қўллаш орқали талабаларни баҳолаш.

6. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларини касбий компетентлигини шакллантирувчи омиллар ҳамда унинг мазмун–моҳияти борасидаги асосий тушунчаларнинг амалий намоён бўлиш ҳолатларини таҳлил қилиш.

Тажриба-синов майдонларига қўйилган талаблар, талабалар шахснинг шаклланишига доир комплекс йўлланмасини белгилаб бериш, касбий фаолиятида мустақил ўз ўрнини топиб олишни таъминлаб берадиган ўқув дастурлари, қўлланмаларини яратишга хизмат қилиши керак.

Тадқиқот ишларимизда ТДПУ ҳамда ЖДПИ меҳнат таълим йўналиши талабаларнинг касбий компетентлигининг шаклланиши жараёни назарий асосларига таянган ҳолда тажриба-синов ишлари талабаларнинг педагогик амалиёт жараёнида ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадқиқот ишимиз олий педагогик таълим муассасаларида меҳнат таълими ўқитувчилари касбий компетентлигини шакллантириш масалаларини атрофлича таҳлил қилиш, синаб кўриш, илмий фаразлар тасдиғини топиш, муаммоли ва такомиллаштиришга муҳтож соҳаларда янги воситалар, имкониятлар излаш, топиш ва жорий этиш учун илмий хулосалар чиқаришга қаратилган эди.

3.2. Тажриба-синов ишларини натижалари ва уларнинг таҳлили

Меҳнат таълими ўқитувчиснинг касбий компетентлиги шаклланиш даражасини, талабаларнинг педагогик амалиётга чиқиш олдидан ва амалиётдан келиш олдидан ўтказилган, сўровлар, тест–анкета сўровлари, муаммоли топшириқлар орқали аниқланди.

Меҳнат таълими ўқитувчиси касбий компетентлиги шаклланиш жараёни, белгиланган малакавий даражани бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиси томонидан эгалланишига қаратилади.

Меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий компетентлиги шаклланиш натижаси сифатида бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисининг олий таълим муассасасида касбий педагогик тайёргарлигининг яқунлари бўйича эришилган, унинг касбий ва шахсий ривожланишининг маълум даражасида акс этади.

Меҳнат таълими ўқитувчининг касбий компетентлиги шаклланиш жараёнини ташкил этиш унинг касбий ва шахсий ривожланиши ижтимоий, педагогик ҳамда илмий-техник тараққиёти талаблари, мақсад, эҳтиёж, қоида, давлат таълим стандартига мос келишини таъминлаши керак.

Тадқиқотчи Б.Назарованинг ишларида “Олий ўқув юртида педагогика коллежи бўлажак ўқитувчиларининг касбий лаёқатлилигини шаклланишида қуйидаги психологик–педагогик шароитларнинг яратилиши ёрдам беради демакдир”[87], ушбу фикрларига асосан меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантиришининг психологик–педагогик шарт-шароитларини асосладик.

Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантиришда қуйидаги психологик-педагогик шарт-шароитларнинг яратилиши асос сифатида олинади:

- бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисида машғулот, мавзу, бўлим мақсадини қўйиш, мақсадларини табақалаштириш ва интеграциялаш, мазмуннинг дидактик элементларини, уларнинг турлари ва белгиларини


ажратиши, ўқувчиларнинг фаолиятини мақсадини унга мос амалиётда ўтказиш ўқувчиларини ишлаб чиқиш;


- ўқув фанини ўрганишда тизимли мазмуний таъминот. У бўлажак ўқитувчида ўқув материални танлаш ва композициялашни амалга ошириш, уни табақалаштириш ва интеграциялаш, мазмуннинг дидактик элементларини. Уларнинг турлари ва белгиларини ажратиш, мазмунни ва унинг фрагментларини ўқитиш мақсадлари билан мувофиқлаштириш мазмунни моделлаштириш, талқин қилиш ва тизимлаштиришни назарда тутади.

- ўқув жараёнининг мослашувчан ташкилий методик таъминоти. У бўлажак ўқитувчида қўйилган мақсадларга, ўрганилаётган мазмунга, ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларига мос ўқитиш методлари мажмуни танлашни амалга ошириш, тегишли ўқув вазиятли ва ўқув топшириқларни шакллантириш ўқувчиларни таъминлайди;

- ўқув курсини ўрганишда конструктив операционал–фаолиятли йўналганлик. У бўлажак ўқитувчида унинг ижодий қобилиятлари, муаллифлик ниятлари, рефлексиясини ривожлантириш, ўқув жараёнининг вазифавий структураси имкониятлари, ўқитувчилар ва талабаларнинг диалогик ўзаро таъсирини ҳисобга олиб, лойиҳалаш ва конструктив ўқувларини тарбиялаш учун шароитлар яратилади;

- ўқув фанининг ўрганишда мотивацияли аҳамиятли йўналиш. У ўқув фани лойиҳасини ишлаб чиқишга турғун қизиқиш ва мотивацияни ривожлантириш, ишлаб чиқилган лойиҳаларни педагогика коллежининг таълими жараёнида амалиётда рўёбга чиқариш имкониятларини бериш асосида юзага келади.





3.1-расм. Меҳнат таълими ўқитувчиси касбий компетентлигини шакллантиришга йўналтирилган ўқитиш технологияси

Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчилари касбий компетентлиги шакланганлик даражасини аниқлаш учун, педагогик амалиётга чиқиш олдидан ва педагогик амалиётдан тест, сўровномалар ва муаммоли вазиятли топшириқлар методларидан фойдаланилди.

Педагогик амалиётда оғзаки методлар (оғзаки баён, тушунтириш, суҳбат), китоб билан ишлаш (инструктив материаллар), кўрғазмали метод

(кўргазмалар, видеофильм, кузатув), амалий метод (машқлар, лаборатория-амалий ишлар), тест-синов методларидан кенг фойдаланилади.

Тажриба–синов ишлари 2010–2011йил ўқув йилида амалга оширилиб, унда 90 нафар талаба жалб этилди. Тадқиқотнинг асосий тажриба–синов ишлари ТДПУ ва ЖДПИ меҳнат таълими йўналиши талабалари педагогик амалиётини тайёрлаш ва ўтказиш жараёнида амалга оширилди.

Тажриба–синов ишларининг самарадорлигини аниқлаш мақсадида, танланган гуруҳлар тенг асосда тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди. Тажриба гуруҳида, тадқиқот ишларимизда тавсия этилаётган ҳамда бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий шаклланишини таъминлашга ёрдам берувчи методика асосида амалий фаолият йўлга қўйилган бўлса, назорат гуруҳларида эса анъанавий тартибда ўқув-тарбия ишлари олиб борилди.

Тажриба – синов ишлари жараёнида, тажриба гуруҳи, бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигининг шаклланганлиги таълим, тарбия маҳорати ва фаолият турларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- ўқитишнинг асосий мақсадини ифода этиб бера олиш;
- ўқув фаолиятини талаблар даражасида ташкиллаштира олиш;
- фаолиятнинг дастурини тузиш;
- қарор қабул қила олиш;
- педагогик амалиёт давомида белгиланган вазифаларни бажара олиш;
- педагогик амалиёт ўқув масаласини тушунишда ва фаолиятида қўллай олиш;
- амалиёт жараёнида фанни янги ахборот технологиялари асосида тузиш;
- ўқувчиларни тушуна олиш;

- ўқувчиларнинг фанга оид билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришига эришиш;
- педагогик маҳорати;
- таълимнинг замонавий усулларини ва илғор педагогик технологияларни амалиёт давомида қўллаш олиши;
- тарбиялай олиш маҳорати;
- билимларни ҳолисона баҳолаш ва назорат қила олиш маҳорати;
- меҳнат таълимига бўлган эҳтиёжни қондира олиш маҳорати.
- ўзини – ўзи анализ қилиш зарурлигини тушуниш;
- ўзини–ўзи ривожлантиришни (мақсад, кўникма ва малакалар, муаммони ечиш йўлларини) режалаштириш;
- амалиёт давомида ўзини кўрсатиш, назорат ва анализ эта олиш;
- фан ўқитувчиларининг касбий фаолиятини кузатиш;
- амалий ва назарий машғулотларни ташкиллаштира олиш;
- машқлар ва топшириқларни бажарилишини назорат қилиш;
- ўз-ўзини билимини назорат қилиб бориши;
- ўқувчиларга техник макет, модель ва намуналар яратиш, технологик карталарни ўқиш, тузишни ўргата олишида;
- ўқувчиларни мустақил ишларни бажаришга тайёрлаш.

Ушбу касбий компетентлигига боғлиқ бўлган тушунчаларни таркиб топганлигини аниқлашга қаратилган анкета–сўровномаси ишлаб чиқилди (1 - илова) ва унинг натижалари 3.1–жадвалда келтирилган.

Ушбу саволнома тажриба–синов ишлари аввали ва сўнгида талабалар эътиборига ҳавола этилди. Тажриба синов ишлари аввали ва якунида тажриба ва назорат гуруҳи талабалари томонидан қайд этилган кўрсаткичлар таққосланди ҳамда математик–статистик метод ёрдамида қайта ишланди. Мазкур ҳолат бевосита биз томонимиздан ишлаб чиқилган ва тажриба–синов ишлари жараёнида амалиётда синовдан ўтказилган методиканинг самарадорлигини ҳам кўрсатишга хизмат қилди.

Олий педагогик таълим тизимида бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигини шаклланганлик даражасини математик–статистик таҳлил қилишда касбий компетентликни шакллантириш бўйича иккитадан машғулот ташкил этилди (1–2 илова). Уларнинг натижалари шу гуруҳда ўтказилган одатдаги назорат иши натижаси билан ўзаро таққосланди.

Талабалар билимини баҳолашда касбий компетентлик тушунчалари шаклланишини кўрсатиш мақсадида тажриба ва назорат гуруҳларида ўтказилган назорат ишлари натижаларини ҳисоблашда қулай бўлиши учун 100 баллик рейтинг тизимидан “5” баллик тизимга ўтказиш лозим. Бу жадвалда келтирилган (3.2-жадвал).

Ушбу жадвалдан ДТС да келтирилган қуйидаги даражалар бўйича баҳога айлантириб олинди:

III даража – репродуктив даража бўлиб, ДТСида белгилаб берилган билимларни ўзлаштиришнинг минимал даражасига мувофиқ келади ва қуйи –“3” билан баҳоланади.

II даража – репродуктив даражада қўлланиладиган ДТСидаги билимлар даражаси бўлиб, бу даражада эгаллаган билимлар “ўрта” – “4” билан баҳоланади.

I даража – билимларни ижодий қўллаш даражаси бўлиб, ДТСида белгилаб берилган билимларни ўзлаштиришнинг имконият талабларига мувофиқ келади ва “юқори” – “5” билан баҳоланади.

1. Рейтинг кўрсаткичи – 100 – 86% - “5”.
2. Рейтинг кўрсаткичи – 85,9 – 71% - “4”.
3. Рейтинг кўрсаткичи – 70,9 - 56% - “3”.
4. Рейтинг кўрсаткичи – 55 – 0% - “2” (аттестация қилинмайди).

Тажриба–синов ишлари жараёнида 90 нафар талабадан олинган саволнома, тест ва бошқа ишлар таҳлил этилиб, математик–статистика

риба сўнгида	1	2	2	4	6	5	3	1	1	0
-----------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Тажриба–синов ишларида танланган 2 та гуруҳ (50 нафар талаба) талабаларининг касбий компететлиги шаклланганлик даражаси аниқланди.

Юқоридаги 3.2 – жадвалга асосан 3.3 – жадвални ҳосил қиламиз.

3.3 – жадвал

3.2. жадвалга асосан олинган танланма

1 – танланма Тажриба гуруҳи					2 – танланма Назорат гуруҳи						
X_j		2	3	4	5	Y_j		2	3	4	5
i =50	Тажриб адан олдин	3	12	7	3	j	Тажриб адан олдин	2	11	11	1
	Тажриб адан сўнг	0	5	12	8		Тажриб адан сўнг	1	8	14	2

Жадвалдан кўринадики X ва Y нинг қийматларини қуйидаги формула асосида ҳисоблаймиз. Дастлаб тажрибадан олдинги тажриба ва назорат гуруҳлар учун ҳисоблайимз.

Бу ерда:

X – Тажриба гуруҳидаги талабалар сони

Y – Назорат гуруҳидаги талабалар сони

n - талабалар умумий сони

Қуйидаги формула асосида:

$$X_{t.o} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n n_i x_i = \frac{2 \cdot 3 + 3 \cdot 12 + 4 \cdot 7 + 5 \cdot 3}{25} = \frac{85}{25} = 3,40$$

$$X_{t.s} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n n_i x_i = \frac{2 \cdot 0 + 3 \cdot 5 + 4 \cdot 12 + 5 \cdot 8}{25} = \frac{103}{25} = 4,12$$

$$Y_{t.o} = \frac{1}{n} \sum_{j=1}^n n_j y_j = \frac{2 \cdot 2 + 3 \cdot 11 + 4 \cdot 11 + 5 \cdot 1}{25} = \frac{71}{25} = 2,84$$

$$Y_{t.s} = \frac{1}{n} \sum_{j=1}^n n_j y_j = \frac{2 \cdot 1 + 3 \cdot 8 + 4 \cdot 14 + 5 \cdot 2}{25} = \frac{92}{25} = 3,68$$

Самарадорлик коэффициенти $\eta_s = \frac{X_{t.s}}{Y_{t.s}} = \frac{4,12}{3,68} \approx 1,12$

Самарадорлик коэффициентни тажриба бошидаги натижа билан солиштирсак $\eta_t = \frac{X_{t.s}}{X_{t.o}} = \frac{4,12}{3,4} \approx 1,2$

Бундан тажриба гуруҳида самарадорлик 20% га ошганлигини кўриш мумкин.

Демак, тажриба гуруҳининг тажрибадан олдинги $X_{t.o}$ ва тажрибадан кейинги $X_{t.s}$ дан катта $X_{t.o} < X_{t.s}$, назорат гуруҳидан олинган натижалар $Y_{t.o} < Y_{t.s}$, натижаларни солиштирсак $X > Y$ тажриба гуруҳининг ўртача ўзлаштириши, назорат гуруҳининг ўртача ўзлаштиришидан катта экан.

Тажриба ва назорат гуруҳларининг тажрибадан кейинги олинган икки гуруҳ учун тарқоқлик коэффициентларини ҳисоблаймиз, бунинг учун танланмаларнинг S дисперсия (ўртача квадратик оғиш катталиқ)ларини ҳисоблаймиз:

$$S_x = \left(\sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n n_i (x_i - \bar{x})^2}{n-1}} \right) = \sqrt{\frac{0(-4,1)^2 + 5(-4,1)^2 + 12(-4,1)^2 + 8(-4,1)^2}{24}} =$$

$$= \sqrt{\frac{0 + 6,05 + 0,12 + 6,48}{24}} = \sqrt{\frac{12,65}{24}} = \sqrt{0,52} \approx 0,72$$

$$S_y = \left(\sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n n_i (y_i - \bar{y})^2}{n-1}} \right) = \sqrt{\frac{0(-3,7)^2 + 8(-3,7)^2 + 14(-3,7)^2 + 2(-3,7)^2}{24}} =$$

$$= \sqrt{\frac{2,89 + 3,92 + 1,26 + 3,38}{24}} = \sqrt{\frac{11,45}{24}} = \sqrt{0,47} \approx 0,69$$

Олинган натижалар асосида иккита гуруҳнинг вариация (ўртача қийматлари) кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

$$V_x = \frac{S_x}{\sqrt{t} X_{t,s}} \cdot 100\% = \frac{0,72}{5 \cdot 4,12} \cdot 100\% = \frac{72}{20,6} \approx 3,5\%$$

$$V_y = \frac{S_y}{\sqrt{n} Y_{t,s}} \cdot 100\% = \frac{0,69}{5 \cdot 3,68} \cdot 100\% = \frac{69}{18,4} \approx 3,4\%$$

$V_x > V_y$ эканлиги тажриба гуруҳининг билимини баҳолашда назорат гуруҳига қараганда тўғри йўлга қўйилганлиги, яъни ўртача баҳо талабалар билимини тўғри аниқланганлигидан далолат беради.

ТДПУ меҳнат таълими йўналишидан танланган 401-402 гуруҳ талабаларида ўтказилган тажриба–синов ишлари натижаларида кузатув ва назорат гуруҳларига бўлинишди, бунда қатнашган 401–гуруҳ кузатув, 402 – гуруҳ назорат гуруҳларига бўлинишди жами тажрибада 40 нафар талаба қатнашди.

3.4-жадвал

ТДПУ меҳнат таълими йўналиши талабаларидан танланган гуруҳларда ўтказилган тажриба–синов ишлари

Баҳо	“	“3”	“4”	“5”
------	---	-----	-----	-----

		2''									
Баллар		5 1-54	5 5 -60	6 1-65	6 6-70	7 1-75	7 6-80	8 1-85	8 6-90	9 1-95	9 6-100
г	Таж риба бошида	3	3	4	2	2	3	1	1	1	0
	Таж риба сўнгида	0	1	1	2	2	4	2	4	3	1
г	Таж риба бошида	2	4	3	3	3	2	2	1	0	0
	Таж риба сўнгида	1	2	2	3	5	3	2	1	1	0

ТДПУ меҳнат таълими йўналишида тажриба–синов ишларига танланган 2 та гуруҳ (40 нафар) талабаларининг касбий компететлиги шаклланганлик даражаси аниқланди.

Юоридаги 3.4–жадвалга асосан 3.5–жадвални оламиз.

3.5–жадвал

3.4. жадвалга асосан олинган танланма

1 - танланма Тажриба гуруҳи	2 - танланма Назорат гуруҳи
--------------------------------	--------------------------------

X _j		2	3	4	5	Y _j		2	3	4	5
i	Тажриб адан олдин	3	9	6	2	j	Тажриб адан олдин	2	10	7	1
	Тажриб адан сўнг	0	4	8	8		Тажриб адан сўнг	1	7	10	2

Жадвалдан кўринадики X ва Y нинг қийматларини қуйидаги формула асосида ҳисоблаймиз. Дастлаб тажрибадан олдинги тажриба ва назорат гуруҳлар учун ҳисоблайимз.

$$X_{t.o} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n n_i x_i = \frac{2 \cdot 3 + 3 \cdot 9 + 4 \cdot 6 + 5 \cdot 2}{20} = \frac{67}{20} = 3,35$$

$$X_{t.s} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n n_i x_i = \frac{2 \cdot 0 + 3 \cdot 4 + 4 \cdot 8 + 5 \cdot 8}{20} = \frac{84}{20} = 4,2$$

$$Y_{t.o} = \frac{1}{n} \sum_{j=1}^n n_j y_j = \frac{2 \cdot 2 + 3 \cdot 10 + 4 \cdot 7 + 5 \cdot 1}{20} = \frac{67}{20} = 3,35$$

$$Y_{t.s} = \frac{1}{n} \sum_{j=1}^n n_j y_j = \frac{2 \cdot 1 + 3 \cdot 7 + 4 \cdot 10 + 5 \cdot 2}{20} = \frac{73}{20} = 3,65$$

$$\text{Самарадорлик коэффиценти } \eta_6 = \frac{X_{t.s}}{Y_{t.s}} = \frac{4,2}{3,65} = 1,15$$

Самарадорлик коэффициентни тажриба бошидаги натижа билан солиштирсак $\eta_n = \frac{X_{t.s}}{X_{t.o}} = \frac{4,2}{3,35} \approx 1,25$ яъни 25% га ошганлигини кўрсатади.

Олдинги тажрибамиздагидек тажриба гуруҳидан олинган натижалар $X_{t.o} < X_{t.s}$, назорат гуруҳидан олинган натижалар $Y_{t.o} < Y_{t.s}$, натижаларни солиштирсак $X > Y$ тажриба гуруҳининг ўртача ўзлаштириши, назорат гуруҳининг ўртача ўзлаштиришидан катта экан.

Тажриба ва назорат гуруҳларининг тажрибадан кейинги олинган икки гуруҳ учун тарқоқлик коэффициентларини ҳисоблаймиз, бунинг учун танланмаларнинг S дисперсия (ўртача квадратик оғиш катталиқ)лари ҳисоблаймиз.

$$S_x = \left(\sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n n_i (x_i - \bar{x})^2}{n-1}} \right) = \sqrt{\frac{0(-4,2)^2 + 4(-4,2)^2 + 8(-4,2)^2 + 8(-4,2)^2}{19}} =$$

$$= \sqrt{\frac{0 + 5,76 + 0,32 + 5,12}{19}} = \sqrt{\frac{11,2}{19}} = \sqrt{0,58} \approx 0,76$$

$$S_y = \left(\sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n n_i (y_i - \bar{y})^2}{n-1}} \right) = \sqrt{\frac{(-3,6)^2 + 7(-3,6)^2 + 10(-3,6)^2 + 2(-3,6)^2}{19}} =$$

$$= \sqrt{\frac{2,56 + 2,52 + 1,6 + 3,92}{19}} = \sqrt{\frac{10,6}{19}} = \sqrt{0,56} \approx 0,74$$

Олинган натижалар асосида иккита гуруҳунинг вариация (ўртача кийматлари) кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

$$V_x = \frac{S_x}{\sqrt{t} X_{t.s}} \cdot 100\% = \frac{0,76}{4,5 \cdot 4,2} \cdot 100\% = \frac{76}{18,9} \approx 4,2\%$$

$$V_y = \frac{S_y}{\sqrt{n} Y_{t.s}} \cdot 100\% = \frac{0,74}{4,5 \cdot 3,65} \cdot 100\% = \frac{74}{16,4} \approx 4,1\%$$

Демак бу олинган натижалардан ҳам кўришимиз мумкин $V_x > V_y$ экан. Тажриба гуруҳидаги талабаларнинг билими, назорат гуруҳига қараганда тўғри танланганлигидан далолат беради.

III боб бўйича хулоса

Талабаларда касбий компетентлигини шакллантиришга қаратилган тажриба–синов ишларининг муайян дастур асосида аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилиши мазкур масалага доир назарий ғояларнинг илмий асосланиши ва олинган натижаларнинг ҳаққонийлигини таъминлайди.

Тажриба-синов ишларининг қўйилишини тавсифлашда Тадқиқотимизнинг тажриба-синов ишлари мақсади бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларини педагогик амалиёт жараёнида касбий компетентлигини шаклланишининг мазмуни, назарий асосларини ишлаб чиқилди ва амалий тажрибада синаб кўрилди ва тажриба–синов ишларини ўтказишнинг мақсад, вазифалари белгилаб берилди.

Меҳнат таълими ўқитувчиси касбий компетенлиги шаклланиш даражасини баҳолаш методикасини асослашда бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантириш масалалари психологик–педагогик шароитлар асосида ўрганилди.

Меҳнат таълими ўқитувчиси касбий компетенлиги шаклланиш даражасини баҳолаш методикасини ўрганишда меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий компетентлиги шаклланишига йўналтирилган ўқитиш технологияси ишлаб чиқилди

УМУМИЙ ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган туб ислохотлар, жамиятда ўзига хос ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланиш йўлининг танлаб олинishi, шунингдек, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ғояси ва талаблари асосида жаҳон талабларига мувофиқ келувчи, узлуксиз таълим тизимини шакллантириш учун қулай шарт-шароит яратди. Таълим соҳасида олиб борилаётган ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган давлат сиёсати ижтимоий жамият тараққиётини таъминловчи устувор йўналишлардан бири сифатида эътироф этилди.

2. Меҳнат таълими ўқитувчиларини касбий компетентлигини шакллантириш муаммоси узлуксиз таълим тизимида малакали мутахассисларни тайёрлаш жараёнида ўзига хос долзарблик касб этади. Мазкур муаммонинг назарий-методологик асосларини ишлаб чиқиш, уларни назарий ҳамда амалий жиҳатдан асослаш, шунингдек, меҳнат таълими

Ўқитувчиларини касбий компетентлигини шакллантиришга нисбатан тизимли ёндашувга эришиш сўз юритилаётган жараённинг самарали ташкил этилишига имкон беради.

2. Ҳозирги вақтда шахсни ривожлантиришнинг етарлича назарий асослари яратилган. Шахсни ижтимоий фаолиятга киришиш даражаси унинг ижтимоий-психологик жиҳатдан муваффақиятга эришуви даражасини, бу эса охир оқибатда бутун жамиятнинг равнақини белгилаб беради. Ижтимоий фаолиятга киришиш жараёнида қуйидаги ҳодисалар кузатилади:

- шахс томонидан фаолият турини танлашга муносабатнинг индивидуал муаммо сифатида юзага чиқиши;

- шахс иштирок этиши мумкин бўлган фаолият турлари ва уларда шахс иштирокининг мақбуллигини индивидуал равишда белгиланиши;

- ижтимоий фаолиятга педагог раҳбарлигида қуйидаги асосларда кириб бориши: ўқувчилар томонидан фаолият мақсадининг англаниши ва шахсий мақсадларнинг ўзаро таққосланиши; фаолият тажрибасининг тўпланиши; фаолиятнинг эмоционал жиҳатдан жозибадорлиги;

- фаолият жараёни йўналишини юзага келган вазиятларга мувофиқ ўзгартиш;

- шахснинг ижтимоий фаолиятга кириб бориши, унинг тўлақонли қатнашчисига айланиши.

Индивиднинг ижтимоий фаолиятга кириб бориши бир неча босқичлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири бошқалари билан ўзаро чамбарчас боғлиқликда мавжуд бўлади. Ўзаро боғлиқликнинг моҳияти узвий бўлиши ва ёки тескари кетма-кетликда бўлиши ҳам мумкин. Босқичлар боғлиқлигининг изчил кетма-кетлиги фаолият ўзига хослиги ва шахс ўзига хослигининг ўзаро уйғунлашуви шароитида амалга ошади. Акс ҳолда бошланғич босқичга “қайтиш” содир бўлади.

3. Меҳнат таълими ўқитувчисини тайёрлашнинг назарияси ва методикасини ишлаб чиқиш билан боғлиқ диссертация муаммосини ҳал

қилишнинг мезонлари ҳамда педагогик жараёнлар моҳиятини белгилаш мақсадида тадқиқотнинг категориал аппарати шакллантирилди. Муаммо моҳиятини ёритишда «касбий шаклланиш» категориясини замонавий педагогик категориялар билан бир қаторда тадқиқ қилинди. Биринчи ҳолатда, касбий шаклланиш шахс ривожланиш шаклларида бири, иккинчидан эса, касбий шаклланиш шахсни ривожлантириш (мустақил таълим ва ўз-ўзини ривожлантириш жараёнларида) воситасида сифатида қаралади. Ҳар икки жиҳат ўртасида «бир бутун - қисм» кўринишдаги муносабат юзага келади. «Касбий шаклланиш» деганда ўқитувчининг ўзгариб боровчи таълим муҳитида тўғри йўналиш олишига кўмаклашувчи қиёфа, қадриятларнинг акси ва педагогик борлиқдаги қиёфалар тизими тушунилади.

«Касбий компетентлик» тушунчасининг моҳияти очиб берилди. Касбий компетентлик - бу баҳолаш нуқтаи назаридан бўлажак ўқитувчининг касбий-шахсий ривожланишини турли талаб, мақсад, эҳтиёж, қоида, стандарт ва шартларга жавоб бера олиши, касбий фаолиятни ташкил этишга тайёрлик кўрсаткичи демакдир.

Касбий компетентликнинг шаклланиш босқичлари нафақат касбий шаклланишнинг жараёнлилик омили, балки шаклланишнинг натижаси сифатида ўз аксини топади: бу ўринда айнан нима юзага келиши, таркиб топиши, шаклланиши ва яратилишини акс эттиради.

Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар тараққиёт омили. - Т.: Ўзбекистон. 1995. -23 .
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдеори. Т. 1997.-60 б.
3. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонуни –Т.: Ўзбекистон овози. 1997 й, 7-октябрь.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.- Т.: 1998.- 64 б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.-Т.: Ўзбекистон.1999й – 48 б.
6. Абдуллаева Қ.М. Касбий фанлар орқали талабаларда ижодкорлик кўникмаларини шакллантириш.// Ж. Педагогик таълим. 2004. -№6. 38-40 б..
7. Авазбоев О. И. Педагогик лицейда меҳнат таълимининг касбий-педагогик йўналишига донр Халқ таълими тизимида бошлангич синф

ўқитувчиларининг янги авлодни тайёрлаш муаммолари (илмий-назарий Кенгаш маър. тўпл).-Т: Низомий номидаги ТДПИ. 1996й. 90-91 б.

8. Адольф В.А Профессиональное компетентност современного учителя: Монография.К.Г.У . Красноярск. 1998 – 310 ст.

9. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2003. - 174 б.

10. Ахмадалиев.С.Ў Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий педагогик фаолиятга мослашишнинг илмий – методик асослари.Диссертация –Тошкент.: –2007й. 140 бет.

11. Ахлидинов Р. Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ишларини такомиллаштириш йўллари. Ж. Мактаб ва ҳаёт-2005-№7.

12. Ботиров С. Меҳнат таълими ва умумтаълим фанларни ўқитишда касб-хунарга йўналтириш ишлари. Ж. Мактаб ва ҳаёт-2005-№6.

13. Бозоров У. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришда умумпедагогик фанларнинг аҳамиятини ошириш. Магистрлик диссертацияси. Тошкент, ТДПУ, 2005.

14. Виготский Л.С. Педагогическая психология Под ред. В. В. Давидова. -М.: Педагогика. 1991 г.

15. Дониев Б.Б Меҳнат таълим ўқитувчиси педагогик фаолиятини назорат қилиш. Диссертация. п.ф.н . – Самарқанд.: 2008й.

16. Душабоев Х.А. “Меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигининг шаклланиш тузилмаси”. Замонавий физика ва астрономия ютуқлари: муаммо ва ечимлари. – Т.:ТДПУ – 2011. – 205 б.

17. Душабоев Х.А, Байметов М.М. Меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий лаёқатини шакллантиришда мустақил таълимнинг тутган ўрни. Олий таълим тизимини модернизациялашда инновацион ўқитиш технологияларидан фойдаланиш масалалари. – Тошкент.: 2011й. 360б.

18. Жумаев А.Ш Ижтимоий фаол ўқитувчи шахсини шакллантиришнинг илмий – педагогик асослари.Диссертация. пед.фан.ном. – Тошкент.:– 2009й.

19. Кузьмина Н.В. Профессионализм личности преподавателя и мастера производственного обучения. – М.: Высшая школа, 1990. - 158 с.

20. Козырова О.А. Компетентност современного учителя: современная проблема определения понятие. 2004 №2. 48 – 51ст.

21. Мунавваров А.К умум. тахрири остида “Педагогика”. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 200 б.

22. Маматов Д. Касб таълим ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида умумкасбий фанларини ўқитишнинг илмий – методик асослари. Тошкент – 2007. Магистрлик иши.

23. Махмудов У.Касб – ҳунар коллежи ўқитувчиси касбий маҳоратини ошириш. Магистрлик 2006

24. Махмудова Х.Т Индивидуально – психологические осбенности личностей совершивших в состоянии физиологического аффекта. Тошкент – 2009 172 лист.

25. Махмутова.Г.И. Олий педагогик таълим тизимида талабаларни маънавий шаклланишининг ижтимоий педагогик хусусиятлари. Фан ном.

26. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантириш. -Т.: Фан. 2004.- 124 б.

27. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчилари касбий маҳоратини шакллантириш муаммолари // Ж. Узлуксиз таълим. -2004. -№ 1. -Б. 99-104.

28. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий – методик асослари. Диссертация. пед.фан.док. – Тошкент.: 2007й”[52,53].

29. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Касб таълими йўналиши бакалаврларини тайёрлашда мустақил таълимнинг аҳамияти // Ж. Мактаб ва ҳаёт. -2004. -№ 1. – Б. 18-20.

30. НазароваБ.А Педагогик коллежлари ўқитувчиларининг касбий лаёқатини тарбиялаш. Тошкент – 2009 Дис

31. НазароваБ. Бўлажак ўқитувчи фаолиятини лойиҳалаш компонентлари. Олий таълимнинг маҳсус сиртки бўлимида ўқув жараёнини такомиллаштиришнинг муаммолари.Республика илмий анжуман материаллари тўплами. Тошкент – 2008 41 – 43бет
32. Педагогика ва психология маъруза[60].
33. педагогика ва психология[61].
34. Педагогика ва психология[61].2007
35. Педагогик технологияла ва маҳорат.Самарқанд[16] -2006
36. Раҳимов Б.Х. Бўлажак ўқитувчиларда касбий-маданий муносабатларнинг шаклланиши: Пед. фан. ном....дисс. –Т.:2002. - 161 б.
37. Раҳматуллаев А. Меҳнатга эҳтиёжни тарбиялаш.: Бошланғич таълим ж.1993й.№ 11-12.
38. Сайидахмедов Н. Педагогик амалиётда янги технологияларни қўллаш намуналари. -Т.: РТМ. 2000 й.
39. Тхоржевский Д.А. Меҳнат таълими методикаси. - Т. .:
40. .Хасанов Р. Мутафаккирлар меҳнат тарбияси ҳақида. -Т.: Ўзбекистон. 1993 й.
41. Шарипов Ш., Муслимов Н.А., Исмоилова М. Касбий таълим педагогикаси. Методик қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2005. - 58 б.
42. Шодмонова.Ш.С. Олий ўқув юртлари талабаларида мустақиллик тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш.Диссертация. п.ф.д – Т.: 2010й. -337б.
43. Шодмонова.Ш.С. Олимова.Ф. Талабаларда мустақиллик тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини моделлаштириш. “олий таълим тизимини модернизациялашда инновацион ўқитиш технологияларидан фойдаланиш масалалари” Илмий амалий конференция тўплами. - Т.: 2011. 20б.
44. Ғозиев Э. Психология. – Т.: Ўқитувчи, 1994. - 224 б.

45. Қўйсинов.О.А. Касб таълими йўналиши бакалавриат ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимнинг илмий – методик асослари. –Т.: 2008й.160 бет.